

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЎЗАЛ ЮНОСОВА

**ОИЛАДА ОНА ВА БОЛА  
МУНОСАБАТЛАРИ  
ПСИХОЛОГИЯСИ**

"ФАРГОНА" НАШРИЁТИ  
**НАЗОРАТ НУСХА**

«Фарғона» нашриёти,  
2013 йил

УУК 159.9

КБК 88.8  
Ю57

- болалар психологига,

## Юнусова Гүзал.

Ю57 Оилада она ва бола муносабатлари психологияси:  
монография// Г. Юнусова, «Фаргона» нашриёти, 2013. -116 б.

Мисъёр мұғаррір:

В.М. Каримова,  
психология фанлари доктори, профессор

Тәқризчилар:

К.Рахимова.  
психология фанлари номзоди, доцент

М.Атаджанов,  
психология фанлари номзоди, доцент

Шыбы монографияда оштавий муносабатларнинг бола психологияси ривожжаншидаги аҳамияти, оила психологиясида конструктив ва де-структуртив муносабатларни ўрганиш аңаналари, түлиқ ва нотүлиқ оиласларда она ва бола муносабатларининг ўзига хослиги, түлиқ ва нотүлиқ оиласла тарбияланғандағы ўсмирлар ҳамда илк ўспиришларнинг ҳаёттый қадриялар ва истиқбог түрерсидеги тасаввурлари ертитилген.

Монография үзүлкесиз таълим тизимида фаолият күрсатуғчи ўқытувчи-мураббийлар ҳамда психология үйналиши тағабаларига мүлжасланған. Шүншетдек, улдан "Оила" марказлари ёрдамыда жойларда ташкил этилған "Ижтимои мөслимдүв марказлари", "Хотин-қызылар марказлари", "Еш оила марказлари", "Кризис марказлари" ва түрлі үйналишлардаги ўкув марказлари орқали хотин-қызылар, ёшлар ва ёш оиласларга ижтимоий, таълимиү ҳамда психологияк ёндашууда амалий жиындардан фойдаланған мүмкін.


УУК 159.9

КБК 88.8

ISBN: 978-9943-349-65-0

© Г. Юнусова – 2013

© «Фаргона» – 2013



## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамияти куринш жараёнларида оилани мустаҳкамлаш. унда соғлом маънавий мухитни барқарорлаштиришга қаратилган сиёсати ижтимоий соҳани ислоҳ килишида катта тарихий аҳамиятга молик саъй-харакатлардандир. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ёзганларидек. «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам. жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир»<sup>1</sup>. Оила мухитининг соғломлиги уни ташкил этувчи аъзолар – эр-хотин, ота-она – бола, қайнона-келин, қайнона-куёв каби мураккаб ўзаро муносабатларнинг қай даражада мувофиқлашганилигига боғлик бўлганлиги боис, ушбу муносабатларнинг табиати ва уларни бошқариш йўллари ижтимоий психология томонидан ўрганилиши лозим.

Психологиянинг Ўзбекистонда тобора ривожланиб бораётган тармоғи бўлмиш ижтимоий психология оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмоний ва руҳий соғлом қилиб тарбиялаш муаммоларига эътибор берар экан, бу орқали ушбу ижтимоий институтни жамиятнинг равнак топишида тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оиласаларнинг хукукий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлокий манбаатлари ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан кўллаб-куватлашни кучайтириш ва изчил таъминлаш борасида аник мақсадларга йўналтирилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чикинни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, оила деб аталмиш ижтимоий институт ва унда ҳаёт кечираётган инсонлар ўртасидаги мулокот ҳар доим ҳам самимий, ижобий бўлавермайди. Оила ўз ҳаёт циклида хамиша тўлиқ, текис давом этмайди. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қандай кечишига қараб, оилани мустаҳкам ёки зиддиятли, тўлиқ ёки нотўлиқ категорияларга бўлин мумкин.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Юксак маънавият – сенгидмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 58 б.

Менталитетимизда нотўлиқонла моделига иисбатан турфа хил фикрлар борки, уларнинг аксарияти бундай оила моделининг фарзандлар тарбиясига кўпроқ салбий таъсир кўрсатини, иккинчи томондан, бундай оиласадаги опанинг ижтимоий психологик мақомида кўпялаб шахслароро зиддиятлар мавжудлиги эътироф этилади. Лекин глобаллашув ва ҳар бир шахснинг ҳастий мавқеларида ўзгаришлар рўй берадиган, таълим олини, малакали қасб эгаси бўлишга интилиш эркак ва аёлларда деярли бир хил аҳамият қасб этувчи қадриятга айланадиган бир шароитда нотўлик ёки бокувчинин йўқотган оила атамаси муайян маънода иисбий маъно ва моҳият қасб этади. Турли сабабларга кўра нотўлик макомини олган оиласанинг ижтимоий ва иктисолий муаммоларини ўрганини орқали уни мухофаза қилишининг оқилона йўлларини излаб топиш ва амалиётта жорий этиш мухим ва долзарб масаладир. Зеро, Ўзбекистонда ҳар бир оила давлат ва жамият мухофазасида бўлиш хукуқига эгадир.

Агар яқин-яқингача ҳам нотўлиқонла ва ундаги мухит тўғрисида Ўзбекистонда бир томонлама чекланган фикр устувор бўлган бўлса, хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишида, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда тутган мавқелари ортган сари бу тасаввурларда муайян ўзгаришлар содир бўлиганини ҳам айни ҳақикатдир. Тўлик онлада тарбияланадиган болаларнинг психологияси, феъл-автори нотўлик оиласада тарбияланадиган болаларнидан маълум даражада фарқ килади. Айни шу фаркларнинг мавжудлигини аниқлаш, психологик хизмат шахобчаларини ташкил этиш, оила аъзоларининг психологик саводхонлигини ошириш, нотўлиқ оила фарзандларини ҳам тўлақонли тарбиялашнинг усулиларини маҳсус илмий тадқикотлар доирасида ўрганиш ўта долзарбдир.

Шундай килиб, юкоридаги фикр ва мулоҳазалар бизга тўлик ва нотўлиқ оиласада тарбияланадиган болаларнинг ҳастий қадриятлар ва истиқболтўғрисидагитасаввурларининг фарқи ҳамда ўшашлигини, турли таснифдаги оила аъзолари ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик моҳиятини аник эмширик материал асосида ўрганиш ва шу орқали турли оила вакилларига жойларда малакали психологик хизмат ташкил этишининг долзарблигини исботлаш вазифасини белгилашга имкон берди.

# І БОЙ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МУАММОСИННИГ ЎРГАНИШИШИ

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРЫ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛА ПСИХОЛОГИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Қадимги шарқ мамлакатларида яшаган, ижод қылган ва азюйларга ўзларининг иодир маънавий меросларини колдирган алломалар кайси йўтилишида илмий изланиши билан шутулсанган бўлмасинлар, улардан колтаг маънавий меросда, энг аввало, оила, оила гарбияси ва шахсни соглом муносабаглар мухитидаги тарбиялашнинг аҳамиятига бағишланган қарашлар ўз ифодасини тоғлан.

Миллий қадриятларимиз, жумладан, оиласий муносабатларга оид фикрлар буюк алломалар ва тарихий-маънавий меросимиз бўлмини – Авесто мафкурасида, Ўрхун-Энасой битикларида, Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадгу билиг», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан колган сўнгликлар», Абу Али ибн Синонинг «Тиб конунлари», Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида. Бобурийлар даври ва Акбаршоҳларнинг ижтимоий-педагогик тажрибаси баен этилган китобларда, жалидчиларнинг мафкуравий тарбиятга оид асарларида акс эттирилган. Буюк мутафаккирларимиз бўлмиш Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Наср Форобий, Абу Бакр Мухаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Имом Ғаззолийлар соглом оиласий муносабатлар мухитидаги тарбияланадиган фарзанд хислатларига, бунда миллий қадриятларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратганлар. Фикримизча, ўша даврларда ҳам турли хил юришлар, урушлар ва қатағончилик қонунларига кўра ҳамма оила ҳам тўлиқ бўлмаган, онаси ёки отаси казо қилган ёки вазият такозоси билан нотўлиқ бўлиб қолган оила муаммоси жамиятнинг энг илғор вакиилларини қизиқтирганки, шу боис, улар кўпроқ ўз асарларида яхши, маънавий жижатдан мустаҳкам оила ва ундан муносабатларга эътибор қаратганлар.

Бошкача килиб айтганда, Шарқ мутафаккирлари шахс камоюти, уннинг маънавий покланиши, тътиқод ва дунёкарашлар теран-

лигнга бевосита алоқадор бўлган фикрларини кўпроқ ота-она таъсири ва оила мухитида устувор бўлган қадриятлар тимсолида тасаввур этганилар.

Шарқ алломалари орасида шахс ва жамият ривожи хусусида ўлмас ғоялар соҳиби бўлган Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари мухим ўрин тутади. «Ал-муаллим ас-Солий»—«Иккинч муаллим», Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873-990 й.й.) ўзининг «Фозия одамлар шахри» [47; 57], «Фуқаролик сиёсати», «Баҳт-саодатга эришув ҳақида» каби асарларида олижапоб жамият, адолатли тузум, фозил, ахлоқан пок инсонлар ҳакида фикр-мулоҳазаларини баён килиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томоплама етук, барча аҳолини баҳт-саодатга, илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ва унга муносиб инсонлар ҳакидаги ғояларни илгари сурди. Унинг таълимотидаги фозил инсонлар бир-бирига хурматда бўлади. Отана ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Бу фикр соглом инсоний муносабатларнинг баркамол ва фозил шахс тарбиясидаги мухим аҳамиятини яна бир маротаба тасдиқлайди.

Шаркнинг буюк алломаларидан бўлган Абу Наср Форобий томонидан ривожлантирилган ворисийлик омили тўғрисидаги қарашлар оила ва унинг мухити таъсирида шаклланадиган айрим шахс фазилатларини таҳомил килишга асос бўлиши мумкин. Аллома қарашларининг амалий аҳамияти шундаки, унга кўра, инсон берилган киска умри мобайнида ҳайётнинг барча сир-асрорларини эгаллай олмайди. Шу бонсан, у ўзидан олдинги аждодиар томонидан колдирилган қадриятлар, урф-одатлар ва ашъаналарга социқ бўлиши, оиласи қадрлаши керак. Бунинг учун эса одам илм-маърифат борасида етук доинишмандларга эргашини, бообру шахслардан ўринак олиши лозим. Оилада — ота ва опа, маҳаллада — оқсокол, жамият миқёсида — оқил ва доно ҳукмдорлардир. Демак, бу фикрлар ҳам шахснинг ахлоқий ва маънавий тақомилнида оиласида асрраб-авайлаб келинаётган расм-руsumлар, одатларининг роли сезиларни эканлигини яна бир маротаба тасдиқлайди.

Ўрта асрлар ахлоқшунослиги ва оиласишунослигида Рай шахрилик мутафаккир Абу Бакр ар-Розий (865-925) таълимоти ўнга хос

ўрин әттілайди. Унинг ахлоқий қарашлари «Лаззат», «Фалсафий ҳаёт тарзи», «Рухий табобат», «Бахт ва фаровонлик белгилари» каби катор асарларида акс этган (10).

Ар-Розий ўз асарларыда инсондаги хушхулуккни тарбиялаш ва бағдулуккни йүкогиши йүлларни ҳамда усулилари ҳақида езади. одамларни ақл билап иш күришига, хиссиятларни жиловлай олинига, мөмкіннен да лаззатланишига, лақзалик лаззатта умрини баҳшида күлмасликка чакиради. Лаззатнинг бир шартини у фаровонликда, иккінчи шартини эса ҳамма нарасага ақл билан ёндашувда күради. Ўзигача бўлган алломалар, олимлардан фарқи ўлароқ, Ар-Розий инсоннинг ахлоқан пок бўлишида ижтимоий омиллар ролига кўп эътибор беради ҳамда одамни ижтимоий фаолликка, жамиятга фойда келтириб яшашга чорлайди. Унинг фикрича, инсон ижтимоий мавжудот. У факат инсоний жамиятдагина ахлоқий юксакликка, баҳт ва фаровонликка эришади. Жамиятдан ташқарида, яккаликда, танҳоликда инсоннинг яшаши мумкин эмас. Борди-ю, яшаган тақдирда ҳам ... «ёввойи, ҳайвоний, тўпос бўлади, зоро, у бизнинг мавжудлигимизни кулагаштирадиган, орасталаштирадиган инсоний ҳамкорлик ва қўллаб-куватланиш имконидан маҳрум», – деб ёзди мутафаккир [10,34]. Кўринадики, бугунги маънавий-маърифий тарбия шароитида ҳам Ар-Розийнинг ижтимоий таълимоти кўплаб яхши хуносалар чиқаришга имкон беради. Масалан, оила ижтимоий мухитнинг мухим бўлаги сифатида ёшлар тарбиясида, уларнинг истиқболда қандай инсонлар бўлиб етишишида катта роль ўйнайди. Бунда ота ва онанинг ўрни бекиёсdir. Оила тўлик бўладими ёки тақдир такозоси билан нотўлик бўлиб қоладими, барибири, унинг фарзандлар келажагини белгилашдаги ўрни сезиларлидир. Чунки илк тарбия асослари, кадриятларга муносабат айнан шу масканда карор тонади. Ар-Розий таълимотидан ана шундай хуноса чиқариш мумкин.

Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Раҳіхон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борацаги қарашлари ҳам диккатга сазовордир. Улар солих амаллар, меҳнат, тажриба ва кузатишларнинг шахс тарбиясидаги ўрни ва ролига аҳамият бериб, боладаги тўғри ва соглом дунёқараш факат соглом опла мухитида, адолатли тузумдагина мавжуд бўлишига қаттиқ ишонғанлар.

Ибн Синонинг шахс тарбиясидаги маънавий ҳамда ахлоқий омиллар тўғрисидати карашлари унинг «Ахлоқ шимига доир рисола», «Бурч тўғрисида рисола», «Нафти покиза тутиш тўғрисида рисола», «Адолат ҳакида китоб», «Туарар жойлардаги тадбирлар» сингари асарларида баёни этизган. У ўз асарларида катор ахлоқий фазилатларга таъриф бергап. Чунончи, иффат, хикмат, шижаот, адолат, сахийлик, каноат, катъият, садоқат, ҳаёб, камгарлик ва бошқа фазилатларнинг таърифи ва уларни тарбиялаш воситалари тўғрисидаги карашлари ўта долзарбдир. Булдан ташкари, аллома шахс маънавияти ва ахлоқига зид бўлган салбий сифатлар – ўғрилик, алдамчилик, фиску фасод, нафрат, рашик, адован, бўхтон, иродастизлик, такаббурлик, иодонлик кабиларни ҳам таърифлаб, уларнинг бошқа сифатлар билан боғлиқлиги ва бири-яккинчисига ўтиб туриши шартларини ҳам баён этади. Айни пайтда, ибн Сино устозлар атъяналарини давом эттириб. «Ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуксон оралигига бўлади, яъни ўрталик хусусиятига эга», дейди [9; 10].

Бу фикрлардан ҳозирги замон мутахассислари ҳам тўғри хуло-салар чиқариб, оиласвий психология ва тарбия масалалари борасида тавсиялар ишлаб чиқишилари мумкин. Аллома ўзининг оиласвий муносабатларга оид карашларида отанинг оиласвий тарбиядаги роли ни алоҳида таъкидлаган ва бу фикрлар мазкур тадқиқотда илгари сурилган тахминларнинг исботида ўзига хос тарзда далилини топиши мукаррар. Лекин унинг асарларида онлабда факат она шахси тарбиячи бўлиб колган шаронтда боланинг қандай тарбия олиши масаласига тегишини фикрларни тоғмадик.

Тасаввуф имми борасида ибратли фикрлар сохиби бўлган яна бир Шарқ алломаси Имом Газзолийдир (23). Унинг «Иҳён улум аддин», «Мукошафат-ул қулуб», «Эй, фарзанд» деб номланган китобларида эътиқод ва мухаббат, ихтиёр әркинлиги ва тақдир, ишонч ва ният масалалари борасида асосли ва таъсирлаб фикрлар илгари сурилган. Унинг назариясидаги зиг кучли жиҳатлардан бири - барча фазилатларнинг асосида мухаббат ётишини ёқлашдир. Газзолий мухаббатини ҳам билишнинг маҳсули, деб атайди. Зоро, инсан ниманини билса, ўшанигина севиши мумкин. Унинг фикрича, мухаббатининг беш тури мавжуд:

1) инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва сог-омонлигига мухаббати;  
2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришини таъминловчи, уни асровчи, уйдан турли мухликтларни (халок этувчиларни) нари тутувчи валинеъматларига мухаббати;

3) инсоннинг гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилиган зотларга яхшилик қилмаган бўлса-да, бошқа инсонларга хизмат кўрсатган, яхшилик қилиган зотларга мухаббати;

4) инсоннинг ташки ва ички киёфасидаги барча гўзалликларига мухаббати;

5) инсоннинг ўзи билан ботиний (ички), яширип ўхшашлиги бор бўлган зотларга мухаббати. Зоро, «ўзини англаб етган кишигини ўз яратганини англаб етади, у ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотга эришуви Ойлоҳдан, ва Оллоҳ воситасидадир», дейди Имом Газзолий (23: 128).

Тақдир масаласида ҳам билим, инсоннинг билиш қобилияти биринчи ўринда туради: «Ихтиёр билимга бўйсунади». Зоро, инсоннинг ўзига нима ёкин ски ёкмаслиги билим (билиш) орқали англаб етилади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрини ўзига хос тури, нимагаки инсон ишончсизлик түпса, ўйланга нишбатан бўлган аклий муносабат юзага чиқади. Газзолий тақдирининг мукаррарлигини таъкидлаган ҳолда, инсонга маълум маънода ихтиёр эркинлиги берилганини кайд этади.

Имом Газзолий ният масаласида ҳам ўзига хос фикрлар бишдиради. У ниятини икки нарса-билим ва ҳаракат камровидаги сифат деб таърифлайди. Билим ниятдан олдин туради, у ниятнинг иядизи ва шарти ҳисобланади. Ҳаракат эса ниятдан кейин туради. Алломанинг фикрларидаи хулоса чиқариб, шуни таъкидлайди мумкини, фарзандлар тарбиясида ният-мақсад кўйинига ўргатиш, уни ўз ҳаракат кучига ишонч руҳида тарбияланниң аҳамияти катталир. Яхши ният ва амаллар шахседа Оллоҳга, унинг ҳар бандасига ишоят қилган амалларга мухаббатида акс этади. Демак, шахс тарбиясида билимга ихлос ва яхши ишларни ният килиб, билим билан ҳаракатни уйғулаштириш маълавий баркамоллигини асосларидаи ҳисобланади ва бу нарсанни ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида ишобатга олмокликлари зарурдир. Шу маънода тасаввуф илми намояндаларининг жумладан, Газзолийнинг қарашлари катта аҳамиятга эгадир. Газзолий

күн асарларида ота-она ва фарзандларнинг ўзаро муносабатлари масаласига алоҳида аҳамият қаратган. Үзининг «Мукошафат-ул қулуб», «Эй, фарзанд» асарларида илгари сургағ ғояларидан бирни – бу онанинг кадр-киммати масаласидир. «Мукошафат-ул қулуб» китобида у шундай ёзди: «Фарзандда онанинг ҳақки отага нисбатан икки баробар кўпроқ. Онатнинг дуоси кўпроқ қабул бўлади» (23;145). Ибн Муборакнинг фикрларини келтирад экан, у Пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг куйидаги ҳадисий ибратига мурожаат қилади: «Марҳамат килмаган – марҳамат кўрмайди», яъни, ота ҳам, она ҳам фарзандига меҳр кўрсатиши лозим, кейин фарзанд ҳам ўз ота-онасига меҳр кўрсатади. Келтирилган фикрларнинг мазкур ишга алокадорлиги шундаки, оила тўлиқ бўладими ёки нотўлиқми, фарзанд тарбиясига мутассадди бўлиб колган шахс (мисолимизда – она шахси), аввало, боласига меҳр кўрсатмоғи лозимки, токи, бу фарзандда истиқболдаги оила ва оиласавий муносабатлар тўғрисида тўғри ижобий фикр ва тасаввурлар шакллансин ва, ўз навбатида, турмуш ўргогисиз ёлғиз ўзи тарбия берган инсонга нисбатан унда меҳр-шафқат бўлсин.

Шахс маънавияти ва мафкуравий қарашларининг шаклланиши омишлари хусусида буюк бобомиз Мир Алишер Навоийнинг фанимизга қўшган ҳиссалари каттадир (38). Навоий ўз асарларининг марказига комилликка интигувчи шахс ва унинг фазилатлари масаласини кўяди. Зеро, унинг фикрича, ҳар бир инсон Худо унга пеъмат сифатида бергағ фазилатларнинг эгаси бўлмоғи, комилликка интилмоғи зарур, ана ўшандагина у ўз инсонлик бурчини бажарган. инсон деган номни оқлаган саналади.

Маълумки, «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида Навоий бутун ҳаёти давомида кўрган, билган воқеалар, оддий халқнинг турмуш тарзи, феъл-атвори, оиласавий урф-одатлари, яхши ва ёмон хислатлари бўйича тўплаган кузатишлар баён этилгап. Асарга «Маҳбуб-ул-қулуб» ёки «Қалбларнинг севгили» деб ном кўйилиши бежиз эмас. Чунки бу асарда аллома инсонларни оиласавий турмушдаги турли ҳодисалар ва вазиятлардан чиқишига имкон берувчи яхши фазилатлар, уларни тарбиялаш масалаларига диккатни қаратган. Уларни том маънода оиласавий кадриятлар, деб эътироф этиш мумкин. Энг муҳими, аллома тасавvuрида уйланишиниң қадрият эканлиги, аёл

кишининг оиласидаги муносиб ўрни, оқилалик, тарғиб-интизомнинг бўлиши, эрнинг хурмат-иззат килиниши каби мухим қадриятлар, табииї, бола онгига оиласа нисбатан ижобий муносабатни шакллантирувчи омил сифатида талкин этилади. «Яхши хотин - оиласининг давлати ва бахти. Ўйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, ҳуснли бўлса-кўнгил ёзиги, хушмуомала бўлса-жон озигидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар саранджом туради» (38; 41).

Буюк шоиримизининг оиласий қадриятлар, бахт, севги ва эр хотин муносабатлари, уларга зарур бўлган фазилатлар борасидаги фикрлари жуда катта психологоик аҳамиятга эга бўлиб, уларни онгли равишда ёшлар томонидан идрок этилиши, сўзсиз, оиласа оид ноёб қадриятларимизга нисбатан уларда тўғри тасаввурларнинг шакланиши ва шу орқали оиласа нисбатан ижобий установкалар асосида оиласий ҳаётга тайёр бўлишлари учун маънавий озука бўлади. Қандай оила туридан чиқкан бўлишига қарамай, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда ҳаётий қадриятлар тизимида оила ва шикоҳ каби қадриятлар мухим ўрин тутади.

Хулоса килиш мумкинки, буюк алломанинг бу ва бошқа асарлари бугунги ешиларни соғлом руҳият ва дунёкараш руҳида тарбиялашнинг назарий-методологик асосларидан биридир. Унинг асарларида шахс – ўта замонавий ва унинг амаллари ва фикрлари доимо келажакка, яхши кунжалрга қаратилган. Бунда шахс, оила ва жамият таъсирларининг уйтунилиги масаласининг кўйилганилиги психология илми учун, оила психологияси учун катта аҳамиятга эгадир. Алломанинг фикрларидан мазкур тадқикот мақсадига эришиш учун методологик манба сифатида фойдаландик. Яъни, тўлиқ ва нотўлиқ оиласа фарзанднинг комилликка интилиши аввало ота ёки онанинг (кўп ҳолатда икказасининг) тарбияловчиллик вазифасини қандай адо этишига боғлиқдир.

Мусулмон Шарқида шахс маънавияти ва ахлоқи борасида яратилган икки буюк панднома борки, улардан бири Юсуф Ҳожибининг туркий тилда ёзилган «Қутадғу билиг» («Яхшиликка элтувчи оиласи») (50), иккинчиси Кайковуснинг форсийда ёзилган «Қобуснома» асарларицир.

«Кутадғу билиг» 13000 мисраннан ўз ичига олган ахлоқий нормаларға бағылланған монументал асар булиб, уни түркій халқтарнинг ахлоқий комуси деб аташ мұмкін. Китобда әзгулик ва ёвузылған, яхшилік ва ёмоғыл, олижаноблик ва тубанлық, ҳалоллық ва харом сингари түшүнчаларға шархлар берилған. Хусусан, әзгу одамнинг таърифи күйидаги басын этилған: «Әзгүнинг барча күлмеші ва йўриқлари халққа фойда ва манбаат берадиган бўлади. Барчага бирдек яхшилік килади, лекин эвазига улардан мукофот минннатини кишмайди. Эзгу ўз манбаатини кўзламайди, бошқалар манбаатини кўзлайди, бошқаларга келтирган фойдасидан ўзига манбаат тиламайди» [50; 58].

«Кутадғу билиг»да оила ва жамоатчилик жойларида муомала одоби ва этикет муаммоларига ҳам катта эътибор берилған. Ундаги асосий тамоили тил билан дил бирлиги эканлиги ўртага ташланған ва булатнинг барчасида билимнинг аҳамияти таъкидланған: у акд-заковатни инсон кадр-кимматини юксалтирувчи пеъмат деб билади. Юсуф Ҳожибинг фундаментал фикрлари фарзандларимизда шаклланадиган ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларига бахо берини максадида ўргашпиди ва муайян хуносалар чиқарилди.

Кайковуспинг «Қобуснома» асарида ҳам айнан шу жиҳатларга эътибор қартилған, зеро, у ҳам инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча кирралари камраб олинған канитал асардир. Унда ота-она мұносабалари, фарзаңд тарбиясининг тамоилииари, меҳмонга бориши ва меҳмон күтиш, савдоғарлик одобидан тортиб, чавгон ўйини – спортчи одобигача қаламға олинади. Кайковус бола тарбиясининг мұхимлігини таъкидлаб, шахс шаклланишида тұрма омиллар ҳамда ҳаётий тарбиянинг асосий воситашар эканлигига диккатни қаратағы, оиласынг, ота (*бүрінчі навбатда*) ва онанинг ролини алоҳида-алоҳида кўрсатади.

Бошқача киёнб айтганда, оиласынг қадриятлар ва маънавий-маланий меросимизнинг оила ривожланишидаги ижобий томонлары алломалар асарларида күйидаги таърифланған:

- миллий қадриятларнинг оиласында барқарор психологик мұхитини вужудга келтириш ва уни ривожлантиришга бўлған таъсири, ундан бола тарбиясида фойдаланиши;

- миллий маданий мерос таъсирида оиласынг ижобий ривожланиши;

– мишлий маданий мерос ва маънавий қадриятларни бола тарбиясига ижобий гаъсири;

– мишлий маданий мерос ва маънавий қадриятларни бола тарбияси билан боғлиқ ижтимоий-психологик мухитга даҳидорлиги масаласи.

Жумладан, якин ўтманиймизда фаолият кўреатган маърифат-парварлар асарларида ҳам болани айнан оиласда зъозозланиб, сакланыб қоладиган қадриятлар руҳида тарбияланш алоҳида ўрин эгаллаган. Улуғ педагог А.Авлонийнинг (11) фикрича, болаларда ахлоқий хислатларниң таркиб тоннинида ижтимоий мұхит, оиласавий шароит ғоят катта аҳамиятта әга. А.Авлоний боланинг шахс сифатида шаклланышига тўхталиб ўтади. Унинг тарбиясида оиласанинг ролини алоҳида таъкидлаб, «Күш уясида кўрганини кизалдур». - дейди. «Инсон жавҳари кобилдир. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сакланиб, гўзал хулқларга одатланиб кагта бўлса, ҳар ким кошида макбул, баҳтиёр бир инсон бўлиб чиқар. «Тарбияни ким килур?», «Қайда қилинур?» деган саволга биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. «Бу ота, муаллим, мударрис на ҳукумат вазифасидир», – дейди (11;160). Хуносага кўра, тарбия, энг аввало, оиласдан бошланади ва бунда онанинг роли алоҳида таъкидланади.

Абдурауф Фитрат «Оила» асарида оила асосини тўғри куриш, оиласда ёш авлодга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия бериш оркали турғунликдан кутулиш, жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён кирадан. «Мишият тақдирин мана шу мишият вакијлари яшатан оиласининг холатига боғлиқдир. Каерда оила муносабати кучли иницијомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», – деб ёзди Абдурауф Фитрат [46: 112].

Фитрат оиласини ҳаёт ўз копуни ва қоидаларига әга эканлигини, бу конунларга риоя қилиш орқалигина одамларни жаҳолатдан кутгариш мумкинлигини баён тади. Фитратнинг бу асари ўзбек оиласининг ўзига хослиги, камчиллик ва ютуклари, мамлакатни ислоҳ қилишининг оиласдан бошланыши, оиласининг асосий вазифаси, оиласда ота-она ва фарзанд тарбияси, ўша даврда оиласда аслларининг мавқеи, унни ўзгартирини масалалари илмий таҳсилита бағишланган.

Умуман, шарқ халқларида, хусусан, буюк Туронда боланинг маънавий жиҳатдан оиласвий ҳамда мустакил ҳаётга тайёр бўлишида оиласвий расм-русумларнинг ўрнига катта аҳамият берилган. Шундай масалага багишланган китоблардан биритуркестувчиси ва олимни Фахрул Банот Сиғбатулоҳ қизининг «Оила сабоқлари» китобидир (45). Асримизниг бошпода ялаб, ижод қилган бу олиманинг рисоласида ҳам болани оиласвий муҳит шаронтида тарбиялашнинг туркона расм-русумлари асосида унга тўғри сабоқлар беришга эътибор қаратилиган ва бу жараёнда оланишг, қайнопанинг алоҳида ўрни таъкидланган. Лекин аслида бу жараёнда ота-онанинг ўрнак, намуна бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. «Болаларга курук насиҳатгина таъсир қилмас. Яхши деган нарсани ишлаб кўрсатмаклик ва ул ишниг яхшилигига болаларни ишонтирумаклик лозимдир. Бўлмаса, шул ёмондир, уни ишлама деган одамлар ўзлари шул ёмон ишни ишласалар. ул тарбияда ҳеч бир фойда кўринмас, ўйук ерга сули согчалар бўладир. Шундай бўлгач, болалар гўзал тарбияни, инсоният фазилатларини слғиз тилдан эшишув илагина эмас, ишлатанин кўриб, касб килувлари лозимдир» [45; 96]. Бу фикрлар фарзандларимизни тўғри тарбиялаш учун дастуриламал бўлиши мумкин.

Шарқ мутафаккирларининг шахснинг оиласва да оиласвий қадр иятлар асосида шакллапиши борасидаги фикрларидан чиқариш мумкин бўлган умумий хуносалар шундан иборатки, биринчидан, уларда шахс ва жамият тараққиёти уйғулиги ғояси биринчи ўринда кўрипади. Бу хуноса ушбу тадқиқотнинг методологиясини белгилашга кўмак беради.

Иккинчидан, алломаларимиз қарашларида шахс соғлом дунё-қарашининг муҳим омили сифатида унинг маънавияти ва жамиятдаги маданияти муҳимлиги фикри ифодаланади ва бунда ҳам оила бирламчи ижтимоий муҳит сифатида талқин этилади. ота-оналарнинг беназир роли эътироф этилади.

Учинчидан, шахснинг камоли, ундаги соғлом қарашлар ва тасаввурларда отанинг алоҳида нуфузи кўзга ташланади, лекин онанинг ўрни ва макоми ҳам камситилмайди, акситча, кўп асарларда унинг таъсир кучига алоҳида урғу берилади.

Тўртинчидан, барча қарашларда оиласва такомил тонадиган шахс маънавияти ва дунёқарашининг тамал тошларин сифатида ун-

даги иймон ва инсоф, ақл-заковат ва фаросат, әзгерікод ва диснаға масалалари ишінде сурілған. Булар тағысирида шаклланған инсоний фазилатлар эса шахс комилликкин ифодаловчи омыллардыр. Демек, шахс ва унинг комилликка интилиши, бунга әлгүвчи ондағы шарт-шароитлар ва жамиятдаги реал имконияттарнинг ёритилиши борасындағы алломалар фикрларига таяниб, тадқиқоттнинг мағкуравий тамошайларини белгиләдік.

Шундай қилиб, киска таҳлил учун танлаб олинған алломалар қарашларыда ижтимоий психология учун мұхым методологик тағайыннан борлық, улардан әңг мұхими – ҳар бир шахснинг жамият ва унинг нормалари ижобий хүлқ шаклларига айланиши учун әңг аввало мұхым ижтимоийлашув институти бўлмиш оила ва ундағи қадриятларни тўғри идрок этиш ётишини тушуниш мумкин.

## ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИДА КОНСТРУКТИВ ВА ДЕСТРУКТИВ МУНОСАБАТЛАРНИ ҮРГАНИШ АНЬАНАЛАРИ

Маншый ҳаётда оиласарлар «бахтли оила» ва «муаммоли оила» каби турларга бўлниш урф бўлган. Рус адаби Лев Толстой «Анна Каренина» асарининг сўз бошиен учун ёзган «Барча бахтли оиласарлар бир хил бахтили, барча бахтсиз оиласарлар ўзича бахтсиздир», деган фикри ҳаминиа психолог олимларни уларни үрганиши, керакли илмий хулосалар чиқарниш ва тавсиялар ишлаб чиқиши орқали жамиятда бахтиёр оиласар сонини қўпайтиришига ундаиди.

Тўлик ва нотўлик оиласада тарбияланастган ўсмири ва илк ўспирин ёшли болаларнинг истиқболдаги ҳаёт ва оиласавий қадриятлар тұғрисидаги ижтимоий тасаввурларини үрганиши учун оила психологиясида тадқиқотлар мавзусига айланган оила турлари ва уларнинг хусусиятларига бағишланган ишларни назарий жиҳатдан таҳлил этамиз.

Аслида «бахтли», «нормал оила» тутунчасининг ўзида муайян шартлилик ва сунъийлик бор. Чунки ҳар қандай оила – бу оиласавий муносабатлар мажмуйи бўлгани боис, унда турли хил муаммолар, шахслараро зилдиятлар, мураккаблик борлыги психологлар томонидан аллақачон исботланган. Шундай булса-да, олимлар нормал ўзаро муносабатлар барқарор бўлган оила мавжудлигидан келиб чиқиб, бундай оиласага таъриф берадилар: масалан, россиялик олим В.Н.Дружинин [19] нормал оиласи «оила фаровонлиги, аъзоларнинг ижтимоий муҳофазаси ва ривожланиши, фарзандларнинг эса ижтимоийлапшуви жараёнида психологик ҳамда жисмоний стуклигини талаб доирасида таъминлашдиган» деб таърифлаган. Аньанавий қарашларга кўра эса, масалан, Margaret Mid нормал оила деб, оила доирасидаги барча имларга тўлалитича ота жавобгар бўлган оиласи тушунган. Шу тамойилларга жавоб бермайдиган оиласи олимлар аномал ёки муаммоли оила, деб гаърифлашуга уринадилар [37: 321].

Шундай килиб, ижтимоий психологида оиласавий ўзаро муносабатларнинг яхши (ижсоий, нормал) ёки ёмон (салой, аномал)

лигига қараб оилани «нормал – аномал» турларга бўлиб ўрганиш анъанаси ҳам бор.



#### 1.2. 1-расм Оила турлари

Аслида жамият пайдо бўлиб, унда оила деб аталмиш ижтимоий институт шакллангандан бусн инсоният қандай оилани идеал деб аташ мумкин, деган саволни ўртага ташлаб, уни асосан жамиятда қабул қилинган ахлоқий қадриятларга қанчалик мос келиши, жавоб беришни нуқтаи назаридан баҳолаб келгандар. Лекин шуниси ҳам борки, бир маданий-маънавий мухитда идеал ҳисобланган оиласиний муносабатлар бошқа бир маданий мухитда ундан сифатга эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, бунга асос шундай бир далилки, ота-онасиининг розилигисиз турмуш куриш қадрият сифатида бизнинг Шарқ маданий мухитида қабул қилинмайди. лекин айрим Ўарб мамлакатларида бунга жуда нормал ҳолат деб караш бор. Демак, идеал ва нормал оила формуласига тушадиган қадриятларнинг миллий-маданий ўзига хосликка, этнопсихологик конун-коидаларга эгалигини унумаслигимиш керак.

Аномал оила ўрганишгандан, тадқиқотчилар, аввало, реал оиласига мурожаат қиласли ва бунда идеалликка яқинлик тамойили назарда тутилмайди. Факат шу муаммонини

моҳиятидан кечиб чиқиб.  
Alisher Navoiy  
2013/01  
A 6761  
nomidagi  
O'zbekiston MK

муаммонинг сабаблари, масалан, ажрим бўлган оиласадаги қайси муносабатлар аъзолар ўргасида ажралишга ундали, деган саволга жавоб қидиришади. Яъни ўзаро муносабатлар ва улардаги ҳамжиҳатлик (*гармония*)нинг мавжудлиги ёки йўқлиги масаласи оиласанинг қайси тоифага киришини белгилашада асосий мезондир. Шу нуткаи назардан олиб қаралгаңда, оиласавий муносабатлар хусусиятларига асосланиб оиласи аномал деб таърифлаши имкониятини тадқик этиш бўйича кўплаб олимларнинг олиб борган излапиншларини умумлайтириб, оиласадаги шахслараро муносабатлар бузилишининг күйидаги сабабларини ажратдик:

- а) никоҳдан кониқмаслик (*интиҳим муносабатни ажратдик, ҳамда шахслараро ўзаро мулоқотдан қониқмаслик*);
- б) ота-онаси опласида олган тажрибанинг яхши эмаслиги, яъни эр-хотинлардан бирининг (балки иккаласининг ҳам) ўз ота-онаси оиласида кондирилмаган қандайдир эҳтиёжлари, олган рухий жароҳатлари таъсирининг янги оиласадаги намоён бўлиши;
- в) никоҳга киришда келин ва кўёвларнинг танловидаги хатоликлар, яъни, келин ёки куёв (балки иккаласи ҳам) бирорининг тазики остида турмуш курган, ёки айнан шу инсон билан турмуш куришга тасодифий ҳолатлар ва вазиятлар туфайли мажбур бўлган;
- г) ота-онаси онласидаги муносабатлар схемасининг онгизиз тарзда қайтарилиши натижасида таклидчанлик асоратлари муносабатларнинг соғлом бўлишига ҳалақит бериши. Бунда никоҳдаги шерик ўз турмуш ўртоги билан бўлаётган муносабатларида шахсан ўз муносабатини эмас, балки ёшлигида кўрган-кечиргандарни. отасининг онасига ёки аксинча муносабатларни қайтаришга уринаверади;
- д) эрлик ёки хотинлик ролига киришда реал вазиятлардан келиб чиқиб эмас, балки ўз отаси ёки онасининг эр ва хотин сифатидаги ролларига идентификация килиши оқибатида ролларнинг сунъийлашуви ва шеригига маъкул бўлмаслиги туфайли келиб чиқадиган низолар. Бу ҳолатни С.Крахотови «Эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқ тарзда кечишин уларнинг ота-онаси оиласи ўртасидаги бир ҳиллик ва мувофиқликка боғлиқдир» [32; 336] деб хисоблайди;

е) ёр-хотинлик муносабатларининг кандай кечишини аввалги оиласида ака-укалар ва она-сингиллар орасида кандай мавқеда бўлганилиги орқали тушунтириши ҳам мавжуд, лекин бу ҳолатниң қанчалик низоли эканлитигини ўз мухитимиз шаронтида ўрганиш лозим.

Ўзбекистонда ушбу масалани ўрганиган В. Каримова бошқа миллатлар тадқиқотларида кам учрайдиган ҳолатни келтиради: «Айрим ҳолларда ота-онанинг ёшлилар хастига аралашуви шу кадар бевосита характерга эга бўладики, бу ёшлилар билан ота-опалар ўртасидаги низоларга ҳам сабаб бўлади. кайнона ва келин, қайнота ва кўёв ўртасида низолар ҳам ана шундай аралашувнинг кўплигидан келиб чиқади. Яъни ота-опанинг фарзанди балогат ёнига етиб, мустакил ҳаётга кадам қўйгандаги аралашувлари. Гамхўрликлари ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларига олиб келиши мумкин»(28: 36-39). Буни ҳам аномал оиласида олиб келувчи ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Кўпинча ижтимоий психологияда оиласиий муносабатлар ва уларниң конструктив ёки деструктив табииати оиласианинг ижтимоий институт сифатидаги функционал хоссаларидан келиб чиқиб ўрганилади. Оиласиинг *функционал ҳусусиятлари* – бу оила аъзолари ўртасидаги муносабатларининг сифатий тарафларини тавсифловчи тушунчадир. Бунда қўйидагилар назарда тутилади:

- 1.мулокот услублари;
- 2.ҳар бир оиласида хос бўлган тартиб-коидалар;
- 3.ўзаро мулокот жараёнида коммуникатив тўсикларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

В.Сатир (42: 50-72) ўзиниң психотерапевтик тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда оиласиий муносабатлар жараёнида кўзга ташланадиган мулокотнинг бени кил услубини ажрагадики, улардан тўргасини самарасиз деб атайди, битгасини етарли даражада тажриба ва билимга эга бўлган етук мулокот услубига киритади. Дастробки тўртгаси одатда муомала жараёнида бирор муаммо ёки тусикни сингишга, ўзини атайлаб яхши кўрсанишга, кимгайдир ёкишга ёки акситича, кимпидир нимагайдир айблашига, танқид килишга хизмат кишуви мулокот услублари сифатида В.Сатир қўйидагиларни назарла тутган:

*Хүннендеңдік* услуги кимларғадир атайлаб ёкиш максадида барча оила аязоларининг хатти-харакатларидан андоза олиш, үзини ерга уриб бўлса-да, ўзгалар билан келитишиб яшаш, бу билан үзини хамиша ўта камтар тутишга уриниши назарда тутади.

*Айбловчи* услуга доимо кимнидир нимагадир ўргатавериш, танкид ва назорат қилиш, факат ўзидан кучли одам олдилагина бироз үзини жиловланш билан боғлик коммуникатив харакатларни ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи услублар гўёси бир-бирини тўлдиради.

*Ҳисоб-китобчи* муомала услуги шундайки, унга кўра одам хамиша ва ҳар қандай вазиятда аник, бехато харакатлар қилишга интилади, чунки бундай одам адашмай, доимо «тўғри, бенуксон» бўлишга интилади. Шунинг учун бундай инсоннинг харакатлари доимо сунъийдай, хис-туйгуларни эса мазмунсиз, доимо тазийк остига олингандай бўлади.

*Четлаштирилган* муомала услуги ўзини нима қилиб бўлсада ўзгалардан узоқда, муайян масофада тутиш, одамови каби бошқаларнинг назаридан ҳам, уларнинг таъсиридан ҳам үзини тортишга интилиши билан тавсифланади (*масалан, бизда одатда янги келинчак ўзини ана шундай тутади. Таъкид бизники - Г.Ю.*).

Етук, адабтив муомала услугида эса инсон ҳамиша ўз оила аязолари билан тўғри, самимий, очик муносабатларга тайёр бўлади. Бундай одам ўзининг барча фазилатларини билгани ва саклагани холда бошқаларнинг ҳам шахс эканлигини, индивидуаллигини унутмаган тарзда мулокотга киришади. У гапиришни ҳам маромида эплайди, ўзгиларни тинглашини ҳам билади, шу сабабли, унга кандайдир коммуникатив тўсикчлар хатарли эмас.

Психотерапевтик амалиётда В.Сатир К.Рожерс каби барча муомала услубларини таҳлил килар экан, бир инсоннинг бошқа бир инсонни тинглай олишига алохиди ётибор каратади. Асосий мақсад шундан иборатки, ҳар бир оила аъзосини ўз тартиб-коидаларини бузмаган холда муомала маданиятига ўргатишадир. Масалан, оиланинг муайян тартиб-коидаларига куйидагилар кириши мумкин: «Якшашба куплари ҳамма тўплапиб, бирга тушлик қилишади», «Отамиз ухлаган пайтда унга ҳеч ким халакит бермайди», «Мактаб харажатлари учун болаларга муайян микдор»а нул берилади» ва хоказо.

Очиқ тартиб-коидалардан ташқари. ҳар бир оиланинг яширип коидалари ҳам мавжудки. улар ҳам оиласи муносабатларнинг яхши бўлишида катта роль ўйнайди. Одатда бундай қоидалар муайян мавзуларнинг оила даврасида кўтарилмаслиги ёки маълум тарзда хис-кечинмаларнинг намоён этилмаслиги ида кўринади. Масалан, отасининг олдинги никоҳдан фарзандлари борлиги мавзуси, оиласа ногирон борлиги, боланинг қандайдир фалокат туфайли рухан еки жисмонан дардманд бўлиб қолгани, кимнингдир камалиб кетганлиги, ота ва онанинг бирга яшамаётганлиги, отанинг спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги кабилар одатда оила аъзолари тўйланган пайтда очик мухокама қилинмайди. Чунки расман таомин бўйича бундай холатларга бевосита болаларнинг алоқаси ҳам, айби ҳам бўлмайди. Шунинг учун уларни бу каби салбий тажриба пайдо бўлишидан саклаш максадида юкоридаги холатлар мухокама қилинмайди.

Оила, энг аввало, ривожланувчи тузилма бўлиб, унга ёшга оид қонуниятлар хосдир. Чунки оила аъзолари йиллар ўтгани сарп ривожланади, етукликка эришади, кексаяди, шу боис ҳам, оила доимий равишда ўзгариш ва ривожланишларни бошидан кечиради.

Оиланинг таркиби тузилмаси ҳам илмий жихатдан мухим бўлиб, уни энг аввало, алоҳида индивидлар ташкил этади. Алоҳида индивид ўз хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари, ҳаётий максад-муддаоналирига эга дастлабки автоном бирлиқдир. Оила аъзолари эса оиласа киришиб, кўшилиб кетганлиги нуткази пазаридан бир-биридан фарқ қиласи. Оиланинг айрим аъзолари бутун вужуди, борлиги билан оиласи ҳаётга уйғунлашиб кетган бўлса, бошқалари унинг таркибига кейинчалик кириб келади, (*масалан, асрорни бола, келин, куёв ва ҳоказо*). уй бекаси оиланинг «катта онаси» бўлса, янги тушган келинчак иккинчи хил оила аъзосини ташкил этади. Лекин барча оила аъзолари унинг психологик мухитини, ундаги самимиятни барқарор этишига ўз хиссасини кўшади, факат биринчиси оила манфаатларини ичкаридан туриб, факат яхшилик, баркарорликни ўйлаб иш тутса, бошқалари ташкаридан турли маълумотлар, «ўзига хос ҳаво» олиб кириш йўли билан оила мухитини мувофиқлаштиради. Бунда албатта, асосий ролни ота-оналар ўйнайди, шу боис, ушбу тизим олимлар ўтиборини ўзига

тортади. Ўзбекистон шаронтида ва, умуман, Шарқ халқлари учун бу жиҳат ўта мухимдир.

Ота-оналарининг ўзаро муносабатларини ўз ичига олган психологияк тузилма ҳар доим ҳам эр-хогинлик муносабатларини айнан назарда тутмайди, чунки, уни эридан жудо бўлган ёлғиз момо, хола ёки тўнгич фарзанд ҳам ташкил этиши мумкин. Шунинг учун психотерапевтикакамалий ҳаракатлар ёқимаслаҳатлару чунота-оналар тузилмасида кимнинг роли кучли ва сезиларли эканлигини бисиши аҳамиятлиdir. Ота-оналар, энг аввало, оиласининг хавфсизлиги, унда самимият мухитининг бўлиши, гарбия жараёнларининг кандай кечишига жавобгардир. Улар шу оиласидаги барча фарзандларнинг келажагини, керак бўлса, жуда яхши камол топишни учун ўз билим ва тажрибасини сафарбар этадиган инсонлардир.

Умуман, оиласий ўзаро муносабатлар, уларнинг ижтимоий мөҳияти ва уларни маҳсус тарзда ўрганиш гояси бирдан пайдо бўлган эмас. Агар турли ҳаёт боскичларида оиласий турмуш тарзининг ўзгаришинин инобатга олсан, оиласий низолар ёқиниздиятлар шумайян мухит учун табиий бўлиб, уни ҳар бир нормал оила ҳам бошдан кечиради. Шу боне ҳам, ўзбекчиликда оила ва никоҳ тушунчалари билан бир каторда «рўзгор», «турмуш» каби тушунчаларни ҳам кўллашадики, момоларимиз унга мөҳиятни «фор», «турмуш-мушт деб кўйибди» каби мажозий ўхшатишларни ишлатадилар ва бу билан оиласий ҳаётнинг ўзига хос мураккабликлари борлигига ишора киладилар. Бундай зиддиятлар оиласий роллар кўпайганда, фарзанд туғилганда, кудалар билан муносабатлар бошланганда, айрилик рўй берган боскичларда, айникса сезиларни бўлади. Лекин ахил ва мустаҳкам оиласида бу зиддиятлар деярли асоратларсиз, енгиллик билан ўтиб кетади. Муаммоли оиласарда эса оиласининг катталари уларни снгиш малакаси ва тажрибасига эта бўлмай, бошқаларга сезидириб қўяди, баъзан оиласиниг ичидаги гап-сўзлар маҳаллага, узок ва яқин кариндошлигаргача етиб боради.

Шундай килиб, оиласиниг мустаҳкам ёки мустаҳкам эмаслиги эмас, балки ундаги шахслараро муносабатларнииг ижобий тусли ёки ёмон, салбийлиги оиласи тўлиқ ва нотўлиқ, мустаҳкам ва муаммоли турларга бўлиб ўрганишга асос бўлган. Ижтимоий стереотип шундан иборатки, агар оила тўлиқ бўлса, ундаги ўзаро муносабатлар яхши, агар у нотўлиқ бўлса, яъни оиласи ганикни

этувчи мухим фигуранлардан бири, масалан, эр ёки хотиннинг бўлмаслиги муносабатларнинг салбийлигини билдиради. Бу аслида бидъят бўлиб, реал хаётда турли сабабларга кўра нотўлик оила ёки ёлғиз она тарбиясида қолган болалар оиласининг тарбияловчи функцияси аъло даражада ҳам бўлинти мумкин.

Лекин катор тадқикотлар борки, уларда нотўлик оиласати ўзаро муносабатларнинг деструктив, яъни рисоладаги эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Гап нотўлик оила ҳамда ундаги деструктив муносабатлар ҳақида кетгандা, ажримлар туфайли пайдо бўлган нотўлик оила тури алоҳида ўрин тутади. Гаъкидлаш лозимки, ажримлар туфайли пайдо бўлган нотўлик оила XX асрнинг охирларида кенг тарқалган нотўлик оила турдидир. Рус олимни С.Голоднинг (18; 136) маълумотларига кўра, Россиядаги оилалар ажрими шу қадар кўпайдики, ҳар 100 та никоҳга 51та оила ажрими тўғри келади. Бунга сабаблардан бири ота-оналик ролларнинг бажарилмаслиги, отанинг бола гарбиясидан совуқконлик билан четлаптанишидир. Чунки кўпгина оталар ажралишгандан сўнг маълум муддат ўтгач, фарзандлари билан умуман юз кўрмас бўлиб кетишиади.

Ўзбекистонда ҳам оила ва никоҳ нечоғли қадрланмасин, оиласавий ажримлар хар йили қайд этилади. Статистик маълумотларга кўра, охирги йилларда йилшига судлар оркали ўртacha 15.5 мингдан 17 минггача оила ажримлари қайд этилади. Ажримларнинг судлар оркали расмийлаштириладиган турлари ФХДЁ оркали амалга ошириладиган турларидан кўпроқдир. Ажрим бўлган 70% оилалар ёш оилалар бўлиб, уларда ўртacha 2.5 та бола ярим стим бўлиб қолади. Бу каби нотўлик оиласарда ўзига яраша ижтимоий-иқтисодий муаммолар пайдо бўладики, шу боис ҳам давлатимизда оила сиссатининг мазмуни нотўлик оилалар сонини камайтиришига қаратилгандир. Бунда масаланинг моддий томонидан ҳам унинг маънавий-ахлоқий томонлари бизни кўпроқ ташвишга солади. Чунки бундай нотўлик оиласи опаси тарбиясида қолган фарзандлар маънавий жихатдан ўзларини камситилган хис этиб, отаси билан бўюломмаганилигидан бир умр армонда яшайди.

Бева бўлиб қолини, яъни турмуш ўрточининг вафоти муносабати билан нотўлик бўлган оила ҳам кўпроқ онанинг фарзанди билан ёл-

ғиз колишидир. Бундай оиласлардан маънавий мухит ажрим туфайли иайдо бўлган нотулик оиласникидан фарқ килади. Ўзбек оналари бундай ҳолатларда отасининг рухи хурматидан фарзандларни юксак инсоний фазилатларни тарбиялашга интиладилар. Бундай ўзига хослик қатор тадкиқотларда, жумладан, ўзбекистонлик олима Г. Ялгарова ишларида алоҳида қайл этилган [51]. Турмуш ўртоғидан бирининг ўлими туфайли жудоликка маҳкум этилганлар оиласида ҳам ўзига хос муносабатлар шаклланган бўлиб, уларда гўёки «арвоҳ» оиласвий жараёнларининг барчасида интирок этаётганига ўхшайди. Айниқса. Шарқ ҳалқларида мархумнинг рухини хурмат килиб, барча оиласвий тадбир ва маросимларда уларнинг рухларини шод этувчи дуолар ўқилади, улар яхши гаплар билан эсланади. Бу фарзандлар тарбиясида муайян маънода ижобий роль ўйнайди.

Аксарият нотулик оиласларга хос бўлган муносабатлар услуби – бу «она-бола» муносабатларидир. Чупки бундай оиласда фарзанд учун ягона етакчи ва парвариш килувчи инсон она ҳисобланиб, колган оила аъзоларининг (масалан, онанинг ота-онаси ёки бониқа қариндошлар) муайян таъсири бўлишига қарамай, барибир етакчи таъсир онанини бўлиб колаверади.

Психологияда «она-бола» ўзаро муносабатларининг кўнлаб турлари қайд этилган. Биз уларнинг орасида турлича муносабатларни ўзида мужассам этган С.Броди (16) вариантини келтирамиз. Ушбу вариант эски бўлишига қарамай, кўнлаб муаллифлар уни ўзларининг типологияларига асос қилиб қўллаб келадилар. Жумладац. С.Броди куйидаги муносабатлар типологиясини ажратади:

1. *Қўллаб-қувватловчи, рухсат берувчи ҳулқ-автор.* Бу типни оналар фарзандларини олдиндан бирор ҳаракатларни мустакил бажаришга мажбур килмайдилар, масалан, ҳожатга боришга качон боланинг ўзи стилишини кутадилар, сўнгра болага рухсат берилади. Бу олимнинг фикрича, болада ўзига ишонч хиссини тарбиялади.

2. *Боланинг эҳтиёжларига мослашиш.* Она бола билан муюлкотда хамиша муайян тангликини ҳис килади. унинг эҳтиёжига мослашишга уринади, лекин бу билан, барибир, болани эргаштиришга уринади, ундан устунлик килишга интилади.

3. *Масъулиятлilik ва болага исбатан қизиқинине йўқлиси.* Бундай шароитда она ва бола ўртасида илик муносабатлар деярли

намоён бўлмайди. Она, кўпинча, боласининг ҳар бир ҳаракати устидан қатъий назорат ўрнатишга мойил бўлади, айниқса, озодалик, саралжом-саришталик борасида бола доимий назоратда ушланади.

**4. Изчиллик мавжуд бўлмаган ҳулқ.** Она боланинг ёши ва эхтиёjlарига мос келмайдиган ишларни кўп килади, тез-тез адаптаци, болани тушунмайди. Бундай ҳолат болада ўзига нисбатан ишончсизликни шакллантиради.

Л.Ковар эса «она-бола» муносабатларининг ўзига хос томонларига оиласиий ўзаро муносабатлардан ташкарига олиб чиқувчи ҳолат сифагида ҳам қарайди [33]. Бундай муносабатлар, аввало, отаонанинг фарзандига нисбатан реал муносабатидан келиб чикади, яъни бола қанчалик онанинг жамиятда тутган ўрнига таъсири килади, унинг профессионал ўсицига тўғанок бўлмайдими? Агар ушбу саволларга жавоб онанинг ижтимоий меҳнатда бандлиги фойдасига ҳал бўлса, у фарзандидан тобора четлай бошлайди. Онанинг меҳри ва эътиборидан жудо бўлган бола эса ўзгалар билан мулоқотдан кочадиган, турли хил жамоатчилик ҳулқига зид ҳаракатларни килишга мойил бўлиб бораверади. Бошка оналар тоифаси эса, бир қарашла ўзини тўла «болага баҳнида этиб», туну-кун у билан шугулланади, амалда «хўжайип-кул» муносабатлари доирасида болани севиш улинг мустакиллигига раҳна солиши мумкин. Ёки болани ҳаддан ташқари эркалатиш, унинг ҳар бир талаб ва инжикликларини бажо этавериш ҳам салбий натижаларга олиб келади. Охириги ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам аслида нотўғри психологик маком бўлиб, опанинг вакти бехуда ўтишидан ташқари, боланинг мустакил фикрли, ўз тақдири учун маъсулиятли бўлиб вояга етишига ҳалақит беради.

Шу каби она-бола ўзаро муносабатларини махсус тадқикотлар доирасида ўргалган замонавий олимлар, афсуски, деярли йўқ экан. Нисбатан яиги изланишлардан бири россиялик олми Е.Соколованинг патопсихологик тадқикотларига алокадор бўлиб, у ўз изланишларида, амалий психологик маслаҳатхоналар фаолияти мисолида «Она-бола» муносабатларини услубан фарқлаган:

**1. Ҳамкорлик.** Она ва боланинг ўзаро мулоқотида бир-бирини кўллаб-куватловчи фикрлар устувор бўлади. Мулоқот мобайнида бир-бирига ён босиш, ёғилувчанлик (*мулоқотда етакчи ва етакланувчи позициялари тез-тез ўрин алмашинади*) кўзга ташланади. Она фарзандини фаолликка ўндайди.

2. *Ёлгизланини*. Оилада хеч качон биргаликда карорлар кабул қилинмайды. Бола ўзини оила аъзоларидан четта тортиб, ёлғизликка маҳкум бўлади, ўз ҳиссий кечинмалари ва фикрларини ота-онаси билан ўртокалашмайди.

3. *Раҳобат*. Оилавий мулокотдаги шериклар кўпинча бир-бирларига карши туради, бир-бирларини танкил килади, ўзини кўрсатиш ва ўз фикрларини уктиришга интилади.

4. *Соҳта ёки ёлғондакам ҳамкорлик*. Оила аъзолари, барибир, кўпроқ ўз манфаатидан келиб чикиб муомала килади. Ҳамкорликда карорлар чиқариш жараёни моҳиятган ишчанлик эмас, «... балки қалбакирок, ўйндай содир бўлади» [41; 56].

Е.Соколова она билан боланинг шу тарздаги ўзаро муносабатларидан хуносалар чиқариб, онанинг ёки фарзанднинг качон устун бўлиши ҳолатларига эътибор каратади. Масалан, она етакчилик ёки устунлик килган ҳолатларда у боланинг таклифлари, истакларини рад килаверади, бола эса бу рад жавобларини кабул килади, шу орқали ўзини риоя этувчи, шу билан биргаликда муҳофазада деб ҳис қилишга ўрганиди. Агар бунииг акси бўлиб, бола устунлик килган оила шароитларида эса она боланинг барча инжикликларини кабул килаверади, бу билан ўз камчиликларини оқлайди, боланинг ночорлигини тан олиш орқали, ўзини «курбон» килаверади.

Албатта, нотулик оилада кўпинча отанинг ўрни бўлмаслигиги ни инобатга олгач, айрим олимлар она учун эр ўрнини босадиган бола билан бўладиган ўзаро муносабатларни таҳлил киладилар. В.Н.Дружининнинг ёзишича, эр ўрнини босган бола бўлган оилада «она ўзига нисбатан ҳамиша эътибор, ғамхўрликни талаб қилади, ҳамиша фарзанди билан бирга бўлишини хоҳлайди, унинг шахсий хаётига тааллукли бўлган ҳамма нарсадан хабардор бўлишни истайди, боланинг tengkurlари билан бўладиган алоқаларини имкон даражасида чеклайди»[19]. Бундан ташкари, ажралишиб кетгап эр хотинларининг фарзандлари онасидан бошқачароқ муносабатларни ҳам кўриши мумкин, лекин психолого олимларнинг фикрича, уларнинг барчасида бола шахсиятнин камситувчи, унинг мустакил бўлишига ҳалакит берувчи жиҳатлар мавжуд.

Оилалар типологияси муаммолари билан, маълумки, социологлар ҳам шуғулланади. Масалан, россиялик социолог олимлар,

жумладан, А..Антонов оиланинг куйидаги турларини фарқлайди [12,13,14].

1. *Нуклеар оила* – ота-она ва уларнинг фарзандларидан иборат факат икки авлодни бирлаштирган оила тури. Бу оила тури Ғарбда ва бошка ривожланган давлатларда энг күп таркалган оила туритидир.

2. *Кенгайтирилган нуклеар оила* ўз таркибига нуклеар оилани ва унинг якин қариндошларини (*бувилар, бувалар, набира, она, сингил, ака-уқалар ва бошқалар*) ҳамда уларға якин бўлган яна бошка уруғ-аймокларни ҳам олади.

3. *Тўлиқ оила* деганда ота ва она ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат нуклеар оила назарда тутилади.

4. *Нотулик оила* – ота-опалардан бирни ўйқ бўлган оила. Яна бир кўшимча оила тури бўлиб, у функционал жиҳатдан нотулик оила деб аталади, бунда ота-оналар ўзларининг профессионал бандликлари ёки узок муддатда оиласда бўла олмасликлари сабабли оила аъзоларига ниҳоятда кам вакт ажаратадилар.

5. *Катта оила* – бир маконда биргаликда яшайдиган қариндош-уруғларни ҳам таркибига олган оила тури бўлиб, унда ё патриархал ёки матриархал бошқарув хукмон ғуллади. Кўпроқ аграр худудларга хос бўлиб, ягона ер-мулк, жоноворлар шарвариши шароитида биргаликда уларни юритиш учун кулай.

6. *Оила-ҳовли ҳам анъанавий аграр хўжаликларга хос оила тури бўлиб, унда ҳам бир вактнинг ўзида бир исчада авлод вакиллари бирга яшайверади.* Бундан ташкари, бундай оиласда қариндош бўлмаган кимсалар (*хизматкорлар, ёлланма ишчилар ва бошқалар*) ҳам яшashi мумкин, шу оркали ягона ижтимоий ва иктиносий жамоага асос солинади.

Оиласдаги аъзолардан жинсига кўра кимнинг хукмонлик килишига кўра ҳам оиласлар фарқланади:

патриархал оиласда хукмонлик ва етакчилик эрга хос бўлади;  
матриархал оиласда оила-рўзгоришларини тўлиқ аёл бошқаради;  
эгалитар оиласда хокимиёт эр ва хотин ўртасида тенг таксимланган бўлади.

Охириги оила тури АҚШ ва бошка етакчи Ғарб давлатларида жуда кенг тарқалган бўлиб, олимлар, америкаликларининг ўзлари оила институтининг барча инқирозларини айни шу ҳолат билан

боғламок-далар. Масалан, Америка Кўшма Штатларининг ўзида охирги 30 йил мобайнида оила ажримлари 15 баробарга ошди ва бу дунё миқёсида энг катта кўрсаткичdir. Шу мънода айрим мутахассислар анъанавий оила турининг афзалликлари кўп эканлиги борасида ўз нуктаи назарларини баён этмоқдалар.

Лекин муаммо яна нотўлик оиласа келиб тақалади. Юкорида айтилганидек, оила турлари бўйича неча йиллар ва асрлар мобайнида илмий изланишлар олиб борилмоқда, лекин тўлик ва нотўлик оиласа хозирги замонда она таъсирида бола тараққиётининг қандай кечиши масаласи минг афсуски, чукур ўрганилмаган.

Нотўлик оила турининг психологиялар ва педагоглар орасида сал-бий асоратлар билангина тавсифланишига сабаб, энг аввало бундай мухит нафақат болага, балки ташлаб кетилган ёки яқин кишисидан жудо бўлған аёл шахсига ҳам салбий таъсири кўрсатади. Шунга карамай, кўплаб муаллифлар бу ҳолат шахсга боғлик бўлмаган вазиятлар гуфайли келиб чиқишини, таникли шахслар, буюк адилларнинг кўпчилиги ҳам тўлик, идеал оиласа тарбия олмаганликларини тан оладилар. Демак, масалага бир томонлама ёндоши мумкин эмас.

Хўш, ёлғиз она қўлида қолган шароитда боланинг онги ва руҳиятида қандай ўзгаришлар кечади? Бу саволга жавоб ҳамиша психологларни кизиктирган, чунки бундай оиласдан чиқсан болага психологик хизмат кўрсатиш ёки у билан психологик-педагогик коррекция ишларини олиб борганда, ушбу қонуниятларни билиш зарур.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар доим ҳам боланинг отасидан (ёки онасидан) айрилиши ота-оналар ажралишгапи, яъни расмий никоҳ барбод бўлгани, оиласаги катталар муроса қила олмаганликларитуфайли рўй бермайди. Уруш ва инқилоблар, табиий оғатлар, жиноятчилик, ота-онадан бирининг оғир хасталинка дучор бўлиши, уларнинг умуман ҳаётга, жумладан, оиласий ҳаётга тайёр эмасликлари каби турли ҳолатлар болани иккала катталарнинг жамиятидан ажратиши ҳам мумкин. Баъзан болалар бирданига иккаласидан-ҳам оға, ҳам онадан жудо бўлиши мумкин. Лекин айни нийтда гап боланинг она қўлида, унинг тарбияси таъсирида колиши қандай илмий-амалий аҳамият касб этиши ҳакида кетмоқда.

Үтказилган күплас психологик текширишлар, кузатувлар ва изланишлар шуни тасдиклайдыки, эрдан ажрапланган она хастининг дастлабки пайтида, айникса, фарзанди ёпи бўлган даврда унга жуда катта эътибор беради, ғамхўрлик кўрсатади, ўзини бутунича унга баҳшида этади. Уни ҳиссий-эмоционал томондан қуршайди. Лекин кузатипилар шуни кўрсатадики, ота ёки онасидан жудо бўлган болалар бошқаларга нисбатан психологик томондан секиррок ривожланади, соматик ва психологик хасталикларга кўпроқ йўлиқади. Психологларинг таъкидлашича, «Отанинг йўклиги она-нинг йўклигига нисбатан бола тараккиётiga камрок салбий таъсир кўрсатади, чунки она боланинг эмоционал жиҳатдан барча эҳтиёжларини қопдира олади». Опанинг оиласидаги роли ниҳоятда кучайиб кетганилиги боис, онанинг руҳиятида асабийлашиш, таранглик ҳолатлари тез-тез кузатила бошлайди. Агар эр ва хотиннинг ажрашуви бола каттарок ёшдалигига содир бўлган бўлса, бола янада кўпроқ азият чекади. У (айникса, ўзи бола бўлса) нафакат оиласда ўзига ўрнак бўлувчи шахсни йўқотади, балки тенгкурлари жамиятида ушбу ҳолатни тушунтира олмай, рухан ва маънан эзилади. Бу вазият, албатта, она ва бола муносабатларининг силлиқ кечмаслигини таъминлайди. Колаверса, ота оиласидинг ижтимоий ҳамда иктисадий масалаларини ечувчи шахс сифатида бўлган бўлса, энди бу вазифалар онанинг елкасига тушганлиги сабабли, бора-бора унинг ўз фарзанди билан тўлаконли мулокотда бўлиши учун вакти камайиб боради, бу ҳам болада ўзига хос невроз ҳолатини келтириб чиқаради. Айникса, бу ҳолат бола ўсмирилик даврига кирганда кўпроқ сезилади. Чунки ижтимоий фойдали меҳнат билан банд она фарзандини билимлар, касб-хунарлар оламига тўғри олиб киришга имкон топмайди. Фикримизча, эридан кўнгли колган она фарзандини отаси изидан боришига йўл бермайди, ваҳоланки, унда отанинг профессионал лаёқати бўлиши мумкин. Масалан, отаси уста ҳунарманид ёки моҳир бизнесмен бўлган бўлса, она боласига бу ҳунар билан шуғуланишни ман килади: «Отанг килган ишни килмайсан, сен юрист бўласан, отанга бир кўрсатасан ўзингни» кабилида. Бундай касоскорлик руҳидаги йўлланмалар бола руҳиятини эзишдан ташкари. уни катта хастда адашишга, ўзи хоҳламаган касб-хунарни танлаб қўёйиб, кейин афсусланиб юришига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда ажримларинің хам турлича бўлишини таъкидлаш жоиз. Масалан, эр билан хотин ўзаро келишолмай колиб, фарзанди бўлса, суд оркали ажрашиб кетишади. Лекин психологияда «аффектив ажралиш» тушунчаси хам борки, унинг бола рухиятига таъсири юридик ажралишдан асоратлироқ ва оғирроқ хисобланади. Бундай ажралишнинг психологик моҳияти шундаки, баъзан конуний жиҳатдан бирга яшаштган эр-хотинларда хам шундай ҳолат кузатилади. Улар бир-биrlари билан ойлаб, йиллаб гашлашмай, бир-биrlарига душманлайдай яшайдилар. Ёки юридик жиҳатдан ажримни расмийлаштирганларидан кейин хам бир-биrlарига нисбатан нафрат билан яшайдиларки, уларнинг баъзан фарзанд туфайли ёки мол-мулк мусодараси туфайли учрашувларидан бола жуда катта психологик жароҳат олади. Бир-бирига ёв қараш қиладиган, тухмат қиладиган, шахсини камситадиган ҳолатларни бола билади ва сезган сари ўзини ўта баҳтсиз ва почор хис этади. Айнинса, айрим эркаклар аффектив ажрим шароитида бошқа аёл билан норасмий яшаши ҳолатлари жамиятда, бошқа одамлар орасида ўзини бошқача (сипо, самимий) тутиб, оиласда опаси билан агрессив позицияда бўлиши бола рухиятини жунбушга келтиради ва унда келажак, оиласвий ҳаёт, турмуш ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурларини батамом ўзгартириб, аффектив установкалар шаклланишига олиб келади.

Тўғри, ҳаётда баъзан айрим вазиятларга кўра, ортиқ бирга яшай олмайдиган ҳолат вужудга келиб, эркак ва аёл онгли равинида ажралишиб кетиши хам мумкин. Масалан, баъзи ҳолатларда эркакнинг ёки аёлнинг бошқа бир инсонни чин дилдан севиб колиши, ўртада англашилмовчилик, тасодифий хиёнат туфайли бир-бирини кечира олмаслик ҳолатлари бўлганда, эр ва хотин ўзаро келишиб, бир-биридан узр сўраган ҳолда, демократик тарзда ажралишлари хам кузатилади. Бу ҳолатда иккаласи хам бола кўз ўпгидага ўзаро хурматли, иззатли шахслар сифатида фарзандларига вазиятни тушунирадилар, ҳамиша кўришиб туриш имкониятларини баён этиб, бола розилигини хам оладилар. Бу ҳолатда ажримда аффективлилик элементлари бўлмаганлиги сабабли, бола вазиятга кўникади, уни табиий кабул қилади, невроз ҳолатини камрок хис этади. Ажрим ҳолати фарзанди ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшига етганда содир

бўлганда ота-оналар имкон даражада болага психологик жароҳат стказмаслик мақсадида маъкулроқ йўлни тутишга мажбур бўладилар.

Шундай килиб, педагогик ва психологик нуктаи назардан ёндошилган холда оила хусусиятлари ўрганилганда, куйидагилар инобатга олинади:

оиласда етакчи макомида қолган шахснинг (*онанинг, отанинг, баъзи ҳолатларда бувиларнинг*) психологик хусусиятлари;

оилани идрок қилган боладаги педагогик ва психопатологик хусусиятларнинг ўзига хослиги;

оиланинг тўлик ёки нотўликлигидан келиб чиқсан холда боланинг турли ташки мухит, хусусан, ижтимоий омиллар таъсирини кабул килиш хусусиятлари, тенгқурлар жамиятидаги макоми ва ўрни;

оиласда боланинг турлича салбий хатти-ҳаракатлари оиланинг бошқа аъзолари, биринчи навбатда, онанинг руҳий ҳолатида акс этиши;

оила аъзоларига аниқ психологик ёрдам бериши лозим бўлган педагоглар, мураббийлар, амалиётчи психологлар ва болалар психиатрининг бевосита аралашуви кай тарзда кечиши ва ҳоказолар.

Ўтказилган назарий таҳлилдан шундай хуласа қилиш мумкинки, нотўлик оиласда тарбияланган боланинг жамиятдаги ижтимоий-психологик мавкеи ҳамда ижтимоий тасаввурлари тизими ўзига хос кўринишларга эга бўлади. Бу таълим ва тарбия муассасаларида улар билан ишлайдиган педагог ҳамда мураббийлар фаолиятига муайян таъсир кўрсатади.

Рус психологлари А.Харчев, С.М.Голод, И.Прокопен, Л.Гозман, Ю.Алешина ва бошқалар 80-90 йилларда ўтказган катор тадқикотларида нотўлик оилалар юзага келшини, биринчи навбатда, ўқимишли аёлнинг жамиятдаги мавқеининг ўзгариши, профессионал фаолиятдаги нуфузининг ортиши билан боғлашган. Ўз слкасига икки томонлама «юкни» олган аёл – она оиласдаги атъапавий ролларини тўлаконли бажара олмагалиги сабабли, оиласвий муносабатлар таранглашмоқда ва «оила», «фарзанд» тушунчалари ўзининг кадрини йўқотиб бормоқда. Нотўлик оилалар муаммосини, аввало, ишлайдиган опадаги роллар низоси

билан боғлаб, «роллар тұқнашуви аёл томонидан канчалик әътиборга олинмаса, унинің башка соха шарда үз ютуқларини баҳолиши шунчалик юкори бўлади. Оила ташқарисида яхпи ютукларни кўлга киритиб, юкори мавқеларга эришаётган аёлни оиласда үз бурчларини қандай даражада бажарилётганини уччалик кизиктирмайди ёки оиласвий муаммолардан үзини узокрок олиб торнишга харакат қиласди» [13:43-44].

Ю.Алёшина ана шундай роли низолар юкори ва паст бўлган аёлларнинг үзини ва оиласдаги ўрнини идрок килишида сезиларли фарқ бўлиши мумкинлигини ҳам аниқлаган.

А.И.Ушатиков (43;152) тўлиқ ва нотўлик оиласлардаги жинслараро фарқиар, уларнинг бола тарбиясига таъсирини ўрганиб, оиласвий можаролар ўғил ва қиз болаларга бир хил таъсири қиласди, ўғил болаларда оиласвий низолар ва оиласнинг бўлиниб кетиши кўпроқ салбий хатти-харакатларни келтириб чиқариши мумкин, деган хуносага келган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Н.Ершова (21), С.Радванова (40), Н.Дуновски (20), Я.Колухова (30), З.Матейчек (35), З.Марова (34) ва башка катор муддифлар томонидан чиқарилган илмий мақола ва китобларда ҳам нотўлик оиласларда бола тарбиясининг психологик асослари тўғрисида турлича фикрлар берилган. Адабиётлар таҳлилидан айнан шу йилларда оиласвий ажримлар кўп бўлгани, нотўлик оиласлар сони ошганлигини ҳам сезишимиш мумкин. Уларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкинки, нотўлик оиласда тарбия топаётган боланинг психикаси гўлиқ оиласдагиларнидан барибир фарқ қиласди. Ўтказилган социологик сўровлар ва экспериментал ишларда кўлга киритилган натижалар бу фикрни нафакат асослайди, балки нотўлик оиласда канчалик шарт-шароит яхши бўлмасин, ота ёки ёлгиз она, бувилар болага ғамхўрлик қиласинлар, боланинг ижтимоийлашуви жараёни, унинг ақлий ва иродавий сифатларида маълум ўзига хосликлар кузатилиши кайд этилди. Тўғри, Россияда олинган маълумотлар том маънода бизга ҳам даҳлдор, леб бўймаса-да, россиялик олимлар ўтказган тўлиқ ва нотўлик оиласларда тарбияланётгани бола ижтимоийлашуви ва унда шахс сифатларининг камол топиши борасидаги тадқикотлар әътиборга лойик. Шунинг учун ҳам ишнинг кейинги кисмida айнан бу борада ўтказилган тадқикотлар таҳлилларини келтирамиз.

Маълумки, оила шахснинг ижтимоий мухит таъсириларини ўзинда мужассам этиши, бу таъсири натижасида шаклланадиган инсоний сифатларнинг намоён бўлиши учун энг кулай, мақбул ижтимоий институтлардан хисобланади. Шахсда биз кундалик хаётда кўралиган сифатларнинг аксарияти айнан оша мухитидга, оиласдаги шахслараро муносабатлар тизимида шаклланади, камол топади. Шу нуктаи назардан оиласнинг тўлик ёки нотўликлиги хусусияти шахс ижтимоийлашувни жараёнига кандай таъсири килишини ўрганиш илмий-назарий аҳамиятга молик масаладир.

Олимлар ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги эмоционал муносабатларнинг асосан икки хил шаклда кечишини таъкидлайдилар. Биринчисида ўзаро муносабатларда яқинлик, яхшилик каби ижобий хислатлар юқори даражада, иккинчисида, қаттиккўллик ва жазолаш.

Фарб мамлакатлари, шунингдек, Америка Кўшма Штатлари ва Россияда ўтказилган оиласний муносабатлар борасидаги тадқиқотларда нотўлик оила ва унинг ўзига хос томонларини ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган маҳсус изланишлар жуда кам. Бу изланишлар кўпроқ оиласдаги шахслараро муносабатларнинг бузилиши, «тарбияси оғир бола» категориясининг пайдо бўлиши ҳамда оиласда ота ёки онанинг ўз функцияларини кайтарзда бажаришлари доирасида ўрганилади. Лекин айнан ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болаларнинг истикбол тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари шаклланишида она шахснинг таъсири масаласи маҳсус ўрганилмаган. Бундан ташкири, бу жараёнларнинг миллий-маданий шарт-шароитларда, кишлок мухитида ўзига хослиги маҳсус изланишлар обьекти бўлмаган.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛІМЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МУАММОСИННИГ ЎРГАНИЛИШИ

Ўзбекистонда оила ва никоҳ муаммолари давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралгани боис кўплаб тадқиқотчи-психологлар ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб боргандар ва олиб бормоқдалар.

Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари, уларда миллий удуумлар, кадриятларнинг бола тарбиясига таъсири масаласи М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Фозися, Ф.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, В.М.Каримова, Н.С.Сафоев, Б.М.Умаров, Ҳ.Каримов, Н.Согинов, М.Расулема, М.Умарова, М.Салаева, О.Абдусатторова, Ҳ.Ҳайдарова, Ф.А.Акрамова, Н.Салаева ва бошқаларнинг илмий ишларida ўрганилган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг эътибори, аввало, оиласининг ижтимоийлашув институти сифатида инсоннинг руҳий камолотида тутган ўрнини текширишга қаратилади. Жумладан, «Оила психологияси» китобида В.Каримова, жумладан, шундай ёзади: «Оиласий ижтимоийлашувнинг кадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида, биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оиласий ҳаётга тайёрланади. ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, акли, соғ ва саломат шахс бўлиб стишиш имкониятига эга бўлади, оила ва унинг соғлом маънавий мухити болани жамиятда яашашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса килиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-хунарли бўлиш, муомалада ахлок-одоб нормаларига бўйсунишга ўргатади. психологияк жиҳатдан тайёрлайди» (27; 170).

Оиладаги ўзаро муносабатларнинг фарзанд ижтимоийлашувига таъсирида ота-онанинг бевосита ролини таъкидлар экан, муаллиф оила тўликлигининг аҳамиятига эътиборни қаратади: «Бизнинг кузатишларимиз шуни исботладики, оиласининг тўлик бўлиши, яъни унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яашашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий мухитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, акли, кучли ироди соҳиби бўлиб етишига имкон беради. Болага ҳам ота, ҳам она бўлишининг зарурати шу билан изоҳланадики,

масалан, киз бола онаси ва унинг оиласида ўзини тутишига караб, ўзини асллар жинсига тааллукини эканлигини англашдан ташкари, келажакда кандай она бўлишини тасаввур килса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига караб, ўзини келажакда оила кургандада кандай оила сохибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола опасининг фазилатлари, оиласидаги тутуми ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда кандай киз билан турмуш куриш мумкинлиги, танлайдиган кизи кандай сифатлар сохибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, отаси ва унинг оиласидаги мавкеяга караб, ўзини эркак сифагида келажакда тасаввур килиш билан биргаликда турмуш ўртоғига кандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик конуният бўлгіб, шахснинг оиласида шахсий ва жинсий ижтимоийлашувининг стакчи тамойши хисобланади. Шу боис ҳам, боланинг том маънода яхши тарбия олиб, жамиятда ва оиласидаги муносабатларда муносиб мавқега эга бўлиши учун оила муҳити соғлом, баркарор, эр ва хотин бир-бирларига ғамхўр, меҳрли, садоқатли бўлинлари ўта муҳимдир»(27; 64-65). Биз олиманинг фикрларига кўшилган ҳолда, аник вазият ва ҳолатларда, яъни тақдир такозоси билан отасидан алоҳида яшашга мажбур бўлган болаларга ёлғиз онанинг таъсирини ўрганиш уларнинг истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари тизимиға кандай тарзда таъсири кўрсатишини алоҳида тадқикот предмети сифатида тадқиқ этилиши лозимлигини таъкидлаймиз.

Ўзбекистонда оила муаммоларига қанчалик кўп эътибор каратиля-са, муаммоли, нотинч ва нокобил оиласидар масаласига ҳам шу кадар эътибор берилиб, уларни камайтиришнинг чора-тадбирлари кўрилади. Оила тинлари, уларнинг мамлакатимиз шароитида кандай намоён бўлиши кам ўрганилган. Оила психологияси бўйича амалга оширилган ишларнинг аксарияти мустакиллик йилларига тўғри келади. Республика «Оила» илмий-амалий маркази олим ва тадқикотчилари бу йўналишда тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Лекин ижтимоий психология бўйича факат турли таснифдаги оиласида тарбияланадиган болаларнинг истиқболдаги ижтимоий тасаввурлари масаласига багишланган ишлар нисбатансан оқулидир.

Оилавий низолар, эр-хотин ўртасидаги келишімовчиллар ўсмир ва илк ўспиринлиқ ёшидаги болалар психологиясыға факт салбай таъсир күрсатиши. уларда кадриятлар тизими шаклланиши-га маңынавий тұсик эканлиги ўзбекистонлик психологларнинг күплаб ишларида ишботланған (Ғ.Шоумаров (1993), Б.Қодиров (1993), Х. Каримов (1994), Ф.Рұзиқұлов (2002), Б. Умаров (2008) ва бетікалар).

Масалан, Э.Ғ.Ғозиев бошчилигіда Ўзбекистон Миллий университетінде амалға оширилаеттан катор илмий тадқиқотларда оиласада бола тарбияснинг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратылған ва оилавий удумлар, расм-руссумлар, бола онғига болалиқдан сингидириладылған кадриятларға эътибор қаратылған [48]. «Ўзбек оиласида тарбия можияти, мазмуни, тарбиянинг кундалик ва истикбол режалари, болаларға таъсир ўтказиши виситаларини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга, чунки уннинг асосида халқ апъяналары ётади. Ўзбек халқининг этнопсихологиясыдан унумли фойдаланиш жар томоннама тараққий этган инсон шахсини таркиб тоғтиришіда мухим роль ўйнайды», – деб таъқидлайды Э.Ғозиев [48; 8-9].

Э.Ғозиевнинг шогирдлари ва ҳамкаслари билан ўтказған этнопсихологик тадқиқотларда ўзбек оиласида бола тарбияснин ташкил этишга қаратылған аник конунлар ҳам ишлаб чиқылған. Масалан, Э. Ғозиев ўзбек оиласида анъана бўлиб хисобланған отанинг мавкенини туширмаслик, уннинг таъсир кучидан бола тарбиясида оқилюна фойдаланиш кераклигини таъқидлайди. Текширишлар натижасиша у отасиз оиласардаги муаммоларга эътибор қаратади.

Ёшлиар тарбиясига ўзбек оиласининг таъсири масаласи Г. Шоумаров ва Е.Моршининалар ишларида ҳам ўргапилған. Улар ёшларни оиласа тайёрлашда, ёш оиласарнинг пайдо бўлишида ҳанузгача катталаарнинг роли сезиларни эканлигини, миллий психология нүктаси назаридан бу – катор ижобий томонларга эга эканлигини ишботлашған. Бунда рус оиласари ўзбек оиласарига такқослаған таҳлил этишінан: «... миллий оиласарда ўғил ва киз бурчини бажаришга қаратылған установкалар ҳам кучли бўлиши апъянавий тарбия усуслари билан узвий бөглиқдир» [47; 161-169].

Шунингдек, ушбу йўналишдаги бошқа тадқиқотлар (Ф.Абдураҳмонов, Ш.Дўстмуҳамедова, М.Расулева, О.Бўриева,

Т.Ҳасанов, Ф.Акрамова ва бошқаларнинг тадқиқотлари) натижаларини ўзаро солиштириб ва умумлаштириб шуни таъкидлаш мумкинки. ўсмири ва илк ўспирин ёшли болалар онгида оиласи мураббийдикларга оид тасаввурларни шакллантириш, келгусида ўз оиласининг қандай тамойилларга асосланишини тасаввур килишида оиласи сақланиб келаётган миллий анъаналар, этнопсихологик тарбия воситалари катта аҳамиятга мөлник бўлиб, уларни ҳозирги замон руҳида кайта ўрганиб, таҳлил этиш керак.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари билан шугулланган тадқиқотчи олим Б.М.Умаров ушбу муаммони ўрганиш жараёнида жиноятчиликнинг омиллари ва сабабларини текширип экан, бунда оила омили мухим роль ўйнаши, айника, ота-оналар ўртасидаги зиндигиятли муносабатлар шахс ҳулқи оғизининг сабаби бўлишини исботлади (44). Муаллифнинг таъкидлашича, «Болалар ва ўсмирларнинг тўлиқ оила, нотўлиқ оиласи ва ота-оналарнинг иккаласи ҳам йўқлиги натижасида кариндошлари ёки бошқа бирорларнинг кармоғида тарбиялатини ҳолати ҳам уларда ҳулқ оғизининг келиб чиқишига таъсир кўрсатади» [44; 46]. Б. Умаров ўзининг катор илмий рисолалари ва маколаларида айнан шу фикрни исботлаган ва нотўлиқ оиласининг вояга етмаганлар тарбиясига салбий таъсирини таъкидлаган.

Яна бир тадқиқотчи F.Нормуродов (39) ўз изланишида гумон килинаётган вояга етмаган ўсмирлар психологиясини ўрганиш экан, мазкур монография мақсадига якин бўлган айрим фикрларни эмпирик маълумотлар билан асослаган. Жумладан, у шундай далилларни келтиради: «Профилактика инспектори хисобида турадиган жиноий ишларда гумон килинадиган ўсмирлар оиласи турлича. Уларнинг аксарияти – 40 фоизи – бу ахлоқан нокобил, деб таърифланган оиласарлардир. Яъни бу тоифа оиласарга катталар томонидан жамиятдаги ижтимоий меъёрларга зид бўлган хатти-харакатларга мойил (ишсизлик, дайдиллик, ижтимоий нормаларни менсимаслик каби) ҳамда миллий-худудий урф-одатларни писанд килмай, ўз ҳолича яшайдиганлар оиласи киради. Уларнинг аксариятида ота ва она муқим биргаликда яшамайди, айрим оиласар нотўлиқ, яъни оиласининг бошлиги бўлиши ота оиласи ташлаб

кетган, ажрим расман кайл этилмаган, она күпинча нокобил харакатлари билан маҳалла ахлиниң пазаридан четда колган, болаларнинг тарбияси билан шуғулланмайди. Бундай оиласда тарбияланётган ўсмир күпинча каровсиз колганлигигида мактабдаги машғулотларга мунтазам катнамайди, кўча болалари тудасига аралапиб, турли заарли одатларга (чекии, ичиш, гиёҳдан моддалар истеъмол қилиши каби парга) берилиб кетади. Машғулотларга яхши катнашмаганини учун ўқитувчиларнинг доимий ташибхини эшигади, жамоатчиликка қўшилмайди, дайдиб кетади. Кўча-кўйда жиноят тепасида кўлга тушиб. вояга етмаганлар инспекцияси (ВЕИ) хисобига тушиб колади» (39;175). Тадқикот мобайнида F.Нормуродов айрим гумон қилинаётган болаларнинг келажакка муносабатини ҳам қисман ўрганганд. Аник эмпирик маълумотларга таянган ҳолда диссертацион ишда таъкидланади, гумон қилинаётган ўсмирларнинг келажакка муносабатларни ўрганилганда, «вакти-вакти билан келажак истикболим яхши, баъзан эса ёмон туюлади», «келажагим тўғрисида ўйлашни ҳам хоҳламайман» каби жавобларнинг аксарияти тест жавобларида кайл этилгани келажак хакидаги тасаввурларнинг шаклланишида оиласдаги маънавий мухит ва унинг тўликлити омили мухим роль ўйлашини исботлайди.

Шундай килиб, вояга етмаганлар тарбиясида оиласнинг ролига багишланган тадқикотларда бугунги кунда замонавий ошаларда ўзаро олавий муносабатлар меъридан чиқишига, фарзандларга нисбатан тазийкий тажовузлар бўлиш ҳоллари юзага келаётганини ҳам аникланди. Ўзаро олавий муносабатларда низоларнинг келиб чикиши муаммоси соғлом ўтиқодли фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида Б.Умаров (2008-2009) ҳамда F.Нормуродов (2007-2008) ларнинг ишларини алоҳида таъкидлашин истардик. Уларда вояга етмаган ўсмирлик ёшидагиларнинг хулқига таъсир этувчи омишлар категорида оила омили алоҳида ажратилишган ва эмирик маълумотлар асосида ўрганилган. Лекин таъкидланган иккала тадқикотда ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигигида оиласдаги онанинг таъсири алоҳида тадқикот предмети сифатида ажратилимаган. Колаверса, уларда шу тоифа ёшлиарнинг истикбол гўғрисидаги тасаввурлари алоҳида ўрганилмаган.

Нотўлик онла муаммоси Г.Ядгарова изланишларида ҳам алохида мавзу сифатида ўрганилган (51). Нотўлик оиласларнинг ижтимоий-психологик муаммоларини ўрганишга бағишиланган тадқиқотда муаллиф бу тоифали оиласнинг ўзига хослиги, унда аёл-она мавқеи ва унинг ўз фарзандларидағи ижтимоий установкаларга таъсирига алохида эътибор берган. Нотўлик оиласи тасиф берар экан, Г.Ядгарова бундай онлаца «Оиласнинг бошлиғи сифатида кўп холларда аёл киши колади. Аёл-оналарнинг маълумоти даражасини ўрганиш шуни кўрсатди. Ёғиз ўзи бола тарбиясига маъсул бўлгандарнинг 43,5% ўрта маълумот, 24,1% – олий, 19,3% -ўрта маҳсус ва 13% оналар туталашмаган ўрта маълумот эгалари дидир. Бу холат бола тарбияси ва унинг дуликарашини тўла маънида давр руҳида шакллантиришга оид катор муаммоларни келтириб чиқаришини англаш кийин эмас. Нотўлик оиласлардаги оналарнинг фикрини ўрганиш шуни кўрсатди, уларинг 75% ўзларининг айни пайтдаги ҳолатларидан рози эмаслар, чунки уларнинг тўлақонли турмуш кечиришлари учун моддий исъматлардан ташкари, маънавий жиҳатдан кўллашиб-кувватлани ҳам стишмайди»(51; 14-15). Шуни алохида таъкидлаш жоизки, бевосита нотўлик оиласнинг ижтимоий-психологик муаммоларини аниқлашга бағишиланган ушбу диссертацион тадқиқот ўзбекистондаги илк эмпирик изланишлардан хисобланади. Унинг натижалари бизнинг тадқиқотимизни назарий-методологик тамоилилар билан бойитишга хизмат қилади.

Республика «Оила» илмий-амалий марказининг тадқиқотчиси У.Вафокулова (17:19) ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатди, ажралиш арафасидаги ва ажралишнинг дастлабки пайтларидан аёлнинг руҳий ҳолати шу қадар ёмон бўладики, бу унинг саломатлигига бевосита ўз аксини топади. Унинг маълумотларига кўра, 13,3% ажрашган аёлларнинг асаб тизими ишдан чиккан бўлиб, бу уларнинг атрофдагилар ва, биринчи навбатда, болалари билан бўладиган зиддиятли муносабатларни келтириб чиқради. Нотўлик оиласидаги аёллар ўртасида турли хил ногиронликдан азият чекаётганлар сони тўлиқ оиласигиларга писбатан 2,5-3 марта ортиклиги аниқланди. Лекин бу изланишларда ушбу ҳолатларнинг боладаги қалриялар тизими ҳамда истиқбол тұғрисидаги тасаввурларига таъсири масаласига алохида эътибор берилмаган.

Нотўлик оила аъзоларининг маиший турмуш тарзлари ва соғлом турмуш маданияги малакаларининг настлиги хам у ерда тарбияланаётган болаларнинг маънавий дунёқарашлари ва маданиятида намоён бўлади. Навоий вилояти бўйича ўтказилган тадқикот маълумотларига кўра, нотўлик оиласининг 55,7% аъзоси умуман зрталабки бадантарбия билан шуғулланмайди. Шу боис бўлса керак, 62% аёл ўз соглиги даражасини нисбатан ўртача, 15,1% эса жуда ёмон деб хисоблайди. Шунга боғлиқ холда нотўлик оиласидаги болалар тўлик оиласидаги ўз тенгқурларига нисбатан анемия касаллиги билан 2,5-3 марта ортик оғрийди, улар орасида нафас йўллари касалликлари 20,3% га, ошқозон-ичак касалликлари 18,9% га ортиклиги аниқланди.

Ўзбекистон оиласидаги мисолида кўзга ташланадиган хусусиятлардан бири, нотўлик оиласидаги онада бола тарбиясига нисбатан масъулият хиссининг ҳаддаси ташкари ошиб кетишидир. Бундай оиласидаги она боласига, энг аввало, маънавий ва ахлокий жиҳатдан барча эзгу сифатларни сингдиришга харакат қиласи, лекин бу хам бола онгидаги ота меҳрига тўйиннининг ўрпини копламайди.

Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган катор тадқиколларда бевосита «нотўлик оила» тушунчалиси алоҳида таъкидланмасада, оиласида ота ва она мавкеси, унинг бола тарбиясидаги муҳим ролига катта эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадқикотимиз муаммосига алоқадор тадқикотлар ёш изланувчилик томонидан хам ўтказилмоқда. Масалан, тадқикотчи О. Абдусатторованинг диссертацион изланиши (14) бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда ўсмир ёшли ўғил ва киз болалардаги гендер тасаввурларга боғлиқ жинсий идентификацияни аниқлаш ва бунда оила мухитининг ролини асослаш учун ижтимоий психологияда кўлланилган кагор ишончли методикалардан фойдалапилгандан эмпирик изланиш хам ота-оналар хамда уларнинг ўсмир ёшли фарзандлари ўртасида ўтказилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ота-оналар ўртасидаги ўтказилган тест ва сўровлар уларнинг гендер установкалари ва лидерлик макомларини аниқлашга имкон берган бўлса, фарзандлари ўртасида олиб борилган эмпирик тадқикот оталик ва оналик гендер макомларининг кизлар ва ўғил болаларда ўзига хос установка шаклида идентификацион жараёслар

йўналишини белгилашини исботлади. Замонавий ўзбек оиласидаги эркаклар ва аёлларини ўзаро муносабатларида аслилар мавқесининг мустаҳкамланиб бораётганлиги уларнинг лидерлик позициялари ҳамда турмуш ўртоқларини ҳамкор ва шерикчилик муносабатлари тизимида кўришни афзал билишда намоён бўлди. Шу сабабли ҳам бу ҳолат уларнинг ўз жинслари ва турмуш ўртоғидаги қарама-қарши жинсга нисбатан установкаларини белгилайди. Тадқикот замонавий эркаклар, хотин-қизларнинг аёллик ва эркаклик образларида феминистик ҳамда соғ маскулинилк сифатлари кўпроқ андрогенлик сифатларга ўрин берәётганлигини, қизларда маскулинилк сифатлари ҳам тобора сезиларлироқ намоён бўлаётганлигини кўрсатди. Шу ўринда таъкидлаш керак, опаси билан ёлғиз қолгап фарзандлардаги ушбу жиҳатлар қандай эканлиги алоҳида ва маҳсус тадқикот предмети бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ўтказилаётган оилавий ўзаро муносабатлар ва уларнинг фарзандлар тарбиясига таъсирини ёритишга бағишлиланган ишлар орасида оилавий зиддиятилар ва низолар муаммоси билан боғлиқ ишлар алоҳида эътиборга молик (Ю.А..Якубов (1983), Н.Софинов(1990), Р.Тошимов, М.Маматов(1993), М.Зуфарова(1993), Х.Узоков, Э.Фозиев, А..Тожиев (1994), Ф. Шоумаров, Н.Софинов, Э.Усмонов (1986, 1988, 1990, 1993), А. Аляева, В.Токарева (1993), Х.Каримов (1994), О.Кодирова (2007) ва бошқалар).

Х.Каримов ўзининг «Ўзбек оилаларида эр-хотин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари» мавзусидаги помзодлик ишида (29) оилавий муносабатларнинг номутаносиблашувн сабабли ажralишлар сонининг кўпайиши, нотўлиқ оилаларнинг пайдо бўлиши натижасида катталар билан болалар ўргасида «эмоционал хиссий боғлиқликнинг сусайиши, оилаларда жиноят содир этиш фоизининг ошганлиги» ўтказилган аниқ ижтимоий-психологик тадқикот натижаларига таянган ҳолда таҳлил этилган.

Тадқик этилаётган муаммонинг долзарблигини Х.Каримов ўз диссертациясида исботлаб берган (29). Унинг маълумотларига кўра, жамиятда ўз жонига қасд қилишининг учдан бир қисми оилавий можаролар туфайли юзага келади (29:7). Х.Каримовнинг таъкидлашига караганда, шахардаги ўзбек оилаларининг деярли учдан бирида юзага келадиган низолар сабаби оилавий ролининг

таксимланиши бўлса, кишлоқ оиласарида низоларга сабаб ота-оналарнинг ёш оиласадаги муносабатларга аралашуви экан. Шахардаги ўзбек оиласарида никохга киришда севги сабаб бўлиб хисобланса, кишлоқ оиласарида «Ота-она ва қариндошларнинг ишончини, орзуумидларини хурмат килиш» сабаби устун туради (29; 7).

Шунлай килиб, юкорида таҳлил этилган барча манбалар ва изланишларда оилавий муносабатлар шароитида болада истиқбол тұғрисидаги тасаввурларнинг ва шу аснода зарур маънавий фазилатлар ҳамда инсоний сифатлар шаклланишида ота-опанинг шахсий ўрнак кўрсата олишлари масаласининг тўғри қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, таҳлил этилаётган предмет доирасида алоҳида тўлик ва потўлик оила мухитида она шахси таъсирида фарзандларда шаклланидиган истиқболга алокадор ижобий ҳамда салбий сифатларнинг намоён бўлиши жараёни алоҳида ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Оила мухитида, ота-онанинг бевосита таъсирида болаларда келажак истиқбол, оиласарварлик сифатлари ва оилавий қадриятларга оид ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий психологик механизмлари ва омилларини ўрганиш махсадида ўтказилган назарий таҳлиллар бизга куйидаги хуросаларни чиқаришга имкон берди:

1. Оилавий муносабатлар таъсирида фарзандларда оиласарварлик установкалари, ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари ҳамда механизмларини ўрганишга бағишлиланган махсус экспериментал ва эмпирик тадқиқотлар етарли эмас.

2. Оила, ундан ўзаро муносабатлар, эр-хотин муносабатларининг оилавий мухитга таъсири, боладаги оилавий қадриятта оид ижтимоий тасаввурларга бағишлиланган Шарқ алломаларнинг фикрлари, хорижлик ҳамда юртимиз исиқологлари томонидан олиб борицилган илмий изланишлар мавжуд бўлиб, улар бизга методологик тамойилларни белгилашга ёрдам беради. Зоро, уларда турли таснифли оила мухитида устувор қадриятлар ва уларнинг ўсмирилик ва илк ўспиринлик ёшдаги бола ижтимоий тасаввурларида акс этишига оид маълумотлар кисман бўлса-даб мавжуддир.

3. Ўсмирилик ва илк ўспиринлик даврларида оилавий қадриятларга оид тасаввурлар ва ижобий установкалар оиласадаги ўзаро

муносабатлардан ташкари унда устувор бүлган урф-одатлар, ань-аналар, расм-русумлар ҳамда билимдонликка бүлган ижобий муносабатга бевосита боғлиқдир. Тұғри тасаңвурлар ойлаға ва үнинг кадриятларига нисбатан ижобий установка бўлиши учун, энг аввало, ҳар бир оиласда болада ишонч туйғусини уйғотган билим, тушунча ва тасаңвурлар мажмуди бўлиши лозимки, улар ўз навбатида оиласда катталар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижобий-лик, ота-она авторитети, обрўси негизида мустаҳкамланиб туриши лозим. Лекин тақдир тақозосига кўра фарзанд тарбияси билан ота-оналардан бирортаси, кўп ҳолатларда отанинг шуғуллана олмаслиги сабабли оиласдаги қадриятлар тизими ўзгача бўладики, бу ҳолатнинг фарзанд томонидан қайдай тарзда идрок килинишини ўрганиш амалий аҳамиятга эгадир.

## II БОБ. ТҮЛИҚ ВА НОТҮЛИК ОИЛАЛАРДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

### ТҮЛИҚ ВА НОТҮЛИК ОИЛАЛАРДА ОНА ВА БОЛА МУНОСАБАТЛАРИ- НИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Ҳар қандай оиласнинг маънавий ва психолигик мухитини кўп жиҳатдан ундаги она ва болаларнинг ижтимоий-психолигик муносабатларига боялиқ бўлган маънавий мухит белгилайди. Шу боис ҳам түлиқ ва нотүлиқ оиласда камол топаётган фарзандларнинг хаётда ўз ўрни ва ястиқболини тасаввур қилишларини ўрганиш учун, аввало, ундаги она ва бола ўзаро муносабатларининг ўзига хос кирраларини ўрганиш керак, деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу мавзу охиригийилларда бир катор амалиётчи психологлар ва педагогларнинг доимий диккат-эътиборида бўлиб келмоқда. Масалан, оиласнинг нотүлиқлиги туфайли бола психик ривожланишида нуксонлар вужудга келиши масаласи рус тадқиқотчиси М.Буянов (15) ишларида алоҳида таъкидланган. Лекин тадқиқотчи ўз ишларида тарбияси оғир боланинг психик ривожланишига оиласда онанинг ижтимоий-психолигик мақоми қандай тарзда ва даражада таъсир кўрсатнишини алоҳида ўрганимаган.

Нотүлиқ оиласнинг аёл руҳиятига таъсири масаласи эса ўзбекистонлик психологлар F.Шоумаров, Н.Согинов, Э.Усмонов, X.Каримов, Г.Ядгарова ишларида; нотүлиқ оиласдаги она ва фарзандларнинг ҳак-хукуклари муаммолари рус олимни С.Раданова, ўзбекистонлик олимлар В.Каримова, Н.Турсесва, X.Мамадалиева, Ш.Умарова, Г.Мамадалиева ишларида; ёлгиз онанинг ижтимоий ҳамда психолигик муаммолари россиялик З.Марова, Н.Ершова, С.Радванова тадқиқотларида; нотүлиқ оиласда алоҳида эътибор ва тарбияга мухтоҷ болалар муаммолари З.Матейчик, И.Дуновски, Я.Колухова, М.Буянов изланишларида ўрганилган. Бу ишларда аввало, нотүлиқ оила алоҳида ҳодиса, психологик объект сифатида ўрганилган бўлса, иккинчидан, ундаги ёлгиз она-аёл ва унинг фарзандлари билан рўй берадиган ўзаро муносабатларига эътибор

берилган, айрим психологик хулосалар келтирилган. Мухими, уларнинг барчасидан биз учун аҳамиятли хулоса шуки, оиланинг нотўлиқлиги факти нафакат она, балки фарзандлар руҳиятида муайян чекинишларга, ўзгаришларга сабаб бўлади. Шу боис ҳам бу масала алоҳида тадқиқотлар предмети бўлишга лойиқдир.

Ўтказилган назарий ҳамда методологик таҳлиллар шунни кўрсатдики, нотўлик оиласидан асосий тарбиячи сифатида кимнинг – отанинг ёки онанинг колишига нисбатан деярли бир хил караш сакланган. Масалан, айрим олимларнинг ёзишича, эр ва хотин ажрашиб кетгач, нотўлик оиласидан отанинг фарзандлари билан колиши маълум маънода нотабиих ҳолат, эркак – ота учун «жасорат», «олижаноблик» тимсоли сифатида қаралса, шундай оиласидан тарбиячи сифатда ёлғиз онанинг колиши, айни шу маънода «табиий, мажбурий, одатий ҳол» сифатида қаралади (*Н.Ершова, З.Марова, С. Радванова, Г.Шоумаров, Н.Согинов ва бошқалар*). Бундай ҳолатдан айрим мамлакатлар мустасно, масалан, Хитойда ёки Жанубий Кореяда эр ва хотин муроса қилолмай ажрашиб кетганда, фарзанд суд қарори билан фақат отада қолдириллади. Бундай қарорнинг упбу давлатлар олиб бораётган ижтимоий ва демографик сиёсатига алоқаси бор, албатта. Шу боис, бундай оиласидаги фарзанд ва ота муносабатлари масаласи маҳсус тадқиқотларнинг обьекти, лекин биз бу давлатлардаги ҳолат юзасидан илмий манбаларга эга эмасмиз.

Россия, яқин ҳамдўстлик давлатлари ва Ўзбекистонда ўтказилган педагогик ва психологик тадқиқотлардан шу нарса маълумки, боланинг хулқидаги ҳар қандай оғишлар, масалан, мактабда унинг ўзлаштириш кўрсаткичининг пастлиги, жиноят йўлига кириб кетиши, «кўчча болаларини» референт қилиб олиши кабилар биринчи навбатда, онанинг тарбия жараёнинга масъулиятысиз муносабатда бўлгани, масалан, иш билан бандлиги туфайли вақти тифизлиги, моддий ва маънавий жиҳатдан ночорлиги билан изоҳланади. Бундай стереотипли қарашлар кўпроқ ижтимоий фикрдаги зиддиятларга асосланган бўлиб, масалага барибир. илмий асосланган тарзда ёндашиш, у бугунги ижтимоий-иктисодий вазият ва инсон психологиясидаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан холис баҳоланиши лозим.

Шунга қарамай, фарзандлари билан ёлғиз қолган она руҳий ҳолати, унинг дунёкараши, одамларга, оила ва никохга муносабати,

ижтимоий-психологик макомидаги ўзига хос муаммоли ҳолатлар унинг фарзандлари ижтимоий-психологик макомларида, ижтимоий тасаввурларида кисман ижобий, шу билан бирга, бир катор салбий хис-кечималарни келтириб чикариши кўплаб психологик ва педагогик изланишлар натижасида кайд этилган.

Биринчи навбатда, бундай болалар хаётда мактабла, дўст-ошналари даврасида, кўча-кўйда, кундалик мулокот жараёнида шундай вазиятларга тушиб, маълум муаммоларни ечишга мажбур бўлиб коладики, одатда тўлик онла вакили бўлган бола учун бундай ҳолатлар ёт бўлади. Нафакат бундай болалар, балки катталар ҳам бундай вазиятларда ўзини йўқотиб кўйиши, тушкунликка тушиши ёки ёлғизлик психологиясининг асоратларига дуч келиши мумкин. Масалан, бизнинг шароитимизда турмуш ўртоғидан ажрашган аёл кўп ҳолатларда меҳмондорчиликка боришдан, ёки хонадонида меҳмон кутишдан тортинади. Бу ҳолат ҳам фарзандларниң ижтимоий-психологик тасаввурларига салбий таъсир кўрсатади. Ёки кетадиган бўлса, фарзандларни уйга камаб кўйиб кетади, болалар соатлаб онани кутиб ўтирадилар, ўзлари билгани машғулотлар билан зўрма-зўраки шугулланишга мажбур бўладилар. Фарзандларнинг тўнгичи катта бўлган сари, оиласда лидер-етакчи ролини кўпроқ айнан у эгаллай бошлади.

Қандай вазият бўлмасин, ота ва онанинг ўзаро келишмовчиликлари оқибатида никохнинг барбод бўлиши конуний жихатдан, инсон ҳак-хукуклари нуқтаи назаридан эр ёки хотии учун матьқул ва оқланган бўлса-да, фарзандлар учун доимо ноқулийлик, ички психологик дискомфорт, танглик ҳолатларини, ўзињи баҳтсиз, омадсиз, кемтик леб тасаввур килишини келтириб чиқаради. Албатта, бу ажрим качон, оиласвий хаётнинг қайси даврига тўғри келганлигига боғлиқ. Масалан, З.Марованинг ёзишича, ажримларниң оиласвий хаётнинг ilk боскичиди, бола ҳали ёш бўлган вактда рўй бериши ундаги кечималарнинг юзаки бўлиши, тезда янги шароитларга кўниши билан рўй беради [34], исскин бола ўсмирилик ва ilk ўспирийлик ёшида бўлса, бу воеа катор ички низолар, деструктив ҳаракатлар ва салбий кечималар билан ўтади. Яна бир ҳолатни инобатга олишимиз керакки, россияликлар ажралишгаңда эр-хотин ўртасида кўпи билан бир ёки икки нафар фарзанд бўлади, бизнинг

шароитмизда эса айнан ажралишларнинг ўргасида ўртача 2,5 нафар фарзанднинг колиши статистик нуқтаи назардан Республика «Оила» илмий-амалий марказининг кўплаб маълумотномаларида кайд этилган .

Ёлғиз колган онанинг фарзанди (*фарзандлари*) олдидағи энг муҳим вазифаси, психологларнинг фикрича, ажримдан сўнг боласининг шинончини оқлаш, унинг кўнглига караш, доимий эътиборни айнан унга қаратишидир. Айнан шундай муносабат боланинг ҳаётга муносабати, ўзини, ўзгаларни, уларнинг муаммоларини идрок килишига тъисир кўрсатади ва кўпинча психологик ва педагогик муаммоларни туғдиради. Шунинг учун ҳам биз ўрганиб чиқилган маҳсус адабиётларнинг аксариятида ажримдан сўнг онанинг болага муносабати қандай бўлишига бағишлиланган тавсиялар берилган (З.Марова, Н.Ершова, З.Матейчек, Я.Колухова ва бошқалар). Олимларнинг тъқидлашича, қандай сабаб билан оила нотўлик бўлишидан катъи назар, онанинг собиқ турмуш ўртоги билан ҳамда ўзининг ва собиқ эрининг якин кариndoшлари билан самимий, яхши муносабати боланинг ўзини қандай хис килиши, тарбияси ва оиласвий қадриятларга муносабатида ўз аксини топади, ижобий омил сифатида карапади. Биз бу ўринда айнан шундай муносабатлар азалдан ўзбекларга хос бўлганиларини, лекин охирги йилларда ажрим туфайли оиласнинг нотўлиқ бўлганилиги ҳолатларида бундай самимият стишмаганилиги туфайли болалар учун катор салбий вазиятлар пайдо бўлаётганлигини тъқидламоқчимиз.

Тўлиқ ва нотўлиқ оиласда ҳам она, ҳам боланинг ижтимоий психологик макомига тъисир этувчи муҳим бир омил – бу оиласдаги болалар сонидир. Тўлиқ оила мисолида ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатлари тадқикотчи М.Салаева, сиблинг муносабатлар муаммоси Н.Фоиповалар томонидан кисман ўрганилган. Лекин нотўлиқ оиласдаги муносабатлар бизда деярли ўрганилмаган. Вахо-ланки, хорижлик олимларнинг тъқидлашича, етим колган фарзанднинг шу оиласда акаси, укаси, опаси ёки синглисининги борлиги факти унинг ижтимоий тасаввурларида бироз бўлса-да, оиласдаги кемтикликни оғриқсиз кабул килишини таъминлайди. Агар бу бола оиласдаги тўнғич фарзанд бўлса, онасининг ёнига кириб, укалари тарбиясида фаол қатнашиш, онага ҳам маънан, ҳам моддий ёрдам

беришга мойилликни кучайтиради. Агар бу фарзанд кичик бўлса, кагта аканинг борлиги унинг идрок жараёнларида маъноду отасидан етим қолганликни юмшоқрок кабул килиш имкониятини яратади. Шу боис ҳам, бир неча фарзанд билан бокувчисини йўқотган онанинг ижтимоий-психологик мавқеи ёлғиз бола билан қолганнидан фарқ қиласди. Албатта, бу ўринда моддий ва маънавий тафовутлар эътиборга олиниши лозим.

Оилашунос олимлар эътиборида бўлган масалалардан яна бири – бу нотулик оила бошлиғи бўлиб қолган шахснинг ўз фарзанди (*фарзандлари*) олдидаги авторитети ёки обруси масаласидир. Айрим психологлар авторитетлилик кобилиятынинг шахсдаги бир қатор шахс сифатлари билан боғлик эканлигини инобатга олиб, ёлғиз қолган она бу сифатларни қандай килиб ўзида мужассам уйғунлаштириб олни муаммосига диккат қаратадилар. Дарҳакиқат, В.Каримованинг таъриф беринича, авторитетлилик шахснинг шундай кобилияти, у орқали бир шахс бошқа бир шахсга (*гуруҳга*) хиссий-эмоционал ва иродавий таъсир (*тазијик*) кўрсата олади [28]. З.Марованинг [34] ёзишича, авторитетлилик шахснинг қатъиятлилик, меҳрибонлик ва юмшоқлик сифатлари уйғунлашади. Бошқарув психологиясида авторитет бошликтининг ўз нуфузи юзасидан ходимлар хулк-атворини назорат килиш қобилияти сифатида қаралади. Лекин бу таърифларнинг барчасини умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкинки, авторитет бир инсоннинг бошқа бир инсонга (*гуруҳга*) таъсир кўрсатиши учун зарур, лекин унда бир печта сифатлар бир вактда уйғун шаклланган бўлади.

Нотулик оиладаги она мавқеига келсак, олимлар унда айнан қаттиқўллик билан ғамхўрлик сифатлари уйғунлашганлигини кўпроқ эътироф этишган. Фикримизча, маълум маънода ҳимоясиз, бокувчисиз қолган она ўзидағи индивидуал психологик хислатга кўра, аксарият ҳолларда ё ўта ғамхўр ва меҳрибон, ёки бўлмаса, айникса, ўғил болаларга нисбатан ўта талабчан, қатъиятли бўлиб, отасининг йўклигини билдиримаслик учун, «ота ролидаги» авторитет бўлишга интилади. Иккала ҳолатда ҳам бола тарбиясидаги педагогик муаммолар ортиб бориши кузатилади.

Психологик манбалардан яна шундай ҳолат аниқландики, нотулик оиладаги она образи бола учун табиий авторитет, хатти-

харакатлар учун андоза ролини ўйнайди. Зеро, бола ўз отаси ёки онаси образида ҳамиша мукаммалликни, яхши фазилатлар сохибини излайди. Жамоатчилик назарида камчилигига бор, ўзини хаётда ва одамлар билан муомалада кандай тутишни билмайдиган она хам ўз фарзанди учун таклид андозаси, энг яхши ва түғри хулқ сохиби бўлиб гавдаланади. Шу боис хам, катталарнинг авторитетли бўлиши, айникса, нотўлик оила доирасида катта аҳамиятга эга бўлади. Агар она унга эришолмаса, бола руҳиятидаги тушкунлик япада ортади ва унинг ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларида оғишлар рўй беради.

Чехиялик олимларнинг изланишларида бизнинг тасаввурларимизга бироз зид бўлган қарашлар боркин, улар маҳсус изланишлар, алоҳида миллий-маданий мухит ўзига хосликлари доирасида хулоса чиқаришни такозо этади. Масалан, Н.Ершованинг ёзишича, отасиз ёки онасиз бўлган оиласда тарбия кўрган болаларнинг шахсий сифатлари ва психик тараккиётида ўзига хос ўзгаришлар рўй бермайди, балки ўзига хос ҳолатлар бўлиши мумкин, холос [22]. Ўтказилган тадқиқотдан эса, нотўлик оиласда тарбияланётган нафақат бола, балки унинг онаси ижтимоий тасаввурлари ва установкаларида маълум ўзига хос ўзгаришлар кузатилади, булар ўз наебатида, шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида намоён бўладиган фазилатлари ва хулқ меъёрларини идрок килишида кўринади. Айникса, боланинг ўз «Мен»инни англаши, хаётда ўз ўрнини топиши учун бу фазилатлар ўта зарур хисобланади. Чунки кўплаб психологик тадқиқотларда аниқланишича, ўз тенгкурлари ва синфдошлари билан мулокотда турли зиддиятларга дуч келадиган болаларнинг аксарияти ажралишган нотўлик оиласдан чиккаи болалардир.

Нотўлик оиласда тарбияланётган болаланинг жинсига оид ўзига хосликлар ҳам психологик тадқиқотларда ўрганилган. Масалан, айрим психологларнинг таъкидлашича, айни ўсмирлик пайтида турли ижтимоий ролларни ўзлаштириш зарураги пайдо бўлганда, нотўлик оиласдан чиккаи кизлар ўғил болаларга нисбатан нокулай шароитларни бошдан кечирадилар. Ўғил боланинг кизиқишлири доираси аслида кўпроқ кўчада – спорт майдончаси, техника тўғраги, табиатни ўрганиш бўлгани сабабли, уларнинг ижтимоий рол-

лар тизимиға киришиб кетиши қизларнидан тезрок ва кенгрок бўлади. Колаверса, ёлғиз колган онанинг холатини тушуниб, «оталик роли»ни эгаллашга интилиш, бозор-учарга кўшилиб кетиш, кеч колиб бирор юмушни бажарганда она томонидан унчалик каттик назоратга олинмаслиги уларнинг мустакилрок, хаётга кўни-куянчарок бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Отасиз ўсаётган қизларда эса оиласда отанинг ўрни ва роли, умуман эркаклар тўғрисида ноадсекват тасаввурлар шаклланиши мумкин. Айрим холларда онасини ёлғиз ташлаб кетгап отадан кўнгли совиган киз ўзича бадиий қаҳрамонлар ёки бадиий фильмлардаги персонажларга ўхшаш идеал эркак тимсолини тасаввур килиб, ўзи мустакил оила курганда бўлғуси турмуш ўртоги билан самимий ва яхши муносабатлар ўрнатишга анча қийналади, оилавий хаётнинг арзимаган камчиликларини ҳам драматик тарзда идрок қилишга мойил бўлади. Демак, потўлик оиласда тарбиялананаётган фарзандларнинг жинсий ўзига хослигини ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлиб чикиш ҳам фан учун ахамиятга молик изланиш хисобланади.

Шундай килиб, мазкур диссертацион изланиши мақсади нуқтаи назаридан потўлик оиласдаги ягона тарбиячи макомида колган она шахсини ўрганиш учун мавжуд адабиётлар ўрганилди ва ишнинг кейинги бўлимларида Ўзбекистон шароитида тўлиқ ва потўлик оиласдаги она ва фарзандлар ўзаро муносабатларига алокадор ижтимоий психологик ҳодисаларниң қандай кечиши ўрганилади. Бу мақсадга эришиштда биз методологик асос сифатида илк маротаба Францияда шаклланган ва сўнгра Ўзбекистонда катор олимлар (В.Каримова (1994), З.Нишонова (2005), К. Фарфиева (2005), О.Кодирова (2007), Ў.Шамсиев (2010) ва бошқалар) изланишларига назарий-методологик тамоийл сифатида кўлланилган ижтимоий тасаввурлар концепциясини кисқача таҳлил килиб, танланган методик услубларнинг асосланганини таъкидлаймиз.

Ижтимоий тасаввурлар концепциясининг Farbdagi асосчиси хисобланган Серж Московиси ижтимоий хаётдаги турли воеа ва ҳодисалар ўрганилганда, уларни ижтимоий тасаввурлар инъикоси сифатида караб ўрганиш методологик нуқтаи назаридан тўғри бўлади, деб хисоблаган ва уларга куйидагича таъриф берган: «ижтимоий тасаввурлар бихинеористлар таърифлаган механик образ

хам, ташки ва ички муҳит ўргасида зиддият түғдирадиган нарса ҳам бўлмай, бу фаол равишда объектив борликни ижтимоий-психологик тарзда кайта ўзлаштиришнинг маҳсулни ҳамда жараёнидир» [36].

Болаларнинг истиқбол тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари шакошанишида асосан жамиятдаги ўзгаришлар, оиласадаги ўзаро муносабатлар, тарбиялаш жараёнидаги муҳит ва унда қабул қилинган қадриятлар, ота-онанинг ижтимоий мавқеи, маданий савияси ҳамда уларнинг маълумот даражаси муҳим аҳамиятга згадир. Бундан кўринадики, ижтимоий тасаввурлар шахс фаолияти давомида ўзгариб, ривожланиб, тараққиёт этиб борадиган динамик тузиљма. Демак, бизнинг мисолимизда оила дастлаб тўлиқ бўлиб, сўнгра ўсмир кўз ўнгида ўзгариб, потўлик ҳолатга келинни, табиий, унинг ижтимоий тасаввурларида акс этади. Ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бориши ҳакида Московиси шундай ёзган: «... ўзгариш рўй беради, лекин янги маълумотта карши турадиган эски тасаввурлар схемасининг кайта тикланиши тарикасида дарёдаги окимга ўхшаш ўзгариш рўй беради. Яъни ҳар бир одамнинг ўзи ўрганиб қолган, барқарор когнитив тизими бўладики, у ҳар кандай янги, «кутилмаган» маълумотларга ўзига хос муносабатда бўлади. Уни қабул қилиш учун эса ижтимоий тасаввурларини кайта куриш зарур. Лекин бу жараёндаги кайта куриш охиригача ёки тубдан бўлмайди, балки тизим бироз янгилаади, холос. Тасаввурларига мос келмайдиган маълумотта нисбатан эса унда «химоя» кучлари наидю бўлади. Янгини ташлаб юбормаган ҳамда ўз мавқеини ўзгартирмаган ҳолда субъект ўзида илгаридан бор бўлган билимлари билан янги қабул қилинган маълумот ўргасида эквивалент ўрнатишга ҳаракат қиласди» [36; 562-563].

В.М.Каримованинг докторлик монографиясида ҳам ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввурлари айнан ижтимоий тасаввурлар концепцияси асосида ўрганилган. У ижтимоий тасаввурларга куйидагича таъриф берган: ижтимоий тасаввурлар-ҳар бир шахс томонидан ижтимоий борликни ўзига хос тарзда кайд этиш воситаси бўлиб, субъектив реаликни объективлик билан боғловчи психологик механизmlардир (28; 27). Масалан, бизнингча, ўсмирлик ёки илк ўспиринлик ёшидаги боланинг ўз оиласи, ундаги она макомини идрок қилишининг психологик механизми – бу ундаги тасаввурлар тизими орқали рўй беради.

Юкоридаги гаъриф оркали тадқиқотчи ижтимоий тасаввурларнинг бир неча хусусиятларини ижратади. Биринчидан, ижтимоий тасаввурлар фаол ижтимоий мулокот маҳсулни; иккичидан, улар шахс учун муҳим бўлган ижтимоий обьектларга нисбатан унинг онли муносабатларини таъминлайди; учинчидан, ижтимоий тасаввурлар-билиш воситаси; тўртинчидан, жамиятда қабул килинган турли ижтимоий меъёрлар. Ҳатти-харакат шакллари. қадриятлар ва баҳоларнинг интириоризациясини таъминлайди, ва ниҳоят, ижтимоий тасаввурлар шахс ижтимоий тажрибасининг асосидир (28:27).

Ижтимоий тасаввурлар концепцияси тарафдорларининг фикрича, шахснинг ижтимоий тасаввурлари бирданига, осоигина шаклланиб қолмайди, балки, улар ҳаёт давомидага муттасил ўзгариб турадиган динамик тузилма бўлиб, уларнинг шаклланиш ва ўзгариш механизmlарида тасаввур эгасининг ижтимоий борликни қандай идрок килишидан тортиб шахсий мъяно касб этган обьектларнинг билимлар тизимида ўрнашиши ҳамда хулқ-атворда намоён бўлиб, шахсий тажрибага айланиши жараёниларини ўз ичига олади.

Ижтимоий тасаввурлар шахс ва гурух психологиясида турли стереотипларнинг ўрнини ўрганишда ҳам восита бўлиши мумкин. Чунки шахс ўз ҳаёти мобайнида турли билимлар, карашлар, тушунчаларни «тайёр», «ўзгармас»маънолар сифатида қабул қиласди. Масалан, оила, ота-она, она- бола ва бошқа муносабатлар, турли тоифали кишилар ҳақидаги фикрлар кўплаб марта қайтарилиши патижасида ва авлоддан-авлодга ўтиши туфайли стереотип тасаввурлар хосил бўладики, улар охир-окибат миллий, иркий, профессионал, маданий, оила борасидаги стереотипларининг сакланишига сабаб бўлади. Масалан, фикримизча, бола учун оила – бу ота ва она, улардан кейин яқин кариндошлар, aka-ука, опа-сингил кабиларнинг бўлишидир. Агар бу тизим ўзгарса, масалан, яқин кариндошлардан бирининг ўлими ёки отапинг оиласи ташлаб кетиши шундай стереотиплар мазмунига таъсир кўрсатади ва айни шу холат ички рухий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташкири, мавжуд ижтимоий тасаввурлар тизимидағи ўзгаришлар болаларнинг ҳаётий қадриятларга бўлган муносабатлари, ижтимоий мўлжаллари ҳамда истикболдаги оила каби тасаввурларида ҳам ўз аксини топади. Уларни қандай ўрганиш мумкин. Бу саволга жавоб

бериш учун мутахассислар ижтимоий тасаввурлар тизимидағи уcta мухим соҳани ажратади ва улар эмпирик изланиш, яъни валид методикалар танлаш учун асос бўлади, деб таъкидлашади.

2.1.1 - жадвал

### Ижтимоий тасаввурларнинг тизими

<b>Ижтимоий тасаввурлар тизими</b>	<b>Алоҳида соҳаларнинг хусусиятлари</b>
<b>Тасаввурлар майдони</b>	Ижтимоий обьект тўғрисидаги билимлар йигиндиси бўлиб, айни шу обьект тўғрисидаги барча маълумотлар ижтимоий тасаввур шаклланганлигининг шартни ҳисобланади.
<b>Баҳолар тизими</b>	Тасаввурларнинг сифат характеристикаси бўлиб, шахсий маъно ва мазмун касб этган маълумотга нисбатан субъектив муносабат билдириш мезони, масалан, салбий ёки ижобий.
<b>Ижтимоий установка</b>	Турли хаётийвазиятларда субъектнинг реалхатти-харакатлари мезони баҳолар асосида ижтимоий хулкни намоён этишга ҳозирлик.

Юкоридаги методикадан фойдаланиб ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшдаги болаларнинг истикбол тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларини ўрганишнинг психологик механизми сифатида оналарнинг ўз фарзандлари, оиласидаги ўзаро муносабатларга берган баҳоларидан ташқари, ҳар бир ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандларнинг онаси билан бўлган ўзаро муносабатлари таъсирида шаклланиши мумкин бўлган ижтимоий тасаввурларини баҳолар тизими шаклида ўргандик.

ТҮЛИК ВА НОТҮЛИК ОИЛАДА ОИЛАВИЙ  
УЮШГАНЛИКНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ  
(*FACES III*)

Оила психологиясининг ўзига хос қатор методик воситалари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида оилавий ўзаро муносабатларнинг турли кирралари ижтимоий тасаввурларнинг белгилари воситасида ўрганилади. Лекин биз ушбу тадқикот максадидан келиб чишиб, аввало, она ва боланинг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган макомлари ва ўзаро муносабатларни ўргандик.

Оилавий ўзаро муносабатларни Д.Олсон, Д.Портнер ва И.Лавишлар томонидан 1985 йилда ишлаб чишилган, рус тилига 2002 йилда таржима килиниб, мухтасар тарзда 2003 йилда Э.Эйдемиллер, И.Добряков, И.Никольскаяялар томонидан Интернет тармоғига узатишилган «Оилавий муносабатларниң эгилувчанлиги ва уюшганилигини диагностика қилиш» леб номланган методика вариантидан фойдаланилди. Чунки максадимиз, аввало, ўша тадқикот учун объект сифатида танлаб олинган түлик ва нотүлик оилялардаги муносабатларнинг характерини ижтимоий тасаввурлар майдонидаги мезон сифатида қабул килишдир.

Танланган методика одатда 3 хил вариантда ишлатиласида:

1) фарзанд кўрмаган эр-хотинлар учун; 2) фарзанди бор эр-хотинлар учун ва 3) ўсмир ёшли фарзанди борлар учун. Охириги холат бизга маъкул келди, чунки кичик ёшли боласи бор эр-хотинлар билан ўсмир ёшли фарзанди борлар ўзаро муносабатида катта фарқ бўлади. Ушбу методика ўзбек тилига таржима қилиниб, танлаб олинган түлик ва нотүлик оиля вакилларига ҳамда уларнинг ўсмирилик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандларига тўлдириш учун берилди ва натижаларни фарзандларнинг бошқа маълумотлари, жумладан, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари натижалари билан ҳамда оналарнинг ўсмирилик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандининг психологик ҳолатини билиши тести натижалари билан солишти-рилди.

«Оилавий муносабатларнинг эгилувчалиги ва уюшганилигини диагностика қилиш» (*ёки қисқача наим FACES III*) методикасининг оналарга берилган вариантида йўриннома ҳам тақдим этилди.

Методиканинг моҳиятига кўра, айни шунга мос вариант ўсмир ва илк ўспириллик ёшли болаларга ҳам берилиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқотнинг мантигидан келиб чиқиб, ўсмир ва илк ўспирин ёшли тўлиқ ҳамда нотўлик оила фарзандларига ҳам тўлдириш учун анкета берилди.

Ушбу услугб ёрдамида қўлга киритилган натижалар 120 та тўлиқ ( $N=120$ ) ва 135та танланган нотўлик ( $N=135$ ) оила мисолида тахлил этилди. Бу ўринда исбот талаб қиласан илмий фараз шундан иборат эдикси, бизнингча, тўлиқ ва нотўлик оиласалардаги она-аёлнинг фикри ва уларда тарбияланётган фарзандларнинг фикрида муайян фарқлар бўлиб, бу фарқ, энг аввало, оиласадаги маънавий мухит, унинг қанчалик уюшганлиги ва фарзандларнинг истиқболла оиласавий муносабатлар тизимидағи ўз ўрни ҳакидаги ижтимоий тасаввурларида акс этади. Бу фаразни ҳаётий кузатишлар асосида ҳам билиш мумкин эди, лекин эмпирик кузатишларда уюшганликнинг аниқ мезонлари ва чегараларини билиш амалий аҳамият касб этади. Кўйида келтирилган жадвалларда иккала тоифа оиласадаги оналарнинг ўз оиласида уюшганлик ва унинг мезонлари тўғрисидаги фикрлари келтирилган.

#### **2.2.1- жадвал**

**Тўлиқ оиласида уюшганликнинг муноса-батлар эгилувчанлиги ва уюшганлиги ҳакидаги тасаввурларига кўра таксимоти, % хисобида**

Уюшганлик	Хиссаси(%)	Эгилувчанлик	Хиссаси(%)
Уюшмаган	25,0	Деярли намо-ен бўлмайди	7,5
Тарқок	18,3	Баъзан намо-ен бўлади	30,0
Бирлашган	36,7	Эгилувчан	45,8
Ноапик	20,0	Тартибсиз	16,7
	100%		100%

Жадвалдан кўринадики, тўлиқ оила аъзоси бўлган оналарнинг аксарияти (36,7%) ўз оиласида фарзандлар ва бошқа аъзолар билан

уюшган гарза турмуш кечиришини, муносабатлар ижтимоий-психологик нуктаи назардан таҳлил килингандан маълум маънода эгилувчаник (45,8%) борлигини тан олади. Тўғри, уларда хам муаммолар бор, чунки 135 нафар онадан 30 нафари (25%) саволларга жавоб бериш асносида оиласида уюшмаганлик ҳолатлари, эгилувчаник эса баъзан-баъзан (30%) намоён бўлиши ва мавжуд эканлигини тан олади. Бу ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзанди бор ота-оналар ва фарзандлар ўртасида кўпинча келишмовчилик, ўзаро бир-бирларини тушунмаслик ҳолатлари рўй бериб туришидан дарак беради. Муносабатларнинг эгилувчанилигида хам муаммолар нисбатан бу тоифа оилаларда кам, чунки деярли 50 % оналар ўзаро муносабатлар уларниңг оиласида вазифага қараб мослашишини, адаптация жараёнлари хам ёмон эмаслигини кайд этган. Чунки аксарият оилаларда оиласида роллар ўзаро тақсимланган ва бунга оила аъзолари риоя қиладилар. Оилада интизом, коидаларга риоя килиш кўникмалари шаклланган, оиланинг етакчи лидери мавжуд ва унинг ижтимоий макомини барча оила аъзолари, жумладан, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидагилар тан оладилар. Бундан шундай хулоса килиш мумкини, бу тоифа оиладагиларнинг ўзаро муносабатлари ёмон эмас, улар вазиятга қараб эгилувчаник касб этади. Шунга қарамай, 29 ҳолатда барибир оилада муайян ижтимоий- психологик муаммоларнинг мавжудлиги тан олинган.

Нотўлик оиладаги опаларнинг жавобларида, бироз фарқли ўлароқ, муносабатлар туфайли опланинг кўпроқ уюшмаганлиги намоён бўлди (2.2.2-жадвал). Оналарнинг берган жавобларидан муносабатлар чегарасининг таркоклиги аён бўлди, чунки салкам 29 % оналар ўз жавобларида уларниңг оиласида муносабатлари уюшганикдан кўра уюшмаганлик хос эканлигини тан олган. Чунки аксарият оналарнинг жавобларида оила аъзоларининг ўртасида хиссий алокалар кўнгилдагидай эмаслиги, карорлар кабул килиш кўпроқ ўзларининг зиммаларида эканлиги, ўсмир ва илк ўспирин ёшдаги фарзанди билан бўш вақтни ташкил этишга имконияти йўклиги, фарзандининг дўстларини умуман тан олмаслигини кайд этдилар.

## 2.2.2-жадвал

**Нотўлик оиласдаги оналар(н= 135) нинг оиласвий муносабаглар эгилувчанлиги ва ўюшганлити ҳакидаги тасаввурларига кўра тақсимоти, % хисобида**

Ўюшганлик	Хиссаси(%)	Эгилувчанлик	Хиссаси(%)
Уюшмаган	28,9	Деярли намоён бўлмайди	16,3
Таркок	22,2	Баъзан на-моён бўлади	22,2
Бирлашган	22,2	Эгилувчан	18,54
Ноаниқ	26,6	Тартибсиз	42,96
	100%		100%

Бунинг асосий сабаби, албаттга, она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда эгилувчанлик камлиги билан изоҳланади, чунки 42,96 фоиз оналар муносабатларда эгилувчанликка йўл кўймасликларини ўзлари тан олганлар. Ракамлар шундан далолат бермоқдаки, одатда она-бона муносабатлари хаотик, тартибсиз характерга эга. Чунки оналарнинг 58 нафари берган жавоблар оиласда барибир назоратнинг мунтазам характерга эга эмаслиги, оиласвий роллар тақсимоти ўқлиги, онанинг барча томонидан лидер деб эътироф этилмаслиги, оиласвий қонун-коидаларга риоя этиш сустлигидан дарак бермоқда. Фақат 25 нафар онагина вазият тақозоси билан муносабатларни тузата олиши, оиласвий қонун-коидалар ўзгариши мумкинлигини эътироф этдилар. Бошка жуда кам ҳолатларда бу ишнинг рўй бериши эътироф этилди.

Демак, ногўликоиласдаги она ўзининг ягона «катта» эканлигидан келиб чикиб, оиласвий ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришни истайди, лекин бу истак ўсмир ёки илк ўспиринининг «ўзини катта» деб хис килишга бўлган эҳтиёжи билан тўқнашиб, она ва бола ўртасида турли низоларнинг келиб чикишига сабаб бўлади. Бу

эса онанинг етакчи әканлигини тан олмаслик холатини түгдиради. Энди ушбу маълумотларни шу оналарнинг фарзандларидан олинган, уларнинг истиқболда оиласвий муносабатлар ва оиласдаги ҳамжихағлик, уюшганликни қандай тасаввур қилишлари борасидаги маълумотлар билан солиштирамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, респондент ўсмир ва илк ўспириналарнинг аксарият жавоблари тақдим этилган шкаланинг 4-чи ва 5-чи устунларида белгиланди. Яъни ёшлар келажакдаги онласини демократик, уюшган ва фикрлар ҳамишиа ҳурмат килинishi устувор бўлган тарзда тасаввур қилади. Айрим жавоблардагина «деярли ҳеч качон», «баъзан» каби жавоб устунларига бенги қўйилган. Буни балки ўсмирларнинг романтик хис-туйғуларидир, деб изоҳлаш мумкинdir, лекин икки тоифа оиласда тарбияланаётган ўсмирлар ва илк ўспирин ёшли болалар ҳамда қизлар ва ўғил болалар жанобларидаги фарклар фикрларимизга ойдинлик киритди.

Масалан, биз оила аъзолари ўртасидаги ҳиссий-эмоционал яқинликнинг мавжудигини кўрсатувчи жавоблар мисолида турли тоифа гурухларнинг фикрларини бир-бирига солиштирилди. Куйидаги жадвалда оиласвий уюшганликнинг мухим кўрсаткичи бўлган ҳиссий яқинлик мезони бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Чунки оиласда маънавий мухитнинг баркарор бўлиши, аъзоларнинг бир-бирларини тушунишлари, кўллаб-куватлашлари оила ҳамжихатлиги ва уюшқоклигининг асосий мезонларидан бириди. Бунда оила аъзоларининг ҳар бири, биринчи нафбатда катталар – ота ва она мухим роль ўйнайди. Оиласидаги шу каби муносабатларнинг реал мавжудлиги ўсмирлик ва илк ўспирин ёшидаги болаларда келажакда ўзи истаган оиласи қандай тасаввур қилишига бевосита боғлик бўлади. деб ўйлаймиз. Лекин қайси кўрсаткичи устунлигига боғлик равишда болада умуман истиқбол тўғрисида тасаввурлар шакллапади. Бунда оиласнинг ўрни бекиёс.

Үсмирлик ва илк ўспиришилик ёшидаги болалар( $N= 275$ ) нинг истиқболда улар хохлаган оиласидаги хиссий яқинлик түрлериидаги тасаввурлари

(баллар хисобида)

Вариантлар	Тўлиқ оила		Нотулиқ оила	
	Қизлар (N= 90)	Ўғил болалар (N= 50)	Қизлар (N= 86)	Ўғил бола- лар (N= 49)
1.Онламда хамма бир-бираiga ердам сўраб мурожаат қилган бўлар эди.	4,44	4,4	4,39	4,5
2.Оиламиз аъзолари ўзаро жуда яқин эканлигини хамишга хис қилишимиз керак.	4,38	4,5	4,56	4,9
3.Оиламиз учун бирлик, хамжихатлик ўта муҳим бўлиши керак.	5	4,6	5	4,8

Демак, иккала тоифа ёшлари хам келгусида оиласида, энг аввало эр-хотин ва фарзандлар ўртасида яқин хиссий-эмоционал муносабатлар бўлиши, ҳар кандай шароитда оила аъзолари бир-бираига суюниши ва кўмакдош бўлишининг тарафдоридирлар. Бу ўғил болалар ва қизлар тўплаган балларнинг нисбатан юкори эканлигидан кўринади. Чунки улар аксарият ҳолатларда анкетани тўлдираётганда «ҳамиша», «тез-тез» жавобларини танлаганлар. Биз тадқиқот мақсадини белгилаб, ушбу методика билан ишлаганда устун ракамларни балл сифатида кабул килдик. Агар респондент «ҳамиша» жавобини белгилаган бўлса, ўша жавоби учун «5» балл, «тез-тез» жавобини белгилаган бўлса, «4» балл ва шундай тарзда 1-чи графадаги жавобни белгилаган бўлсалар, мос равишда «1 балл» олди. Тадқиқот натижалари эмпирик таҳлил килинганда шу каби ҳар бир мезон бўйича олингап маълумотларни ҳар бир тоифа респондентлар мисолида аввал жами баллари кўшиб чикилди, сўнгра нисбий микдорини фойзларда ўрганиб чиқдик.

Юкоридаги маълумотларнинг ишончлилик даражасини аник-

лаш мақсадида математик-статистик қайта ишлов методларидан фойдаланилди. Бунда тақкослатининг Стъюдент ва Пирсон томонидан таклиф этилган мезонларидан фойдаланган ҳолда «Оилавий муносабатларнинг эгилувчалиги ва уюшганигини диагностика килиш» (ёки қисқача номи *FACES II*) методикасининг түликтүрк оила вакиллари ҳамда иотүликтүрк оила вакиллари томонидан бажарилган вариантылари бүйича олинган натижалардаги тафовутнинг ишончлилик даражаси аникланди.

#### 2.2.4 - жадвал

#### Түликтүрк оиланинг уюшганилиги даражасини ифодаловчи курсаткичларни Стъюдент усулида қиёслаш натижалари

№	Гурӯхларни қиёслаш	$X_1 \pm S_{X_1}$	$X_2 \pm S_{X_2}$	D	k = n+p = 2	$t_{\text{факт}} X_i$ квадраттинг фактический натижаси	$t_{\alpha} \cdot X_i$ квадраттинг критик мезоннадаралары	P-Ишончлилик даражаси
1	Уюшмаган-тарқоқ	30+-0,1	22+-1,1	8	50	7,27	3,55	0,001
2	Тарқоқ-бирлашган	22+-1,1	44+-1,6	-22	64	-11,34	3,46	0,001
3	Бирлашган-ноаниқ	44+-1,6	24+-1,2	20	66	10	3,46	0,001
4	Уюшмаган-бирлашган	30+-0,1	44+-1,6	-14	72	8,8	3,46	0,001
5	Уюшмаган-ноаниқ	30+-0,1	24+-1,2	26	52	11,6	3,55	0,001
6	Ноаниқ-тарқоқ	24+-1,2	22+-1,1	2	44	1,23	3,55	—

Ракамлардан түликтүрк оиланинг уюшмаганлиги  $X_1=30+-0,1$  га, тарқоқлиги  $X_2=22+-1,1$  га тенг, эркін сон  $k=30-22-2=50$  бўлганда, Стъюдент усулида уюшмаганлик ва тарқоқлик даражалари солиштириш натижалари улар ўртасидаги фарқ  $d=8$  га, фактический сон  $t_{\text{факт}}=7,27$  га тенг бўлганда, Стъюдент критик мезоннадараларини сонидан катта

бўлганлиги учун улар ўртасидаги фаркнинг ишончлилик даражаси  $P>0,001$  га тенг. Бундан кўринадики, тўлик оиласларга оиласвий юшимаганлик хос бўлишига қарамай, улар тарқок эмаслиги, яъни муносабатларнинг муайян маънода изчиллиги, стабил ва кўпроқ ижобий тусли эканлиги исботланди ва бу кўрсаткичлар бир-биридан фарқ килди. Бундай тарқок бўлмаган оиласда тарбияланадиган фарзандда оиласвий ҳамда хаётий қадриятларга нисбатан адекват, холис муносабат шаклланишига замин етарли, деб хулюса килиш мумкин.

Қолган рақамлардан кўриниб турибдик, тўлиқ оиласнинг тарқоклиги ва бирлашганлиги ўртасида ( $d=22, k=64, t_{\text{факт}} = 11,34 > t_{\text{sl}} = 3,46, P>0,001$ ), бирлашганлиги ва ноаниқлиги ўртасида ( $d=20, k=66, t_{\text{факт}} = 10,34 > t_{\text{sl}} = 3,46, P>0,001$ ), уюшмаганлик ва бирлашганлик ўртасида ( $d=14, k=72, t_{\text{факт}} = 8,8 > t_{\text{sl}} = 3,46, P>0,001$ ), уюшмаганлик ва ноаниқлик ўртасида ( $d=26, k=52, t_{\text{факт}} = 11,6 > t_{\text{sl}} = 3,55, P>0,001$ ) муайян тафовутлар бўлиб, ноаниқлик ва тарқоклик ўртасида ишонарли тарзда фарқлардаги аниқлик кузатилмади, чунки бу ўринда фарқ, яъни  $d=2, k=44, t_{\text{факт}} = 1,23 < t_{\text{sl}} = 3,55$  бўлганлиги учун улар ўртасидаги озгина фарқ ( $d=2$ ) ишончлилик даражасига етмади. Ушбу ҳодиса ноаниқлик ва тарқоклик тўлиқ оиласларда баҳолаш кийин кечганилигини ва респондентлар ушбу хусусиятларни тўлиқ ажратса олмаганлигини кўрсатади.

Оиласвий муносабатлардаги ўзгарувчанлик, эгилувчанлик, бир-бирларига нисбатан сабр-тоқатнинг асоси бўлгани учун ҳам биз ишлатган методикадаги «Эгилувчанлик даражаси» кўрсаткичларидаги статистик боғликллик ахамиятли ҳисобланади.

Тўлиқ оиласнинг эгилувчанлиги даражасини белгиловчи кўрсаткичларни Стъюдент усулида киёслаб, шуни аниқладикки, бундай муҳитдаги муносабатларда эгилувчанлик деярли намоён бўлмайди, факат  $X_1 = 90+-0,99$  га ва  $X_2 = 36+-0,72$  га тенг бўлганда, айрим ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Нотўлиқ оиласа хос бўлган муносабатлар эгилувчанлигига эса бироз ўзига хослик мавжуд ва бу бола психологиясига муайян таъсир кўрсатади. Нотўлиқ оиласнинг уюшмаганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичларни Стъюдент усулида киёслаш натижасида унинг уюшмаганлиги  $X_1 = 39+-1,17$  га тенг, тарқоклиги  $X^2 = 30+-0,9$  га

тeng әканлиги аникланди. Эркин сон  $k=67$  булганда, Стъюдент усулида ўюшмаганлик ва таркоюлик даражалари солиширилганда. Улар ўртасидаги фарк  $d=9$  га, фактik сон  $t_{\text{факт}} = 6,12$  га тeng әканлиги, Стъюдент критик мезони сони  $t_{\text{крит}} = 3,37$  га тeng әканлиги аникланди. Фактик сон критик мезон сонидан катта булганлиги учун улар ўртасидаги фаркниң ишопчиллик даражаси  $P > 0,001$  га тенглиги, яни нотүлик оиласарда оиласанинг маълум маънода ўюшмаган-таркоклиги исботланди ва бу кўрсаткичлар бир-биридан фарк килади.

#### 2.2.5-жадвал

#### Нотүлик оиласанинг ўюшганилик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни Стъюдент усулида киёслаш натижалари

№	Гурӯҳтарини киёслаш	$X_i - Sx_i$	$X_i + Sx_i$	D	$k = n+n = 2$	$t_{\text{факт}} - X_i$ квадрат- ратининг фактик нати- жаси	$t_{\text{крит}} - X_i$ квадрат- нинг kritик мезон дара- жаси	P- Ишонч- лилик дара- жаси
1	Ўюшмаган- таркоқ	39+- 1,17	30+-0,9	9	67	6,12	3,37	0,001
2	Таркоқ- бир- лашган	30+-0,9	30+-0,9	0	58	-	3,46	---
3	Бирлашган -ноаник	30+-0,9	36+- 0,72	-6	64	-5,26	3,37	0,001
4	Ўюшмаган- бирлашган	39+- 1,17	30+-0,9	9	67	6,12	3,37	0,001
5	Ўюшмаган- ноаник	39+- 1,17	36+- 0,72	3	73	2,2	3,37	---
6	Ноаник- таркоқ	30+-0,9	36+- 0,72	-6	64	-5,26	3,37	0,001

Бундай фарклар бирлашганлик ва ноаниклик ўртасида ( $d=-6$ ,  $k=64$ ,  $t_{\text{факт}} = -5,26 > t_{\text{крит}} = 3,37$ ,  $P > 0,001$ ). ўюшмаганлик ва бирлашганлик ўртасида ( $d=9$ ,  $k=67$ ,  $t_{\text{факт}} = 6,12 > t_{\text{крит}} = 3,37$ ,  $P > 0,001$ ), ноаниклик ва таркоюлик ( $d=-6$ ,  $k=64$ ,  $t_{\text{факт}} = 5,26 > t_{\text{крит}} = 3,37$ ,  $P > 0,001$ ) хам мавжуд бўлиб, нотүлик оиласанинг таркоклиги ва бирлашганлиги ўртасида ( $d=0$ ,  $k=58$ ,  $t_{\text{факт}} = 0 < t_{\text{крит}} = 3,46$ , ) хамда ўюшмаганлик ва ноаниклик

Үртасида ишонарли тарзда бөгликтік (аниклик) күзатылмади ( $d=2$ ,  $k=44$ ,  $t_{\text{факт}} = 1,23 < t_{\text{крит}} = 3,55$ , бўлганлиги учун улар ўргасидаги фарқ ишончлилик даражасига етмади.

Нотўлик оиласнинг эгилувчанлиги даражасини белгиловчи кўрсаткичларни хам Стъюдент усулида киёсланиб, куйидаги мълумотлар олинди.

### 2.2.6-жадвал

#### Нотўлик оиласнинг эгилувчанлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни Стъюдент усулида киёслаш натижалари

№	Гурӯхларни киёслаш	$X_1 - S_{X_1}$	$X_2 - S_{X_2}$	D	$k = n - 2$	$t_{\text{факт}} X_i$ квадратининг фактик негизги даражаси	$t_{\text{крит}} X_i$ квадратининг критик мезон даражаси	P- ишонч- лилик даражаси
1	Деярли намоён бўлмайди-баъзан намоён бўлади	22+-1,1	30+-0,9	-8	50	5,63	3,46	0,001
2	Баъзан намоён бўлади-эгилувчан	30+-0,9	25+-1,25	5	53	3,26	2,66	0,001
3	Эгилувчан-тартибсиз	25+-1,25	58+-1,16	-33	83	19,4	3,46	0,001
4	Деярли намоён бўлмайди-эгилувчан	22+-1,1	25+-1,25	-3	45	-1,8	2,02	---
5	Деярли намоён бўлмайди-тартибсиз	22+-1,1	58+-1,16	-36	78	22,6	3,37	0,001
6	Баъзан намоён бўлади-тартибсиз	30+-0,9	58+-1,16	-28	86	19,1	3,37	0,001

Нотўлик оиласдаги муносабагларда эгилувчанлик  $X^1 = 22+-1,1$  га тенг бўлганда деярли намоён бўлмайди,  $X^2 = 30+-0,9$  га тенг бўлса баъзан намоён бўлади. Эркин сон  $k=50$  бўлганда, Стъюдент усулида деярли намоён бўлмайди, даражалари солиштирилганда улар ўртасидаги фарқ  $d=-8$  га, фактик сон  $t_{\text{факт}} = 5,63$  га, Стъюдент критик мезони сони  $t_{\text{крит}} = 3,46$  га тенг эканлиги аникланди.

Фактик сон критик мезон сонидан катта бўлганлиги учун улар ўргасидаги фаркнинг ишончлилик даражаси  $P>0,001$  га тенглиги исботланди ва бу кўрсаткичлар бир-биридан фарк килади. Бундай фарклар нотўлик оиласидаги муносабатларини кўрсатади. Демак, нотўлик оила оналарининг берган жавобларида ижтимоий муносабатларнинг чегараси тарқок эканлигига ишониш мумкин бўлади, чунки 29% оналарнинг жавобларида улар оиласидаги муносабатларга уюшганликдан кура уюшмаганлик хос эканлиги намоёни бўлган. Муносабатларда самимият ва эгилувчанликнинг йўклиги эса, ўз навбатида, она билан фарзанд ўртасида психологик масофа (*дистанциянинг*) мавжудлигини кўрсатади. Юқорида таъкидланганидек, бундай оиласда «бегоналашув» ҳодисаси бор.  $X^2$  – Пирсон усулида тўлиқ ва нотўлик оиласидаги уюшганлик даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги фаркни хисоблаш натижалари

#### 2.2.7 -жадвал

**$X^2$  – Пирсон усулида тўлиқ ва нотўлик оиласидаги уюшганлик даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги фаркни хисоблаш натижалари**

№	Гурӯхлар	$P$ - тўлиқ оила	$P^1$ – нотўлик оила	$P-P^1$	$d^2$	$d^2/p^1$
1	Уюшганлик	25,0	28,9	-3,9	15,21	0,52
2	Тарқолик	18,3	22,2	-3,9	15,21	0,68
3	Бирлашган	36,7	22,2	14,5	210,25	9,45
4	Ноаник	20,0	26,7	6,7	44,89	1,68

$$\Sigma d^2/p = 12,33$$

Мезон талаблари бўйича фарк Пирсоннинг  $\chi^2$  усули ёрдамида тақкосланганда  $x_{\text{факт}}$  – квадратнинг фактик ( $\chi^2_{\text{факт}}$ ) кўрсаткичи 12,3 га тенг бўлиб, эркин сон  $k=(4-1)(2-1)=3$  га тенг бўлганда  $x_{\text{теор}}$  – квадратни критик мезони  $\chi^2_{\text{крит}}=11,34$  катта бўлганлиги улар ўртасидаги фаркнинг ишончли  $P>0,001$  даражада эканлигини кўрсатди. Демак, иккала тоифа оиласдан олинган эмпирик маълумотларда аҳамиятли фарк мавжуд экан. Худди шундай ишончли фарк танланган оиласи

лардаги муносабатларнинг эгилувчанлигига ҳам хос эканлиги исботланди.

## 2.2.8-жадвал

**X<sup>2</sup> – Пирсон усулида тўлиқ ва нотулик оиласининг эгилувчалик даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ**

№	Гурӯхлар	P- тўлиқ оила	P <sup>1</sup> –нотулик оила	P-P <sup>1</sup>	d <sup>2</sup>	D <sup>2</sup> /p <sup>1</sup>
1	Деярли намоён бўлмайди	7,5	16,3	-88	77,49	4,75
2	Баъзан намоён бўлади	30,0	22,2	7,8	60,84	2,74
3	Эгилувчан	45,8	18,54	27,26	743,10	40,08
4	Тартибсиз	16,7	42,96	26,29	691,16	16,08

$$\Sigma d^2/p = 63,65$$

Тўлиқ ва нотулик оиладаги ижтимоий-психологик муносабатларнинг характеристикини ўрганиш куйидаги дастлабки хуносаларни шакллантиришга имкон берди:

- ўсмирилик ва илк ўспирин ёшидаги фарзанди бор ота-оналар ва фарзандлар ўртасида кўпинча келишмовчилик, ўзаро бирбиirlарини тушупмаслик ҳолатлари рўй беришига қарамай, тўлиқ оила аъзоси бўлган оналарнинг аксариятида фарзандлар ва бошқа аъзолар билан муносабатлар анча ижобийлиги боис, бундай оиласаларга муайян маънода уюшганлик, эгилувчанлик хос эканлиги исботланди;

- нотулик оиласалардан олинган жавоблар эса тўлиқ оиладаги оналарнинг жавобларидан фаркли ўларо, муносабатларда бироз уюшмаганлик намоён бўлаётганлигини кўрсатди; оналарнинг бсртган жавобларида оиладаги шахслараро муносабатлар тарқок, уларга уюшганликдан кўра уюшмаганлик хос эканлиги акс этди;

- нотулик оиладаги она ўзини ягона «катта» деб хис қилиши умуман ўзаро муносабатларда эгилувчанликнинг камлигини таъминлайди ва бу ҳолат она ва бола ўртасидаги турли майда низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади;

— «Оилавий муносабатларнинг эгилувчанлиги ва уюшганлигини диагностика қилиш» (ёки қисқача номи *FACES III*) методикаси орқали олингаи маълумотлар нотулик оиласадаги фарзандлар ижтимоий тасаввурларида келажакдаги оиласини демократик, уюшган ва фикрларни ҳамиша ҳурмат қилиш устувор бўлишини орзу қилган холда тасаввур қилишини кўрсатди;

— нотулик оиласада она образи бола учун табиий авторитет, хатти-харакатлар учун андоза ролини ўйнайди, зеро, бола ўз отаси ёки онаси образида ҳамила мукаммалликни, яхши фазилатлар соҳибини излайди; бу холат кизларда муайян маънода камрок зиддиятларни келтириб чиқарсада, отасиз ўсаётган қизларда оиласада отанинг ўрни ва роли, умуман, эркаклар тўғрисидаги поадекват тасаввурлар шаклланишига олиб келиши мумкин;

— иккала тоифа ёшлар грухи ҳам келгусида оиласида, энг аввало, эр-хотин ва фарзандлар ўртасида якин хиссий-эмоционал муносабатлар бўлиши, ҳар кандай шароитда оила аъзолари бир-биралига суюниши ва кўмақдош бўлишининг тарафдори эканлигини тасдиклади, ушбу холат ижтимоий-психологик нуткази назардан мухим бўлиб, бу каби фикрларни нотулик оиласа психологик ёрдам кўрсатиш шахобчаларида инобатга олиш зарур.

**ШІ-БОБ. ТҮЛИҚ ВА НОТҮЛИҚ ОИЛАДА  
ТАРБИЯЛАНАЕТГАН БОЛАЛАР ИСТИҚБОЛ ТҮГРИСИДАГИ  
ТАСАВВУРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ -ПСИХОЛОГИК  
ҮЗИГА ХОСЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ**

**ТҮЛИҚ ВА НОТҮЛИҚ ОИЛАДА «ОНА-БОЛА»  
ҮЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҮРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**

Оилада қандай шароит ва қандай психологик мухит хукмрон бүлмасин, оналар аksariят холаттарда ўз фарзандларини психологик мухофаза килиш, уларни келгуси хаётта соғ-саломат ва билимли килиб тайерлашыга уринадилар. Бу борала улар ўз фарзандларининг психологик томондан қандай жиссега оидлигидан келиб чиққан холда феъл-атворини яхши билиши, айниқса, ўсмирлик ҳамда илк ўспиринлик ёшигининг үзига хос конуниятларидан хабардор бўлиши катта роль ўйнайди. Шу боис ҳам, изланишининг дастлабки боскичидаги танланган оилаларда оналар ўртасида тадқикот ўтказдик. Иккинчи бобда келтирилган маълумотлардан ташкари ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандининг психологиясини оналар канчалик билишини үрганишини вазифа сифатида белгиладик, чунки максад она таъсирида шаклланадиган истиқбол түгрисидаги ижтимоий тасаввурлар мазмунига уларнинг психологик саводхонлиги қандай тарзда роль ўйнашини аниклапидир.

Ушбу максадга эришин учун Ж.Пиаже ва И.Коп томонидан ишлаб чиқилган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болаларнинг үзига хос хусусиятлари инобатта олинган «Катталарнинг ўсмирлик ёшидаги фарзандларининг ёп хусусиятларини билишлари» номли тест методикасидан фойдаланилди (31). Методика үзига хос тест бўлиб, у факат битта саволга, яъни «Катталар ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёши психологиясини биладиларми?» деган саволга жавоб олишга имкон беради. Бу ўринда «катталар» ибораси кенг маънода ишлатилади, бу ота-оналардан ташкари. ўқитувчилар, мурраббийлар ва бошқалар ҳам бўлишлари мумкин. Айнан, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандининг психологиясини билиш

она учун мухим бўлганлиги сабабли, биз оналарга йўрикнома тақдим этдик. Калит асосида аниқланган «хомаки» бирликлар махсус жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича стандарт – Т белгиларга айлантирилди ва умумий натижалар тўлиқ оила вакилалари ҳамда нотўлик оила вакилалари гурӯхларида алоҳида-алоҳида таҳлил килиниб, сўнгра умумлаштирилди. Методиканинг шартига кўра, натижалар ҳисобланётган пайтда ҳар бир калитга мос келган жавобга 1 балл, мос келамганига 0 балл берилади. Ҳар бир текшириувчининг тест натижалари («хом» бирликлар) сўнгра стандарт (*T*-бирликлар) натижаларга кўчирилади. Куйидаги жадвалда 135 нафар она берган жавобларнинг қийматлари келтирилган.

### *3.1.1.-жадвал*

**Оналарнинг ўсмир ва илк ўспирин ёшдаги фарзандларини тушунишлари кўрсаткичлари бўйича нисбати (n=135)**

Оналарнинг гурӯхлари	Оналар сони ва жавобларнинг% нисбати	«Хом» бирликларнинг ўртача қиймати	T- бирликларнинг ўртача қиймати
«А» - гурӯх	21 / 15,6	16,9	63-67
«В» -гурӯх	65 / 48,15	12,7	50-53
«С» -гурӯх	49 / 36,3	6,2	30-34

Жадвалдан кўрипадики, тест саволларига жавоб берган оналарнинг кўпчилиги, яъни 48 %дан зиёди ўсмир ва илк ўспирин ёшидаги фарзандини тушуниш бўйича ўртача даражага эгадир. Паст даражада тушунадиганлар ҳам кам эмас, улар 36,3 %ни ташкил этмоқда. Демак, танловдагиларнинг 15,6 % игина ўсмир ва илк ўспирин бола психологиясидаги мураккабликлар тўғрисида аниқ фикрга эга. Чунки методика шартига кўра, стандарт бирликлар катталарапнинг ўсмирилик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандлари психологиясини билишининг уч даражасини билдиради:

«А» - гурух- юкори даража - 60 стандарт бирликтан ортиқ;

«В» - гурух- ўрта даража - 40-60 стандарт бирлик;

«С» - гурух -паст даража - 40 стандарт бирликтан кам;

Оналар жавобларидан түппланған «хомаки» бирликларни жадвалдаги стандарт бирликларга айлантириш шунга олиб келдики, юкори билимли «А» гурух вакилларининг стандарт кўрсаткичлари ўртacha 63-67 балл оралиғида, яъни шу туркум учун унчалик юкори эмас (жадвалга қарағ). Тадқикот бошида тахмин килинганидек, иккинчи ва еттинчи саволларга ота-оналарнинг аксарияти нотўғри жавоб берган. Бизнинг мухитимизда, бу, аввало, оиласарда фарзандлар кўпчиликни ташкил этиши, она учун бошқа оила аъзоларининг (қайнона-қайнота кабилар) ҳам ташвишини килиш мажбуриятлари бўлгани учун хаёли бўлиниши, бола психик ривожланишининг энг масъулиятли даврида, афсуски, унинг бошка ташвишлари кўпайиб, ўсмир ва илк ўспирин ёпидағи фарзанди учун камрок вакт ажратили билан изоҳланади. Лекин нотўлиқ оиласарда фарзандлар кам бўлгани билан барибир онанинг бошқа рўзгор ташвишлари билан боласининг психологиясига камрок эътибор бериши ҳам ўтказилган сұхбатларда аникланди. Шунга карамай, бизда ота-оналар ўсмирилик ва илк ўспиринлик даврида ҳам болага ота-она томонидан доимий ғамхўрлик кўрсатилиши зарур, деб хисоблайдиганлар ҳам талайгина. Ёғиз она билан ўтказилган сұхбатларда кўп ҳолатларда якка ўғли ёки кизининг ҳар бир хатти-харакатига ўзи кўпроқ ўтибор бериши маълум бўлди. Колаяверса, бизда бола мустакил рўзғор эгаси бўлганда ҳам ота-онанинг бағрида ва ғамхўрлиги остида бўлиши лозимлиги ҳакидаги тасаввурлар ҳануз сакланиб колган ва нотўлиқ оила вакиласи бўлган она ўз ҳаётини фарзандисиз умуман тасаввур қилмайди. Лекин Шарқ менталитети ва ўзбекчилик тамойиллари шундайки, ота-оналар вояга стаётган фарзандининг психологияси, айниқса, тараккиёт даврида бироз кийин хисобланған ўсмирилик ва илк ўспиринлик ёши психологияси билан атайлаб илмий адабиётлар асосида шуғулланмайдилар. Бундай психологик саводсизлик эса кўпинча оиласадаги катталар билан ўсмирилик ва илк ўспириплик ёшидаги фарзанд ўртасида пизолар келтириб чиқариши табиий.

Никоҳи барбод бўлган она билан унинг айни шу ёшдаги фарзанди ўртасидаги зиддият эса, назаримизда, мураккаброк ва кўпроқ қарама-каршиликлар билан рўй беради. Фарзанднинг истиқболда оила ва унинг қадриятлари тўғрисидаги тасаввурлари мазмунида салбий тарзда акс этиши мумкин, деган фараз илгари сурилган эди. Лекин аник сўров натижаси бироз бўлсада, фикримиздан чекинишга мажбур килди.

### 3.1.2-жадвал

**Тўлиқ ва нотўлик оиласидаги оналарнинг ўсмири ва илк ўспирин фарзандлари психологиясини тушуниши ва билиши даражасига кўра тақсимоти кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар		Оила тури	
Статистик бирликлар	Оналар групхлари	Тўлиқ оила	Нотўлик оила
«Хом» бирликлар	«A»	16,0	16,9
	«B»	14,5	12,7
	«C»	9,5	6,2
T-стандарт бирлик	«A»	58	65
	«B»	48,5	51,5
	«C»	38	30,5
Ўртача қиймат		48,2	49,7

Икки турли оила вакиллари бўлмиш оналарнинг ўз фарзандлари психологиясини тушунишларини қийматларда баҳолаганимизда бироз бўлса-да, нотўлик оиласидаги оналарнинг билниш ва тушунишлари юкори кўрсаткични берди. Бу ҳолатни юкоридаги фикрларнинг тасдиги, деб биламиз. 3.1.2-жадвалдан кўринадики, умуман олганда, нотўлик оиласидаги оналарнинг ўз болаларнинг ёш хусусиятларини билишлари тўлиқ оила групхиникидан ижобийрек, юкорироқdir. Айнан шу групх, фоиз миқдорида бошқалардан юкори даражада билиш бўйича балл тўпладилар, яъни 16,9 фоиз, 16,0 фоиздан бироз бўлса-да юкори, лекин сезиларли юкори эмас. «Хомаки» кўрсаткичлар бўйича тўлиқ оиласидаги оналарнинг берган жавобларида ҳам боласини ёмон бишадиганлар кўнрок (носратавиша 9,5 ва 6,2).

Тұпланған маълумоттар бүйічча чиқарыладын умумий хуоса шуки, нотұлғы ойладының онадар тұлғы ойладындарға нисбатан бары-бір боласининг индивидуал өшін хусусиятларында күпроқ әзіборлы эканндар. зеро, улар фарзандларидаги өшінде бөгликтің үзгаришларының яқынроқ тасаввур қилады. Яғни әлғиз она-аел үз боласини диккәт марказидан камрок қочиришиңа, үндегі үзгаришларнинг гувоши бўлишга иштиёки бошқа тоифалардан олинган натижалар билан ҳам солиштириб кўрамиз.

Шундай методикалардан бирі – бу түрли таснифдаги ойлаларда тарбияланыётган ўсмир ва илк ўспириналық өшидаги болаларнинг қанчалик кўллаб-куватланишга нисбатан истагини ўрганишга қаратылған услугуб бўлди. «Кўллаб-куватланишга нисбатан мотивацияни ўрганиш методикасия» нинг мантиғи шундайки, унинг ёрдамида шахснинг ўзини ўраб турған яқин инсонларнинг доимий кўллаб-куватлови, рағбатига эга бўлиш ва уларнинг кўнглидагидаи ҳатти-ҳаракат қилишга мойшллиги даражасини ўрганиш мумкин. Бундай мойиллик болалар психологиясига, айниқса, ўсмирлик ва илк ўспириналық өшидаги фарзандларга ҳам хос бўлиб, яқин инсонларнинг мактобиниң эпитетит, амалга оширган саъй-ҳаракатларини кўллаб-куватлашларига сазовор бўлиш улар фаолиятининг кучли мотиви хисобланади.

Кўллаб-куватланишга нисбатан мотивацияни ўрганиш методикаси дастлаб америкалик психологлар Д.Краун ва Д.Марлоулар томонидан 1960 ва 1964 йилларда ишлаб чиқилған әди. Уларнинг кўллаб-куватланишга нисбатан мотивацияни ўрганиш шкаласи маҳаллий мухитта мослаштирилди ҳамда ўсмирлик ва илк ўспириналық өшидаги ўғил болалар ва кизларда сипов ўтказилди. Методиканинг ўзбекча варианти 20та тасдинк фикрдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир калит жавобга мослари бир баллдан баҳоланади. Маълумотларни қайта ишлап айнан калитта мос келгандай жавоблар миқдорини санаб чикиш билан ифодаланади.

Умумий кўрсаткич кўллаб-куватланған мотивларнинг умумий сони билан баҳоланиб, уларнинг қиймати 0 дағ 20 гача диапазонда жойлашади.

Куйидаги жавобларга «ҳа» деб жавоб берилгандай бўлса: 1, 2, 3, 4, 5, 8, 11, 14, 15, 16, 20; ва куйидагиларга «йўқ» деб жавоб берилгандай

бўлса: 6, 7, 9, 10, 13, 17, 18, 19 респондент бир баллдан баҳоланади.

Кўрсаткич канчалик юкори бўлса, демак, кўллаб-кувватланишга нисбатан мотивация шунчалик кучли, яъни сўралувчи ўзаро мулокот жараёнида ўзгаларнинг унга нисбатан хайріҳох бўлишларини исташи шунчалик юкори бўлади.

Оилавий ўзаро муносабатлар тизимида боланинг онаси (*ота-онаси*) ва бошқа янги яқин қариндошлар билан ўзаро муносабати коммуникатив акт сифатида ундаги мулокотмандлик даражасини оширади, ўсмирилик ҳамда илк ўспиришлик даври зиддиятларини осонроқ бошдан кечиришини таъминлайди.

Ушбу сўровнома ҳам тўлик, ҳам нотўлик оила вакиллари бўлган ўсмирилик ва илк ўспиришлик ёшидаги болаларга тўлдириш учун берилди ва жавобларни калит асосида тахлил килинди. Демак, болалар тўплаган баллар канчалик юкори бўлса, уларда кўллаб-кувватланишга нисбатан мотивация юкори ва, аксинча, кичик баллар бундай интилишнинг йўқлигини билдиради, яъни бу шахснинг ташки ижтимойи мухитдаги унга нисбатан хиссий-эмпионал яқинликни канчалик кўнглига яқин олиши, ўзгалар билан илик муносабатда бўлиб, уларни кўллаб-кувватлашга мойиллик ва шундай муносабатни ўзи учун ҳам исташини билдиради.

Кўйида келтирилган 3.1.3-жадвалда ташловдаги барча ўсмирилик ва илк ўспиришлик ёшидаги болаларнинг ушбу тест саволларига жавоб бериб, тўплаган балларининг ўртача арифметик қиймати келтирилган. Рақамлардан кўринадики, тўлик ва нотўлик оиласидаги ўсмир, илк ўспиришлик ёшли ўғил болалар ва кизларнинг ижтимойи кўллаб-кувватловга нисбатан мотивациясида кескин фарқ килувчи устаповкалар намоён бўлгани йўқ. Чунки тўлик оила кизларининг 44,4 фоизи ва нотўлик оила кизларининг 41,9 фоизи ўртача кўрсаткичларда кўллаб-кувватланишга нисбатан мотивациялари кучли эканлигини кўрсатган бўлса, тўлик ва нотўлик оила йигитларининг юкори кўрсаткичлар борасидаги установкаларида нисбатан яқинлик ва ўхшашлик бор (44,0 ва 40,8).

### 3.1.3- жадвал

Респондент ўсмирлар ва илк ўспирип ёшидаги болалар(N=275) нинг құллаб-қувватланишта нисбатан мотивацияның күрсеткичлари

( % фоизларда)

Мотивация мезони	Кизлар (N= 176)			
	Нотұлқ оила (N= 86)		Тұлғык оила(N= 90)	
	%	Үрт.ариф киймат	%	Үрт.ариф киймат
Юқори (15-20 б.)	29,1	17,7	37,8	16,8
Үртача (7-14 б.)	41,9	13,5	44,4	11,6
Паст (0-6 б. )	29,1	3,9	17,8	4,4
Үртача киймат	100,1	11,7	100	10,9
Мотивация мезони	Үғил болалар (N= 99)			
	Тұлғык оила (N= 50)		Нотұлқ оила (N= 49)	
	%	Үрт.ариф киймат	%	Үрт.ариф киймат
Юқори (15-20 б.)	40,8	16,7	44,0	15,4
Үртача (7-14 б.)	51,0	13,1	38,0	12,6
Паст (0-6 б. )	8,2	3,3	18,0	5,5
Үртача киймат	100	11,03	100	11,2

Агар баллар нүктай назаридан олинган эмпирик маълумотларни солиштирадиган бўлсак, тұлғык оила үғил болаларидан ташқари колган гурухларнинг тўплаган баллари үртача арифметик кийматдан (16,65 дан) юкорирок натижә берганларини кўриш мумкин (мос равишда 16,8, 17,7 ва 16,7 баллар). Бундан ташқари, үртача арифметик кийматни (12,7) танловдагиларнинг факат нотұлқ оиласыга тааллукларни кўпроқ тўплаган (13,5 ва 13,1). Мотивацияның пастрок кийматларини баллда ва фоизда тұлғык оила кизлари ва үғил болалари тўплаганлар. Бу натижалардан кандай холосалар чиқариш мумкин?

Биринчидан, қандай оила бўлишидан катъи назар, ўғил болалар кизларга нисбатан айнан ўсмирилик ва ишк ўспириналлик ёшида ўзгалар томонидан кўллаб-куватланишга кучлирок эҳтиёж сезади, чунки бу даврда ўзига хос «катталик ҳисси» пайдо бўлишига карамай, улар ўзгаларнинг психологик мададига муҳтождирлар. Лекин бу ҳолат кўпроқ нотўлик оила ўғил болаларига хос эканлигини хам эътироф этиш лозим. Чунки нотўлик оиласидаги кизлар ва ўғил болалар маълумотларига эътибор берсак, юкори балл олган кизларнинг (17,7) 29,1 фоизи ва ўғил болаларнинг 40,8 фоизи юкори балл (16,7) тўплаган. Демак, нотўлик оиласида тарбиялананаётган ўғил болалар ёлғиз она билан яшаса хам, унга суюнч ва таянч бўлишини ният қилгани билан ўзгаларнинг кўллаб-куватловига кўпроқ муҳтожлигини намоён этганлар.


Иккинчидан, ўртача кўрсаткичларда кўллаб-куватловга муҳтожликни намоён этганлар умумий танловда аксариятни ташкил этишига карамай (44%), бу борада хам нотўлик оила вакиллари бўлган ўғил болаларнинг кўрсаткичлари ҳамманикidan юкорирок (51%). Демак, бу ҳолат хам яна бир маротаба нотўлик оиласидаги ўсмир, ишк ўспирин ёшидаги ўғил болаларнинг ижтимоий кўллаб-куватловга бошқаларга нисбатан кўпроқ эҳтиёж сезишини исботлаб турибди. Улар тўлик оиласидаги тенгкурларидан бу борада кескин ажралиб турибдилар (38% ва 51 %). Чунки паст кўрсаткични ифода этувчи ракамлар нотўлик оила болаларида анчагина кам (8,2%).

Учиичидан, кизлар хақида фикр юритиладиган бўлса, икки тоифа оила вакилларидан туб фарқлар бир карашда кўзга ташлан-маса-да, нисбатан олинганда тўлик оила қизлари ижтимоий кўллаб-куватловга кўпроқ муҳтож эканлиги кўринади. Масалан, бу тоифа 17,8% қизлари паст кўрсаткичдаги мотивацияни намоён қилган, уларнинг тенгкурлари эса бундай мотивация 29,1 % ҳолатларда ўзларига хослигини билдирганлар. Бу ҳолат нотўлик оила вакиласи бўлмиш қизларнинг онаси таъсирида кўпроқ мустакилликка интилиши ва уни намоён этишининг белгисидир, деб хулоса қилишга асос бўлади.

Тўртинчидан, ёлғиз оналик хусусияти, яъни унинг оиласидаги ягона тарбиячи ролини бажариши, мустакиллиги ва ўзини дадилроқ тутиши, биринчи наъбатда, киз болаларга ижобий таъсир


кўрсатади. Ўғил болага она кўпроқ ишонгани, унга суюнгани билан аслида ўғил бола ўзи кимгадир суюнишга кўпроқ эҳтиёж сезар экан. Бу ўғил боланинг отаси бўлишини киз болага нисбатан кўпроқ хоҳлашининг бир далили, деб баҳоланиши мумкин.

**Респондент ўсмири ва илк ўспирин қиз болалар (N=176) нинг қўллаб-қувватланишга нисбатан мотивацияси бўйича тақсимоти кўрсаткичлари**



3.1.1-расм

**Респондент ўсмири ва илк ўспирин ўғил болалар (N=99) нинг қўллаб-қувватланишга нисбатан мотивацияси бўйича тақсимоти кўрсаткичлари**



3.1.2-расм

Демак, хар кандай холатда ҳам ўғил бола қызларга нисбатан оиласда ота бўлишини айнан ўсмирлик ҳамда илк ўспиринлик даврида кўпроқ истайди. Ҷундай хохип, бизнингча, балогат ёшига ўтганда ўзгариши мумкин. Яъни кўллаб-кувватловга нисбатан мотивациянинг кучи амалда шахснинг ўзига нисбатан ишончи органи билан тўғри пропорционалдир.

Энди танловда қатнашган барча ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил ва киз болаларнинг хаётий қадриятларга нисбатан устаповкалари ва ижтимоий тасаввурлари ўрганилди. Бунда ҳам оиласнинг тўлик ёки нотўликдиги факти уларнинг когнитив тасаввурларига нечоғли ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилади.

## ТУРЛИ ТАСНИФДАГИ ОИЛАДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН ЎСМИРЛАР ҲАМДА ИЛК ЎСПИРИН ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТҮГРИСИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Шундай килиб, турли таснифдаги оиласда тарбияланыётган ўсмирлик ҳамда ilk ўспиринлик ёшидаги болаларнинг оиласи мухитини, уидаги шахслараро муносабатларнинг характеристи «она бола» муносабатлар тизимида ўрганиб чиқиши. Энди ушбу муносабатларнинг канчалик ёшлар ижтимоий тасаввурларида оиласга нисбатан қадриятлар тарзида шаклланғанлыгини ўрганиш натижалари таҳлил этилади.

Оила қадриятларига ўсмирлик ва ilk ўспиринлик ёшидаги болаларнинг муносабатини апиклаш учун улар көнгрек ижтимоий мухит доирасида ўрганилди ва бунинг учун М.Рокич томонидан таклиф этилган «Қадриятлар ориентацияси» методикасининг ўзбек тилига ўгиралган вариантидан фойдаланилди. Ушбу методика ўз ичига олган қадриятларга муносабат тестини танловда иштирок этган тўлик ва нотўлик оила фарзандларига тақдим этилди ва ҳар бир қадриятнинг улар учун канчалик кадрлилиги нуктаи назаридан баҳолаб бериш вазифаси кўйилди.

Маълумки, М.Рокич таклиф этган қадриятлар катори иккита гурухли бўлиб, уларниң биринчиси бевосита ифода этиладиган атамали сифатлар каторидан, иккинчиси – инструментал, яъни таянч иборалардан иборатдир. Талқиқотнинг ўзини ўтказиш мураккаб ва натижаларни таҳлил этиш ҳам жуда кўп вакт талаб кирадиган жарасн эканлигига қарамай, биз бу вазифани ўсмирлар ва ilk ўспиринлик ёшидаги болалар олдига шу тариқа кўйикки, улар иккала гурух қадриятларини ҳам ўзлари учун канчалик аҳамиятли эканлиги нуктаи назаридан баҳолаб бердилар. Чунки уларнинг ҳаётий қадриятларга нисбатан муносабатларини билишимиз керак ва бу уларнинг келажакка бўлган муносабатларида муайян маъно касб ётади.

Изланишининг максади ва тадқиқотнинг кенг камровли эканлигидан келиб чиқиб, биз методиканинг қадриятлар каторини олдик

ва муаллиф ишлагган кайта ишлов услубидан фойдаланмадик. Чунки бизни қизиқтирган асосий масала – бу таклиф этилган кадриятларнинг кайсалари танланган ижтимоий гурух вакиллари учун энг кадрли ва аҳамиятли эканлигини билишдир. Маълумотларни кайта ишлаш жараснида биз кўйидаги тамойилга амал қилдик: ўсмиirlар ва илк ўспириналар рейтининг тизимида белгилаб чиккан ҳар бир блокдаги 18 та кадриятдан дастлабки 10 позицияда энг кўп марта баҳолангандан кадрият-сифатлар ажратилиди. Аҳамиятли ўнликка кирган сифатлар энг эътиборли тарзда белгиланди ва уларнинг орасидан энг кадрлисини аниклаб. шу асосда ёшларнинг ижтимоий гасавурлари ўрганилди. Кўйидаги 3.2.1-жадвалда тўлиқ ва потўлиқ оила вакиласи бўлган кизларнинг кадриятлар А блоки бўйича берган маълумотлари келтирилди.

Олинган натижалар кайта ишланганда, юкорида белгиланган ўнтилик рейтинги каторига кирганларни мос равишда шу ўринда неча киши белгилаганига эътибор берилди ва шу ракамлар саналиб. умумий танловдагилар сонининг максимал сон бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ўта ракамга бўлдик. Масалан, «саломатлик» кадрияти 90 нафар тўлиқ оила вакиллари жавобида «1» раками билан энг кадрли кадрият сифатида биринчи ўринда баҳолангандан бўлса, неча киши шу тарзда баҳолаганини 90га, яъни назарий жихатдан қабул килинган сонга бўлдик.

Аникрок айтилса, ушбу танловда 71 нафар ўсмир ва илк ўспирин ёнидаги киз «саломатлик» кадрияти рўпарасига «1» ракамини кўйган бўлса, оддий коэффициент чиқариш формуласидан фойдаланиб, 71ни 90 га бўлиб, 100 га кўпайтириб 78,9 коэффициентига эга бўлдик. Шу тарика барча гурӯхларнинг маълумотлари кайта ишланиб, танланган ҳар бир гурӯх учун энг аҳамиятли бўлган ва келажагини шу кадриятлар билан гасавур килганиларнинг жавобларига эга бўлдик.

3.2. I-жадвал

Түлиқ ва потүлиқ оила вакиллари бўлган ўсмир ва илк ўспирин ёшли қизларнинг ҳаётий қадриятларни (А блок) баҳолашлари натижаси (N= 176)

Қадриятлар	Түлиқ оила қизлари (N= 90)	
	абс.	коэф.
1.Саломатлик	71	78,8
2.Жўшқин ҳаёт	53	58,9
3.Касбий омад	52	57,8
4.Мухаббат	40	44,4
5.Эркинлик	33	36,7
6.Бахти оиласидан ҳаёт	32	35,6
7.Жамиятда яхши ўринга эга бўлиш	31	34,4
8.Мустақиллик	25	27,8
9.Моддий таъминланганлик	23	25,6
10.Кеңг тафаккур	17	18,9

Қадриятлар	Нотүлиқ оила қизлари (N= 86)	
	абс.	коэф.
1. Саломатлик	80	93
2. Моддий таъминланганлик	72	83,7
3. Тажрибалилик	70	81,4
4. Жўшқин ҳаёт	50	58,1
5. Мустақиллик	49	57
6. Касбий омад	44	51,2
7.Оиласидан ҳаётдаги баҳт	43	50

8.Маънавий камолот	43	50
9.Яқинларнинг бахти	33	38,4
10.Кексалик ҳузур-халовати	20	23,3

Изоҳ: абсолют қиймат-бартча респондентлар жавобларининг натижалари.

Маълумотлардан кўринадики, иккала гурух кизлар учун ҳам келажакда аҳамиятли бўлган қадриятлардан бири «саломатлик»дир. Ушбу қадрият аксарият кизлар жавобида «1» балл билан белгиланган, айниқса, нотўлик оила вакилалари учун унинг қадри япада юкори – 93 коэффициентга эга. Колган қадриятлар борасида иккала гурух тасаввурларида муайян фарқ бор, албатта. Масалан, тўлик оила кизлари учун истиқболда жўшкин, сермазмун ҳаёт кечириш ёки касби борасида омадлироқ бўлиш қадрланса, нотўлик оиласдан чиқкан кизларга «жўшкин ҳаёт»дан кўра «моддий таъминланганлик» (83,7), «тажрибалилик» (81,4) аҳамиятилор. «Жўшкин ҳаёт» (58,1) коэффициент нуткази назаридан тўлик оила кизлари маълумотига жуда якин (уларда 58,9), лекин рейтинг маъносида 4-ўринда келмокда. Худди шундай дастлабки ўиталик каторида кайд этилган бошқа қадриятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иккала гурух учун ҳам юқоридаги иккита қадриятдан ташқари яна «касбий омад» (мос равишида тўлиқ ва нотўлик оила вакилаларида – 57,8 ва 51,2), «коилавий ҳаётдаги баҳт» (мос равишида – 35,6 ва 50,0), «мустакиллик» (мос равишида – 27,8 ва 57,0), «моддий таъминланганлик» (мос равишида – 25,6 ва 83,7) каби қадриятлар юкори рейтингларда кайд этилган. Лекин уларнинг гурух доирасидаги кайтарилишидаги фикрлар уйғунлиги нотўлик оила вакилалари бўлган кизлар фикридаги уйғунлиқдан, яқинликдан дарак беради. Масалан, «моддий таъминланганлик» қадриятининг ўзига эътибор берилса, иккинчи гурух вакилалари, яъни нотўлик оиласидаги кизларнинг аксарияти бу қадриятни 2-ўринга кўйиб, танлашда фикрлар бирлигини кўрсатган бўлса, 83,7 коэффициент олган тарзда. тўлик оила кизлари учун бу қадриятдан афзалроқлари мавжуд ва бу қадриятта муносабат билдиришда улар фикрида яқдиллик уччалик кўрипмайди, чунки бу гуруҳда ушибу қадриятнинг кайтарилиш коэффициенти 25,6 ни ташкил этади. Худди шундай «коилавий

хаётдаги бахт» кадриятти иккала гурухда ҳам эътиборли, лекин бу борадаги фикрлар яқдиллиги биринчи гурухда 35,6 коэффициентни берган бўлса, иккинчисида ҳар икки кизнинг бири бу кадриятни 7- каторда белгилаган бўлсада, фикрий бирликда улар тўлиқ оила вакилаларидан юқори коэффициентга эгалар – 50.

Кейинги босқичда биз бу иккала гурухнинг таянч, инструментал кадриятларга муносабатларини ўргандик, бунда ҳам юқоридаги тамоийилларга асосландик (3.2.2-жадвал).

### 3.2.2- жадвал

Тўлиқ ва нотўлиқ оила вакиллари бўлган ўсмири ва илк ўспирин ёшли қизларнинг хаётий кадриятларни (Б блок) баҳолапилари натижаси ( $N=176$ )

Кадриятлар	Тўлиқ оила қизлари ( $N=90$ )	
	абс.	коэф.
1. Билимлилик	27	30
2. Кучли ирода	25	27,8
3. Тартибилилик, интизом	20	22,2
4. Қувноқлик	20	22,2
5. Ўз фикрита эгалик	18	20
6. Дунёқарамп қенглиги	17	18,9
7. Сабрлилик	16	17,8
8. Иш унумдорлиги	15	16,7
9. Ахлоқийлик	13	14,4
10. Жавобгарлик, масъулиятлилик	10	11,1

Кадриятлар	Нотўлиқ оила қизлари ( $N=86$ )	
	абс.	коэф.
1. Ахлоқийлик	66	76,7
2. Сабрлилик	62	72,1

3. Ўз-ўзини назорат килиш	50	58,1
4. Одиллик	48	55,8
5. Дүпсікаш көнгілігі	40	46,5
6. Иш унумдорлиғи	34	39,5
7. Қувноқтік	31	36,05
8. Тартиб, иштізом	23	26,7
9. Билимлілік	23	26,7
10. Үз фикрига әғалик	10	11,6

Жадвалдаги натижалар күпроқ шахспинг ўзіда мужассам бұлишини истаган фазилат-кадриятларға алқадорлығи билан ахамиятлайдыр. Б-блок кадриятлари бүйіча әңг юкори рейтинг күрсатқичига әга бўлган сифатлар таҳлили. А-блокка нисбатан олганда, бу иккала гурӯҳ аъзолари фикрларида маълум маънода ўхшашик ва якинилкни намоён этди. Чунки юкори рейтинг билан ўнликка тушган кадриятларнинг 8 таси иккала гурӯҳ вакилаларида қайд этилган, факат ўринлари хар хил.

Масалан, «билимлілік» кадрияти тўлиқ оила вакилаларида биринчи ўринда (30,0) турғап бўлса, нотўлиқ оила вакилалари жавобида тўққизинчи ўринда, лекин 26,7 коэффициент билан турибди. «Ахлоқийлик» каби мухим қадрият бунинг акси – нотўлиқ оиласда биринчи ўринда, тўлиқ оиласда – тўққизинчи ўринда ва анча паст коэффициентда акс этган. Умуман олганда, нотўлиқ оила вакиласи бўлган кизларнинг ушбу блок натижаларини ўрганганимизда, улар фикрида умумийлик ва бирлик яна бир маротаба намоён бўлди. Чунки бир хил қадриятни бир хил ўринда баҳолаш күпроқ яна шу гурӯҳ вакилларига хос бўлмоқда. Уларнинг әңг кадрли кадрият сифатида «ахлоқийлик», «сабрлилік», «ўзиши ўзи назорат қилиш», «одиллик» кабиларни кадрлашлари күпроқ ахлоқий мезонларда уларда кучлирок намоён бўлиши, хар қалай улар шундай бўлишга интилишлари ва ёп-атрофидагилардан айнаш шунни кутишларини кўрсатади.

Тўлиқ оила вакилаларида эса күпроқ интеллектуал ва иродавий сифатларни кадрлаш тенденцияси намоён бўлдик, улар учун «билимлілік», «кучли ирода» (бу сифат иккинчи гурӯҳда ўнчалик

аҳаният касб этилаган), «тартиб, интизом», «кувноклию» кабилар күпроқ кадрли, лекин юкорида таъкидланганицек, негадир ушбу тоифа кизлари жавобларида фикрлар умумийлиги камдай, яъни коэффициентлар анча паст. Чунки «тартиб, интизом» кадриятига 25 нафар тўлик оила вакилалари муносабат билдириб, бу кадрият рейтинг қаторида иккинчи ўринда тургани билан, нотўлик оиласдан 23 изфар киз бу кадриятта ижобий муносабат билдирган, факат рейтинг нуктаи назаридан у саккизинчи ўринда кайд этилди. Бу, умуман олганда, тўлик оиласда тарбияланган кизлар билан нотўлик оиласда тарбияланган қизларнинг ижтимоий установкаларида муайян фарқлар борлигини исботлайди.

Бевосита фарқ килувчи сифатларга келсак, тўлик оила кизларида юкори рейтингда кайд этилган «кучли ирома» ва ҳар бир ишга, фаолиятга нисбатан «жавобгарлик, масъулият» кадриятлари иккинчи гурухда биринчи ўнликлар қаторидан ўрин олмаган, худди шундай нотўлик оила вакилаларида кайтарилган «ўзини ўзи назорат килиш» ва «одиллик» каби сифатлар биринчиларда йўқ. Бу ҳам ахлоқий кадриятлар ва уларнинг шакллананишида муайян шахсий позицияларда фарқ бўлиши, бунда ўсмири ва илк ўспирин ёшидаги кизларни бевосита ўраб турган ижтимоий мухит ва ундаги шахслараро муносабатларнинг таъсири мавжуддир, леган фикрни тасдиқлайди.

Ўсмир ва илк ўспирин ёщдаги ўғил болаларнинг кадриятларга муносабатлари, биринчидан, киз болаларнидан бироз фарқ килади, иккинчидан, ўзаро гурухий тафовутга ҳам эга эканлиги куидиа келтирилган жадвалдаги ракамлар ва рейтинг тартибидан кўриниб турибди. Масалан, агар кизлар учун «саломатлик» кадрияти ниҳоятда кадрли бўлиб, уни улар биринчи қаторларда – «1» балл билан белгилаган бўлсалар, ўғил болалар учун кадрият сифатида у мавжуд, лекин тўлик оила вакилларида «2» ва нотўлик оила вакилларида «7» балл билан ифодаланди, коэффициентларда ҳам бироз тафовут мавжуд (*носратишида қизларда 78,9 ва 93, ўғил болаларда эса – 76 ва 53,7*). Колган кадриятларни баҳолашда эса гендер тафовут бор, десак ҳам бўлади.

3.2.3-жадвал

Тўлиқ ва нотўлик оила вакиллари бўлган ўсмир ва илк ўспирин ёшли ўғил болаларнинг ҳаётий қадриятларни (А блок) баҳолашлари натижаси ( $N=99$ )

Қадриятлар	Тўлиқ оила ўғил болалари ( $N=50$ )	
	абс.	коэф.
1.Бахтли оиласий ҳаёт	39	78
2.Саломатлик	38	76
3.Эркинлик	34	68
4.Касбий фаолллик	28	56
5.Яқинларнинг баҳти	25	50
6.Муҳаббат (севги)	24	48
7.Ҳакиқий дўстга эга бўлиш	24	48
8.Жўшкин ҳаёт	20	40
9.Мустақиллик	17	34
10.Ўзига нисбатан ишонч	16	32

Қадриятлар	Нотўлик оила ўғил болалари ( $N=49$ )	
	абс.	коэф.
1.Иктисадий фаровонлик	41	83,7
2.Эркинлик	40	81,6
3.Ўзига нисбатан ишонч	33	67,35
4.Бахтли оиласий ҳаёт	32	65,3
5.Жамоада ўз ўрнинга эгалик	30	61,2
6.Мустақиллик	27	55,1
7.Саломатлик	26	53,1
8.Тажрибалилик	22	44,9

9. Яқинларнинг баҳти	21	42,9
10. Маънавий камолот	18	36,7

Жадвалдан кўришадики, тўлиқ оила вакиллари бўлган ўғил болалар учун «баҳтли оиласиб ҳаёт» (78) энг кадрли бўлса, нотулик оиласида тарбияланган ўғил болалар учун биринчи навбатда «иктисодий фаровонлик» (83,7), баҳтли яшаш эса тўртинчи ўринда, лекин коэффициенти барибир юкори (65,3). Иккала гурух вакиллари бўлган ўғил болалар учун бундан ташқари «саломатлик» (мос равишда 76 ва 53,1), «эркинлик» (мос равишда 68 ва 81,6), «яқинларнинг баҳти» (50 ва 42,9), «мустакиллик» (34 ва 55,1), «ўзига нисбатан ишонч» (32 ва 67,35) каби кадриятлар деярли бир хил кадрли, шу маънодаки, улар дастлабки ўнликлар рейтингида ифодаланган, лекин коэффициентларда анчагина фарқ мавжуд. Масалан, нотулик оила вакили бўлган ўғил болалар баҳолари алоҳида таҳлил килинса, улар учун келажакда ҳакиқий эркак сифатида дадил оекқа туриб, ўз оиласини ўзи бошқаришга нисбатан ижобий муносабат акс этади. Чунки улар учун «иктисодий фаровонлик», «эркинлик», «ўзига нисбатан ишонч» тушунчаси ниҳоятда кадрли ва бунда айнан шу гурух вакиллари бўлган ўғил болалар фикридаги яқдиллик ҳам кўриннади. Танловдагиларнинг салкам ярми юкори коэффициентларда бу кадриятларга муносабат билдирганлар. Бундан ташқари, улар учун жамиятда муносиб ўрин эгалиши, мустакил равишда фаолият кўрсатиш, тажриба орттириш, яқинларнинг баҳтини кўриб, маънавий камолотга эришиш кабилар ҳам муҳим хисобланади.

Демак, онаси билан бирга яшаш, унга ҳамдардлик каби сифатлар бу тоифа ўғил болаларда эмпатия, мустакиллик, ўзигагина кўпроқ ишониб яшаш психологиясини шакллантиришига туртки бўлган, деган хulosани беради. Мазмунан тўлиқ оила вакиллари бўлган ўғил болаларнинг установкаларида бироз фарқ борлиги ракамлардан кўринниб турибди, бундан ташқари, кизлар каби бу тоифада нисбатан фикрлар яқдиллиги кўринмайди. Чунки ҳам ота, ҳам она бағрида бўлиш улар учун баҳтли оила қуриш борасида ижобий установка шакллантиради, лекин улар иккинчи гуруҳдан фарқли «қасбий фаоллик» (56), «севти, муҳаббат»га эга бўлип (48),

«хакиқиң дүстгә әга бўлиши» (48), «жўшкни хаёт» кечириш (40) кабиларни хам кадрлайди.

Нотўлик оиласидаги ўғил болалар учун эса юкорида таъкидланганлардан ташқари «ўзига нисбатан ишонч» (67.35), «жамоада ўз ўрнинг эгалик» (61.2), «мустакиллик» (55.1), «тажрибалилик» (44.9) каби кадриятларга муносабат хам ижобий. Демак, онага нисбатан эмпатия, хамдардлик уларнинг кўпроқ иродавий сифатларининг ўсипнинг, ўз кучига ишониб яшаш керак эканлиги фикринга олиб келини маълумотлардан кўриниб турибди. Энг муҳими, нотўлик оиласида тарбияланган ўғил болаларда хам, киз болаларда хам маънавий камолотга интилиши каби муҳим кадриятларга муносабат мавжудлиги ҳақиқат бўлиб ракамларда ифодаланган. Бу, тўлик оила вакиллари уни умуман кадрламайди, деган холосани келтириб чиқармайди (охиргиларида бу кадрият мос равишда қизлар ва ўғил болаларда 13 ва 16 ўринларда кайд этилган).

Иккала гурух ўғил болалари учун умумий нарса – улар кексалик ҳакида кам ўйлади, табиат гўзаллиги ва санъатга ишқибозлик хам кам намоён бўлган, биз учун хавотирли жихат – бу уларнинг ижодни кадрламасликлари. Албагта, бу ҳолатлар уларнинг, аввало, ёш хусусиятлари билан боғлик, деб ўйлаймиз ва айнан ҳозир улар учун долзарб бўлган кадриятлардан кейинги охирги ўрипларда билдирилган муносабат, хали бу сифатларга интилиш уларда кела-жакда бўлмайди, деган фикрга олиб келмаслиги керак.

Эпли айни шу тоифа ўғил болаларнинг бевосита шахсий сифатларига алоқадор таянч сифатлар кадриятларга нисбатан билдириган муносабатлари таҳлилини кўриб чиқамиз. Бу сифатлар блокида хам қизлар ва ўғил болалар, колаверса, иккала тоифали оила вакилларин бўлган ўғил болалар фикрлашларида муайян умумийлик ва тафовутлар борлигини кўришимиз мумкин (3.2.4-жадвал ).

Тўлик оиласида тарбияланган ўғил болаларнинг кадриятлар рейтингидан юкори ўрин олган сифат – бу «тартиб, интизомлилик» бўлиб чиқди (76). Бу сифат нотўлик оиласидаги ўғил болалар жавобларида хам юкори рейтингларда кўп кайд этилган, лекин ўрини – олтинчи ва коэффициенти 57,1 чунки охирилар учун энг ахамиятли сифат – бу «кучли иродада» (81.6). Демак, бу блок жавобларида хам нотўлик оила вакиллари бўлган ўғил болалар учун иродавий

сифатлар катори мұхымдир, чуники кейинги иккінчи үринде «сабрлилік» (77.6) ни қадрлаш кеткіти. Ушбу сифат нотұлғы оила кизларын үшін ахамиятлы эканлигін оддий тасолиғ бўлмаса керак. Бу ёлгиз она таъсири, унинг хаётдаги сабр-бардошига нисбатан боланинг муносабати бўлиши ҳам мумкин. Ёки гурмуш ўртоғи билан яшамайдиган она фарзандларида кўпроқ токат ва сабрни тарбиялаши табиий эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

### 3.2.4-жадвал

**Тўлик ва нотұлғы оила вакиллари бўлган ўсмир ва илк ўспиринг ёшли ўғил болаларининг хаётний қадриятларин (Б блок) баҳолашлари натижаси(N=99)**

Қадриятлар	Тўлик оила ўғил болалари (N= 50)	
	абс.	коэф
1. Тартиблилік, интизом	38	76
2. Ўзига ва ўзгаларга танқидийлик	35	70
3. Ўз фикрига әгалик	32	64
4. Одиллик	30	60
5. Виждонлилік	27	54
6. Билимлилік	26	52
7. Кучли ирода	24	48
8. Иш унумдорлиги	24	48
9. Ахлоқийлик	20	40
10. Кувноклик	19	38

Қадриятлар	Нотұлғы оила ўғил болалари (N= 49)	
	абс.	коэф.
1.Кучли ирода	40	81.6
2.Сабрлилік	38	77.6

3. Дунёкараш көнтүлиги	33	67.35
4. Одилиллик	32	65.3
5. Зийраклык	30	61.2
6. Тартиб, интизом	28	57.1
7. Виждонлilik	27	55.1
8. Ахлоқийлик	21	42.9
9. Үз-үзини назорат килиш	18	36.7
10. Құниоқлык	15	30.6

Умуман, нотұлік ойладаги үғил болалар учун сабрлилік, зийрак бўлишилик, ўзини ўзи назорат килиб яшаш лозимлиги тұғрисидаги баҳолари ижобий бўлиб, айни шу сифатлар тұлік ойладаги үғил болалар жавобларида кейинги ўнлик сифатлари каторига тушган. Таңын сифатлар блокида ҳам тұлік оила вакиллари интеллектуал ва қасбий қадриятларга ижобий карашлари мавжуд эканлигини намоён этганлар. Чунки улар учун жамоатчылык орасыда қадрланадиган сифатлар, масалан, «ўзига ва ўзгаларга нисбатан танқидийлик (70)», шу билан бир каторда «ўз фикрига эгалик» (64), «билимлилік» (52), «ниш унумлорлiği» (48) кабилар зарурки, бу сифатлар иккинчи тоифа үғил болалар жавобларида паст балларда кайд этилди.

Кейинги боскичда биз тұлік ҳамда нотұлік оила мухитида тарбияланган ўсмирлік ва илк ўспириллік ёшидаги үғил ва қизларнинг ҳаёттій қадриятларга нисбатан муносабатларидаги ўзаро боғлиқликни математик статистиканинг киёслаш методлари воси-тасида текшірдік (математикалық тұлиғица иловада көлтирилген). Мисол тарикасида қизлар жавобларидағы боғлиқликни текширамиз.

### 3.2.5-жадвал

**Тұлік (P1) ва нотұлік (P2) оила вакиллари бўлган ўсмир ва илк ўспирин ёшли қизларнинг ҳаёттій қадриятларга муносабатини (A блок) Пирсоннинг X – квадрат усулида таққослашып натижалари**

№	Қадриятлар	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>	P <sub>1</sub> -P <sub>2</sub> =d	d <sup>2</sup>	d <sup>2</sup> /P <sub>1</sub>
1	Саломатлык	71	80	-9	81	1,01

2	Жүшкін ҳаёт	53	50	3	9	0,18
3	Касбий омад	52	44	8	64	1,45
4	Мұхаббат	40	18	22	484	26,88
5	Эркинлик	33	10	23	529	52,9
6	Бахтли оиласвій ҳаёт	32	43	-11	121	2,81
7	Жамиятда яхши ўринга эга бўлиш	31	10	21	441	44,1
8	Мустакиллик	25	49	-24	576	11,75
9	Моддий таъмин-ланганик	25	72	-47	2209	30,68
10	Кеңг тафаккур	17	20	-3	9	0,45
11	Табиат, салъат гўзаллиги	10	10	0	0	0
12	Маънавий камолот	10	43	-33	1089	25,32
13	Яқинларининг бахти	10	33	23	529	16,03
14	Ижод	17	17	0	0	0
15	Иқтисодий фаровонлик	15	15	0	0	0
16	Кексалик хузур-ҳаловати	9	20	-11	121	6,05
17	Тажрибалик	7	70	-63	3969	56,7
18	Ўзига нисбатан ишонч	12	12	0	0	0
		469	616			276,31

Натижалардан маълум бўладики,  $k = (4-1) * (2-1) = 3$ ;  $x^2_{fakt} = 271,51$ ;  $x^2_{st} = 16,27$  бўлганда. фарқ  $d = 469 - 616 = 147$  га тенг бўлиб, бу ушбу икки гурухнинг ҳаётий кадриятларни баҳолашларидаги фарқи  $P > 0,001$  га тенг бўлган шароитда ишончлидир. Б блок бўйича жавоблариги математик солиштириши (3.2.6.-жадвал) жавоблари ўртасидаги фарқ  $P > 0,001$  бўлганда етарли даражада ишончли эканлигидан далолат бермоқда.

3.2.6-жадвал

Түлиқ ва потулик оила вакиіллари бўлиган ўсмир ва илк ўспирин ёшлини киз болаларнинг хаётий қадриятларни (Б блок) баҳолашларини Пирсоннинг X – квадрат ўсулида тақкослаш шатижаларни

№	Қалриятлар	Түлиқ оила $P_1$	Нотулик оила $P_2$	$P_1 - P_2 = d$	$d^2$	$d^2 / P_2$
1	Билимлилик	27	23	4	16	0,69
2	Кучли ирода	25	10	15	225	22,5
3	Тартиблилик	20	23	-3	9	0,39
4	Кувноқлик	20	31	-11	121	3,90
5	Ўз фикрига эгалик	18	10	8	64	6,4
6	Дунсқарашиб көнтлиги	17	34	-17	289	8,5
7	Сабрлилик	16	62	-46	2116	34,12
8	Иш унумдорлиги	15	34	-19	361	10,6
9	Ахлоқийлик	13	66	-53	2809	42,56
10	Жавобгарлик, мастьулият	10	8	2	4	0,50
11	Вижданлилик	8	9	-1	1	0,11
12	Хаётий эҳтиёж	6	7	-1	1	0,14
13	Ўзига ва ўзгалар харакатига нисбатан танкидий ёндашув	6	5	1	1	0,20
14	Ўз-ўзини назорат килиш	5	50	-45	2025	40,5
15	Одиллик	4	48	-44	1936	40,3
16	Синчковлик	3	8	-5	25	3,12
17	Зийраклик	3	4	-2	4	1,0

Айнан шу тарика иккала топфа гурух ўғил болаларнинг жавоблари математик статистиканинг ишончли воситаларида текширилганда, уларнинг фикрларида муайян даражада фарқ ва, шу билан бирга ўхшашликлар борлиги исботланди (*маълумотлар иловаларда келтирилди*).

Шундай килиб, хаётий қадриятларнинг шаклланишида оила мухити ва унинг тўлиқлиги роль ўйнаши масаласида статистик ракамлар 3.2. бўлимдаги фикрларни тўла тасдиклади, деб айтольмаймиз. Чунки айрим қадриятлар уйғунлигига аниқланган боғликлар етарли даражада ишончли ва асосланган бўлса, айримларида бундай алоқа унчалик ахамиятли эмас экан. Демак, оиласининг нотўлиқлиги факти фарзанд тарбиясида фактат салбий асоратлар колдириши мумкин, деган стереотип ўз исботини топмади.

Факат айрим ижтимоий тасаввурлар мазмунида, жумладан, сшларниң қадриятларга нисбатан муносабати, уларнинг реал хаётда оила мухити ва бошка ижтимоий мухит омиллари таъсирида идрок килиши натижаларини ўрганиш нотўлик оиласида тарбияланётган болаларнинг психологиясида муайян фарқ ва тафовутлар борлигини исботлади. Яъни иккала шароитда ҳам ўсмиirlар ва илк ўспириналар ўзлари учун ижобий установкаларга эга бўлиши мумкин. Уларнинг жамиятдаги ижтимоий хулки кандай бўлишидан катъи назар, айнан шу даврда уларда соғлом тафаккур ва дунёкаратини шакллантириш учун оила ва жамият рсал мухит эканлиги психология ва педагогикада маълум. Энди олинигай ушбу маълумотларни бошка эмпирик маълумотлар билан солишиборамиз.

**ТҮЛИҚ ВА НОТҮЛИҚ ОИЛАДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН  
ЎСМИРЛАР ҲАМДА ИЛК ЎСИРИШ ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛ ВА КЕЛАЖАК ҲЛЁТ ТҮГРИСИДАГИ  
ТАСАВВУРЛАРИНИ ҮРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ**

Маълумки, шахс кундалик хаётда у ёки бу ижтимоий хулқ на муналарини ўз хатти-ҳаракатида намоён қилас экан, у ўз борлиги, хозири ва эртасини муайян мўлжаллар доирасида тасаввур қилади. Ҳаётий мўлжаллар унинг айни пайтда амалга ошираётган ишларига маълум маънода боғлик бўлади ва айни пайтда кслгуси ишлари учун ҳам тамал тоши ролини ўйнайди. Түлиқ ва нотүлиқ оила фарзандларининг истиқбол түгрисидаги ижтимоий тасаввурларини үрганиш учун улардан «Ўн йилдан кейинги хаётим...» мавзусида эркин иншо ёзиб беришларини сўрадик ва иншо матнини контент-тахлил килдик.

Тадқикотнинг ушбу боскичида иштирок этган барча танлов катнашчиларининг ёзган иншоларини таҳлил килишнинг иложи бўлмади, чунки материалларнинг бир кисмини ташлашга мажбур бўлдик. Олдиларига кўйилган вазифани тўла ва нисбатан мазмунан бой қилиб ёзиб берган ўсмирлик ва илк ўсирипплик ёпиндаги йигит ва кизларнинг иншолари матнидаги кўп марта кайтарилган жумлалар, сўзлар ва таянч иборалар контент-тахлил талабларига кўра сараланиб, ажратиб олинди ва умумлаштирилиб, хulosалар чикарилди.

Албатта, ўсмирлик ва илк ўсирипплик ёшидаги болаларнинг олдига кўйилган вазифа осон эмас эди. Чунки улар айни пайтдаги ҳолатида туриб, бундан 10 йил кейинги ҳолатини тасаввур килиши ва уни коғозга тушириб бериши лозим эди. Шунга қарамай, ўсмирлик ва илк ўсирипплик максимализми ва айни шу даврининг катталика, улғайишга йўналганлигини инобатга олган ҳолда ёшлар билан ишладик. Натижаларни юзаки, хулкни визуал кузатишдан шу нарса аёп бўлди: биринчидаи, кизлар йигитларга нисбатан ўз келажаклари ҳакида батафсилроқ ва мазмунлироқ фикрларни баен этишга кодир эканликларини кўрсатдилар; иккинчидан, ўғил бола-лар кизлардан фарқли ўларок, кўпроқ ўзларида прагматик руҳ борлигини, бу уларнинг келажак түгрисидаги тасаввурларида

кўпроқ моддиётга эътиборли эканликларини исботлади; учинчидан, тўлик оиласда тарбияланаётган ўсмирлар ва илк ўспириинлик ёшидаги болалар билан нотўлик оиласда тарбияланаётган болаларнинг психологиясида фарқ борлиги ва бу фарқда хам гендер ўзига хосликлар мавжудлиги ўз исботини топди.

Шундай килиб, иншо матнларини саралаш якунига кўра, контент-тахлил қилинган матнларнинг жами сони 195 тани ташкил килди. Уларнинг таксимоти кўйидаги 3.3.1- жадвалда келтирилди.

### 3.3.1-жадвал

**Иншо матнлари контент-тахлил қилинган ўсмирлик ва илк ўспириинлик ёшидаги респондентлар таксимоти**

	Тўлик оила	Нотўлик оила	Жами
Қиз болалар	60	48	108
Ўғил болалар	42	45	87
Жами	102	93	195

Сифатсиз деб олиб ташланган, кайта ишланиши мумкин деб топилган иншоларнинг миқдорига эътибор бериш оркали хам респондентларнинг ўзига хос айrim хусусиятлари тўгрисида хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, тўлик оила вакиллари бўлмиш ўсмир ва илк ўспириин ёшидаги болаларнинг ишга, топширикка муносабати нотўлик оила вакиллариникига нисбатан ижобийрок, чунки уларнинг кўпчилиги иншони тўла тушуниб ва масъулият билан ёзганилар; қизлар орасида ишга масъулиятсизлик билан ёндашганлар ва матнни бузганлар йигитлардан кўпроқни ташкил этди (жами 68 қизнинг иншоси қайтарилган). Айникса, нотўлик оила қизларида салкам ярми ўзларини шундай тутганларки, 40 нафар қизнинг иншосини кайта ишлаб бўлмади; учинчидан, бу ҳолат қизларда истикболга ишонч ва уни кутиш психологияси ўғил болаларнидан салбийрок ҳолатда эканлигини исботлади. Энди матнларнинг сифат кўрсаткичларига эътибор каратамиз.

Шуниси характерлики, контент-тахлилда барча жихатлар албатта инобаттга олинади, масалан, матннинг ёзилиш сифати, унинг хажми, фикрлар тинклиги, мисралар ва абзацлар сони ва ҳоказо.

Таҳлилда ана шу жиҳатлар инобатга олинди ва ўсмир ҳамда илк ўспирин ёшли болаларнинг ҳар бир инцидентни визуал ташқаридан ўрганиш билан бир каторда (биз ҳар бир респондентга бир варақ оқ қоғоз берид, шунга ўз фикрларини баён этишиларини сўраган эдик, шунинг учун неча бетдан ёзганлигига кўра, иншодаги абзацлар ва сўнгра таянч фикрлар ҳам таҳлил қилинди) унинг мазмунидан аввал сатрлар ва абзацларини хисоблаб чиқилди. Кўйида ана шу дастлабки контент-таҳлил натижалари келтирилади.

### 3.3.2-жадвал

**«Ўи йилдан кейинги ҳаётим» мавзусида ёзилган эркин инсоннинг ташки тавсифларини ўрганиш натижалари**

Таҳлил мезони	Тўлиқ оила (N= 102) абс / ўртacha	Нотўлиқ оила (N= 93) абс / ўртacha	Жами (N= 195)		
	Кизлар (N= 60)	Йигит-лар (N= 42)	Кизлар (N= 48)	Йигит-лар (N= 45)	
Сатрлар сони	31,7	29,4	28,2	14,4	26,0
Абзацлар сони	298/4,9	178/4,2	225/4,7	142/3,2	4,25

Матнларнинг ташки сифат тавсифларини миқдоран таҳлил килиш ҳам айрим муроҳазаларни келтириб чиқарди:

сўзга бойлик, ўз фикрини муҳтасар баён эта олиш қобилияти барча гурухларда деярли яхши, факат нотўлиқ оила вакиллари бўлган ўғил болаларга фикрини лўйндарок баён этиш хос;

абзацлар таҳлили қизлар фикрининг тўлароқ ва бойроқ эканлигини кўрсатди, чунки уларда абзацларнинг ўртacha миқдори умумий танловдагиларнидан юкориropic (4,9 ва 4,7). Бу холат қизларнинг ижтимоий тасаввурлари кенгрок эканлигидан дарак беради.

Энди бевосита матнларнинг сифатий таҳлилига ўтамиш. Чунки шу йўл билангина ўсмирлар ва илк ўспириларнинг келажак ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари ҳакида холоса чиқариш

мүмкін. Эксперимент шартыга күра, ўсмирлар вә илк ўспириналарга ўн йилдан кейинги келажатини, жамият вә ойладаги мавзесини қандай тасаввур килиши топшириғи берилди вә уларга бу вазифаны адо этиш учун роппа-роса бир соат вакт вә бир варак оқ көз бердик. Нәтижаларни хар бир сифатлы ёзилған иншолар мисолида контент-тахлил коидасига риоя қылған холда кайта ишләдик. Бунда сифат жиҳатидан ёзилған матндардың таянч сүзлар, иборалар вә кайтарилаверған сүзлар маълум жадвалда микрор жиҳатидан санаб чиқылди вә маҳсус формула ёрдамида кайтарилиш коэффициенти хисобланди:

$$Ч_{(абс)} = K(A)/K(ум) \times 100\%.$$

Бұу ерда:

Ч<sub>(абс)</sub> – гушунчанинг (сифат категориястине) нисбий кайтарилиш қиймати;

K(A) – конкрет түшүнчаппинг пеше марта кайтарилғанлығы қиймати;

K(ум) – ўша түпламда кайд этилған жами категориялар сони.

Шундай қилем, хар бир матн тахлил килинади, масалан, «оила» деган түшүнча пеше марта кайтарилғанлығы аввал конкрет гурух (масалан, нотұлек ойладаги қыздар) нинг жами иншолари матннан санаб чиқылады, сүнгра, конкрет бир бола иншосида вә шу гурухга кируди (масалан, нотұлек ойладаги қыздар) шахслар ишида санаб чиқылғач, Ч (абс) нинг қиймати анықланади. Масалан, «оила» түшүнчеси мисолида бу холатни шундай ўргандық: нотұлек оша вакиласи бўлғаган Ш. исемли қызининг иншосида «оила» түшүнчеси 3 маротаба кайд этилған; жами шу иншода контент-тахлил категориялары сифатида ажратыб олинған түшүнчалар сони 10 та бўлса, бу қиздаги коэффициент 30,0 га тең бўлади. Агар шу гурух, яъни нотұлек ойладаги қыздар гурухида бу ишні умумлаштирасак, жами категориялар сони 600 та бўлса, «оила» түшүнчеси кайтарилиш микдори 155 маротаба бўлса, унда ушбу гурухда шу түшүнчанинг контент-тахлил коэффициенти 25,8ни ташкил этади. Шу тарика тапловнинг барчи катнашчилари иншолари түшүнчалар вә уларнинг гурухлари нисбати пүктан пазаридан тахлил килинди вә гурухлараро умумлаштирилди.

Тахлил жараёнда ахамиятлирок категорияларни ажратиб олишга қарор килдик. Бунинг учун кўп марта кайтарилғанлик

нүктай назаридан гушунчалар ёки жумлаларнинг рейтинг катори шакллантирилди.

### 3.3 .3-жадвал

Иншо матнларида кўп марта қайтарилиганинг контент-таҳлил категориялари сифатида ташлаб олинганларнинг рейтингни ва улариниң гурӯхлардагитаксимоти (жами иншолар сони 195 та)

Таҳлил қилинган категориялар	Жами категориялар	Шу жумладан			
		ТО (тўлик оила)		НТО (нотўлик оила)	
		киз n=60	ўғил n=42	киз n=48	ўғил n=45
1.Оила (оиласам)	195	60	42	48	45
2.Фарзандлар	184	60	32	48	44
3.Касб-хунар, касб устаси	154	55	31	23	45
4.Ота-она	150	50	22	40	38
5.Онам	101	40	4	42	15
6.Жамият аъзоси	98	9	28	21	40
7.Обрў, мавқе, мартаба	97	23	20	30	24
8.Дўстларим	95	13	28	15	39
9.Яқинларим	91	18	29	25	19
10.Раҳбар, лидер	82	22	20	23	17
11.Тадбиркор шахс	81	9	19	25	28
12.Узок ва мазмунли умр	77	24	19	18	16
13.Фаровон, тўкин ҳаёт	74	33	21	15	5
14.Саломатлик	72	15	17	25	15
15.Оила таяничи бўлиш	70	21	16	15	18
16.Зиёли инсон, педагог	53	30	2	18	3
17.Маънавиятли инсон	50	15	7	18	10

18.Шахсий уй, хусусий мулкдор	44	5	12	9	18
19.Ибратли, адолатли иппсон	42	5	9	11	17
20.Садокатли ёр (турмуш ўртотк)	32	10	5	7	10
Жами абсолют ракамлар	1842	517	383	476	4++

Иншо матнларида аҳамиятли бўлган ва кўп марта барча иншоларда қайтарилган категорияларнинг абсолют ракамларда берилишини таҳлил килиш шуни кўрсатдикн, танловда катнашган ёшлиарнинг барчаси учун «оила» – бу кадрият ва улар ўз истикболларини ушбу тушунча атрофидаги кадриятлар билан уйгун тарзда тасаввур этади. Масалан, дсярли барча ёзма ишлар «Ўн йилдан сўнг менинг ўз оиласи, фарзандларим бўлади...» деган жумлалар билан бошлиған. Бу ўсмирлар ва илк ўспириналарнинг хаётий установкаларида оила омилиниң ҳам ролини, ҳам аҳамиятини кўрсатади.

### 3.3.4-жадвал

Иншо матнларида кўп марта қайтарилган фикрларнинг контент-таҳлил коэффициентлари (жами ишшолар сони 195 та)

Таҳлил қилинган категориялар	Жами категориялар	Шу жумладан			
		ТО (тулик оила)		НТО (потўлик оила)	
		киз n=60	үғил n=42	киз n=48	үғил n=45
1.Оила (оиласи)	10.6	11.4	11.0	10.1	11.1
2.Фарзандлар	9.98	11.4	8.4	10.1	10.8
3.Касб-хунар, касб устаси	8.4	10.4	8.1	4.8	11.1
4.Ота-она	8.1	9.5	5.7	8.4	9.36

5.Онам	5.5	7.6	1.04	8.8	3.7
6.Жамият аъзоси	5.3	1.7	7.3	4.4	9.85
7.Обрў. мавкс, мартаба	5.3	4.4	5.2	6.3	5.9
8.Дўстларим	5.15	2.5	7.3	3.15	9.6
9.Яқинларим	4.9	3.4	7.6	5.25	4.7
10.Раҳбар, лидер	4.45	4.2	5.2	4.8	4.2
11.Тадбиркор шахс	4.4	1.7	5.0	5.25	6.9
12.Узок ва мазмунли умр	4.2	4.6	5.0	3.8	3.9
13.Фаровон, тўкин хаёт	4.02	6.3	5.5	3.15	1.2
14.Саломатлик	3.9	2.8	4.4	5.25	3.7
15.Оила таянчи бўлиш	3.8	4.0	4.2	3.15	4.4
16.Зиёли инсон, педагог	2.9	5.7	0.5	3.8	0.7
17.Маънавиятли инсон	2.7	2.8	1.8	3.8	2.5
18.Шахсий уй, хусусий мулкдор	2.4	0.95	3.1	1.9	4.4
19.Ибратли, адолатли инсон	2.3	0.95	2.3	2.31	4.2
20.Садоқатли ёр (турмуш ўрток)	1.7	1.9	1.3	1.5	2.5
Жами абсолют рақамлар	1842 100.0	517 28.6	383 20.8	476 20.8	466 22.04

Дастлабки аҳамиятли «учликка» кирган кадриятлар орасида «оила» категориясидан кейинги ўринларда мос равинида «фарзаандлар» (184; 60; 32, 48, 44 марта) ва «қасб устаси» (154 жами ва мос равишда 55, 31, 31, 23, 45 марта) категориялари кайд этилди. Бу ўсмирлар ҳамда илк ўспириналар учун оиласдан сўнг истикбол тўғрисидаги ҳаёти улар эгаллаган қасб-хунарга боғлиқлигини англаш психологияси мавжудлигидан дарак беради. Чунки «ўқиб, яхши қасб эгаси бўламан», «ўзим танлаган қасбнинг устаси бўлишим керак», «ишлайман» каби жумла ва иборалар деярли барча ишшода кайд этилган. Бу ҳам анчагина ижобий устаси

новкалардан, чунки келажакни меңнатсыз, касбсиз тасаввур ки-лиш мүмкін эмаслигини ёшлар хозирданоқ яхши англайцилар. Бундай онглилик, албатта, тұлік оила вакилалари бўлмиш кизлар ва нотўлик оила ўғил болалари иншоларнда ниҳоятда аник ифодалантган, охирги гурухда бу омил абсолют барча ўғил болалар жавобларида анпк кайд этилган. Демак, ота ва онаси бор болаларга нисбатан отасиз ўсаётган болаларда келажакда яхши касб эгаси бўлган тарзда хаёт кечиришни тасаввур килиш якколроқ намоён бўлди.

Ўсмирлар хамда илк ўспириң ёшидаги болаларнинг ўз хаёти ва оиласини келажакда айни вакғда ота-онаси (*ёки фақат онаси*) билан тасаввур килиши ва шу орқали ўзинни ота-оналикка тайёрлаши қандай кечишига эътибор қаратилди. Иншолар матнида «ота-она» категориясига киравчى иборалар кўп учрайди. Лекин «ота» категорияси жуда кам учради, унга қарама-карши ўлароқ, «онам» тушунчаси билан сўз ва иборалар кўпроқ учради, айниқса, нотўлик оила вакилалари бўлган кизларда тұлік оила кизларига нисбатан (*мос равиша 8,8 ва 7,6*) хамда нотўлик оила ўғил болаларида хам тұлік оиласидаги она фигураси, тимсоли бола учун ахамиятли, шу боис у ўз фикрларида бу тушунчага бот-бот мурожаат килади: «онамни севаман», «онамга суюнч бўламан», «онамдай ёлғиз бўлмайман» каби онасининг ижтимоий мақомидан келиб чикиб, ўз истикболини тасаввур килип нотўлик оила вакиллари учун кўпроқ хос эканлиги маълум бўлди.

Тұлік ва нотўлик оила вакилларининг истикбоял тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларидаги ўзига хосликлар яна куйидагиларда намоён бўлди:

а) она ва унинг мавқеси, унга эътибор маъносида кизлар ўғил болаларга нисбатан бошқачароқ фикрлайдилар, айниқса, тұлік оила ўғил болалари учун «она» ёки «онамдай» каби кадриятлар ахамиятли эмас, бу тушунчанинг кайтарилиш мартаси бор-йўги 1,04 коэффициентга эга;

б) ўз истикболини тасаввур килиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаш ва шу орқали ўз «Мен»ини намоён этиш истаги йигитларда кизларга нисбатан аңчагина сезиларлидир. чунки бу тушунча

атрофидаги фикрлар түлік оила ўғил болаларида кизларга нисбатан деярли 4 марта, нотұлек онда ўғил болаларида 2 баробар орткы марта қайтарылған (мөс равишида қизларда 1,7 ва 4,4 ва іншіларда 7,3 ва 9,85 марта). Айникса, нотұлек онда тарбияланған ўғил болаларда келажакда жамият аъзоси сифатида ўзини күрсатиш истаги юқориілігі диккәтта сазовордир. Бу ҳам ёлғыз онда сұянч ва таянч бўлиш истаги, унинг арманларини рӯёбга чиқаришга моянилукнинг қучлилігі билан изохланса керак;

в) жамиятда муайят обрў, марғабага, мавқега зга бўлинш истаги нинг намоён бўлиши тўртала гурух вакилларыда деярли бир хил намоён бўлған, чунки бу ерда коэффициент мөс равишида 4,4, 5,2, 6,3 ва 5,9. Яъни эпиг юкори коэффициент нотұлек оила кизларыда, нисбатан пастроғи – тўлиқ оила кизларыда;

г) «дўйстлар», «яқинлар»га зга бўлиш истаги кўпроқ ўғил болаларнинг жавобларыда бор, улар ўз истиқболларини дўйстлар ва яқин кишиларисиз тасаввур кила олтмайдилар, айникса, бундай установка тўлиқ ва нотұлек оила ўғил болаларида (7,3 ва 9,6), кизларга нисбатан камрок (2,5 ва 3,15). Чунки кизлар учун «турмуши ўрток», «садоқатли ёр»га зга бўлиш истаги нисбатан кучлирек ифодаланған;

д) барча гурух вакиллари учун келажакда маълум раҳбарлик лавозимларини эгаллаш, лидер бўлиши хоҳишлари деярли бир хил ифодаланиш тенденциясига зга (4,2. 5,2, 4,8 ва 4,2). Танловда-гиларнинг хар учтасидан биттаси учун бундай мақом келажакда аҳамиятли роль ўйнайди;

е) кизларнинг истиқбол тўғрисидаги тасаввурларыда зиёли, ўқимишли (айримларыда аниқ «педагог», «устоз» бўлиш) инсон бўлиш истаги кўпроқ кайд этилганки, бу ҳам уларнинг аёллик табиатига, бир томондан мөс, иккинчи томондан мөс эмас. Чунки тўлиқ оиласидаги кизларнинг кўпчилигі ўзини ана шундай тасаввур килса, нотұлек оила кизлари нисбатан кам миқдорда (5,7 ва 3,8), ўғил болалар учун эса бу омил аҳамиятсиз:

ж) келажакни хусусий мулк эгаси, тадбиркор сифатида тасаввур қилиш хислати ҳам ёшларга хос, лекин бу борада ўғил болалар кизларга нисбатан анча фаол ва интилевчан, айникса, нотұлек оила фарзандлары бўлған ўғил болаларда тадбиркор шахс бўлиш, шахсий уйга зга бўлиш ва хусусий мулкдор бўлиш истаги аниқрек

иғодаланган (6,9 ва 4,4), кигетар бу борада ўзларини анча камтарона тасаввур киладилар;

3) келажакда оиласынг таянчи бўлиш, уни қўллаб-куватлашга ўзини сафарбар эта оладиган шахс сифатида тасаввур қилини кизларда ўғил болаларга нисбатан яхши баён этилган. Бу борада нотўлик оила кизлари нисбатан ўз кучларига ишонмайдилар (3,15), колганларники мос равишда 4,0, 4,2 ва 4,4. Бу хам ижобий психология, деб эътироф этилиши мумкин. Чунки катта танлов ичидаги ўсмир хамда илк ўспиринлик ёшида шу қадриятга эътибор бериб, уни ёзма равишда баён этиш ҳамманинг ҳам ёдига келавермайди;

и) ниҳоят, биз ёзма ишларда деярли кам учраган, тиниклик хусусиятини олмаган айрим қадриятларга эътибор карагдик. Бу – биринчидан, юкорида таъкидланганидек, «отам», «ибратли ота бўламан» каби категорияларнинг кам учраганидир. Бу балки оталик макомининг фарзандлар назаридан колаётганилиги, респондентларнинг салкам ярми нотўлик оила вакиллари бўлганликларидандир. Бундан ташкири, илигариги қадриятлар қаторида биринчи рейтингда баён этилган «саломатлик» қадрияти ёзма баёнида нисбатан кам аҳамиятли қадрият сифатида намоён бўлди, факат нотўлик оила кизлари учун бу тушунча аҳамиятлироқ (5,25). тўлиқ оила кизлари учун нисбатан аҳамиятсиз (2,8). Тадбиркорликка нисбатан мотивация хам кизларда, айниқса, тўлиқ оиласида тарбияланган кизларда кам намоён бўлган, лекин нотўлик оила кизлари учун бу қадрият анча аҳамиятли, ҳаттоқи, ўғил болалар установкасига яқиндир (5,25; ўғил болаларда мос равишда 5,0 ва 6,9).

Демак, нотўлик оиласидаги онанинг фаол ҳастий мавқеи, фарзандларини бекаму кўст бокишга нисбатан интилишлари унга ҳамдард бўлган фарзандларда тадбиркор ва уదдабуронрок бўлиш истагини уйғотар экан. Колаверса, бу тоифа фарзандлар давр талаби ва унда тадбиркорлар учун яратилган кулай шароитлардан анча боҳабардирлар.

Умуман, контент-гаҳлил килинган барча категориялар гурӯхларини тўлдирувчи категорияларнинг умумий қайд этилишига эътибор қаратилса (жадвал), шу нарса аён бўладики, фикрлашлар, истиқбол тўғрисидаги тасаввурларни коғозла баён этишда кизлар йигитлардан, тўлиқ оила кизлари (28,6) нотўлик оила кизлардан

ларидан (25,8), нотўлик оила ўғил болалари (22,04) тўлиқ оила ўғил болаларидан (20,8) анчагина фаол позицияни намоён этган. Албатта, бу холат, аввало, кизларнинг филологик лаёқатлари билан изохланса, иккинчидан, хаётда бироз бўлсада, ички руҳий стрессни бошидан кечирган инсоннинг кўпроқ прагматик, реалистик тафаккуридан далолат беради. Бу ўринда нотўлик оила ўғил болалари на-зарда тутилди.

Энди айни танланган ўсмир ва илк ўспириналар гурухнда истиқболга каратилган тасаввурларидағи ишончлилик математик статистика методлари ёрдамида асосланади. Бунда ҳам статистиканинг корреляцион ҳамда дисперсион таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Танланган объектилизда ўтказган эркин мавзудаги ишо матнини контент-таҳлил қилиш натижаларининг ишончлилик даражаси акс этган жадваллардан намуна келтирилди, колгандари иловада акс эттирилган.

Демак, контент-таҳлил натижалари асосида қўлга киритилган кўрсаткичларнинг тўлиқ оила кизлари ва нотўлик оила кизлари ишо матнларидағи кўп марта қайтарилиган фикрларининг рейтинги ва уларни гурухлар таксимотидаги фикрлари  $r = +0,77 \pm 0,14$   $t_{\text{test}} = 5,09 > t_c = 3,88$  дан катта бўлганлиги учун бу кўп марта қайтарилиган фикрлар ўртасида  $P > 0,001$  даражада ишончли боғликллик бор эканлиги тўғрисида хuloscha чиқаришга имкон берди. Яъни оиласининг тўлиқ ёки нотўлик бўлиши кизлардаги келажак тўғрисидаги тасаввурларнинг мутлак фарқли бўлиши учун етарли асос эмас.

### 3.3.5-жадвал

Тўлиқ ва нотўлиқ оиласида яшовчи кизларнинг ишо матнларида кўп марта қайтарилиган фикрларининг корреляцион таҳлили

Таҳлил қилинган категориялар	Тўлиқ оила киз болалари (x)	Нотўлик оила киз болалари (y)	$X^2$	$Y^2$	$XY$
1. Оила (оиласи)	60	48	3600	2304	2880

2. Фарзандлар	60	48	3600	2304	2880
3. Касб-хунар, касб устаси	55	23	3025	529	1265
4. Ота-она	50	40	2500	1600	2000
5. Онам	40	42	1600	1764	1680
6. Жамият аъзоси	9	21	81	441	189
7. Обрў, мавке, мар-табалик	23	30	529	900	690
8. Дўстларим	13	15	169	224	195
9. Яқинларим	18	25	324	625	450
10. Раҳбар, лидер	22	23	484	529	506
11. Тадбиркор шахс	9	25	84	625	225
12. Узок ва мазмунли умр	24	18	576	324	432
13. Фаровон ҳаёт, тўкин ҳаёт	33	15	1089	225	495
14. Саломатлик	15	25	225	625	375
15. Оила таяни бўлиш	21	15	441	225	315
16. Зиёли инсон, педагог	30	18	900	324	540
17. Маънавиятли инсон	15	18	225	324	270
18. Шахсий уй, ху-сусий мулкдор	5	9	25	81	45
19. Ибратли, адолатли инсон	5	11	25	121	55
20. Садоқатли ёр (турмуш ўртоқ)	10	7	100	49	70
$\Sigma$	517	476	19599	14143	15557
$X$					

Жадвални таҳдил қиласиган бўлсақ, биз танлаган тўлиқ оила-да тарбияланаётган қизларнинг жавобларида ракамларнинг дисперсияси куйндагича:

$$Dx = Sx^2 - Ex^2 : n = 19599 - (517)^2 : 20 = 19599 - 13364,4 = 6234,6$$

Нотўлиқ оила қиз бўлалари кўрсаткичларининг дисперсияси:

$$Dy = Sy^2 - Ey^2 : n = 14143 - (476)^2 : 20 = 14143 - 11328,8 = 2814,2$$

Иккласининг корреляция коэффициенти куйндагича:

$$r_{xy} = \frac{Ex * Ey}{\sqrt{Dx * Dy}} = \frac{620,5 - \frac{98,2 * 100,1}{20}}{\sqrt{224,3 * 122,8}} = \frac{620,5 - 491,4}{\sqrt{27544,0}} = \frac{129,1}{165,9} = 0,77$$

Корреляция коэффициентининг хатосини текширамиз :

$$S_r = \sqrt{\frac{1-n^2}{n-2}} = \sqrt{\frac{1-0,77^2}{20-2}} = \sqrt{\frac{1-0,59}{20-2}} = \sqrt{\frac{0,41}{18}} = \sqrt{0,022} = 0,14$$

Фактик корреляция коэффициенти :

$$t_{\text{fact}} = r^* \sqrt{\frac{n-2}{1-r^2}} = 0,77 \sqrt{\frac{20-2}{1-0,77}} = 0,77 \sqrt{\frac{18}{0,41}} = \sqrt{43,9} = 0,77 * 6,62 = 5,09$$

$t_{\text{fact}} = 5,09 > t_{\text{sl}} = 3,88$ . Демак, натижаларда, яъни истикбол тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларда ушбу гурухларда муайян яқинлик мавжуд.

Хулоса шуки, тўлиқ ва нотўлик оиласарда тарбияланётган киз болаларнинг ишо матнларида кўп марта кайтарилиган фикрлари контент – таҳлили корреляция қилингандаги истикболдаги ижтимоий тасаввурлари бир хил тарзда бўлиб олинган боғликлек ишончли хисобланади. Яъни кандай оиласада тарбияланисидан катъи назар, ўсмирилик ва илк ўспириенлик даврларида кизлар ва йигитларнинг истикбол тўғрисидаги тасаввурларида кескин фарқ бўлиши мумкин эмас. Бу уларни ўраб турган қенгрок ижтимоий мухит, унинг қадриятлари хамда ҳаётий режаларга боғлиқдир. Ўтказилган математик-статистик таҳлиллардан хулоса шуки, тўлиқ ва нотўлик оиласарда тарбияланётган ўғил болаларнинг ишо матнларида кўп марта қайтарилиган фикрларининг контент-таҳлили коэффициенти ўртасидаги корреляцион боғликлек  $P > 0,001$  га тенг, бу боғликлек тўғри пропорционал бўлиб, таҳлил қилинаётган категорияларга берилган жавобларни тўлиқ оиласада тарбияланётган ўғил болаларнинг ишо матнларида кўп марта қайтарилиган фикрларнинг контент – таҳлил коэффициентларида хам камайиб боришига олиб келади.

Юкорида иншолар матнини мазмунан таҳлил килиш прагматизм кизларга нисбатан ўғил болаларга, тўлик оила ўғил болаларига нисбатан нотўлик оила ўғил болаларига кўпроқ хос эканлигини таъкидлагани эдик. Дарҳакикат, жадваллардаги айрим-алоҳида раҳамаларга – коэффициентларга ёътибор берилса, бунга амин бўлишимиз мумкин. Масалан, жамиятда аниқ мақомга эришишга интилиш, обрў мартабага лойик бўлиш, дўстларга эга бўлиши, ҳатто-ки, уларнинг кўллаб-кувватлови билан раҳбар, лидерлик мавкеига ҳам эга бўлиш, тадбиркор, хусусий мулк эгаси, алоҳида уй-жойга эга бўлиб, узок ва мазмунли умр кечириш, ибратли ва адолатли шахс бўлиш истаги, юкорида таъкидланганидек, тўлик оила ўғил болаларида кизларга нисбатан, потўлик оиласида тарбияланган ўғил болаларда тўлик оила ўғиллари ва кизларига нисбатан яққолрок намоён бўлган. Бу нотўлик оиласидаги она мақоми ва унинг таъсири кучи оқибатида болада шаклланадиган ҳаётний мўлжаллар ва истиқбол режаларниң мазмунида акс этишини исботлайди.

Юкоридаги хуроса нотўлик оиласининг фарзанд тарбиясидаги мутлақ ижобий таъсири сифатида талқин этилмаслиги керак, чунки бошқа масалаларда, айниқса, боланинг маънавий-рухий оламидаги стресслар, депрессия ҳолатларининг салбий оқибатларини бундай оила типи чекламайди. Колаверса, кўпчилик болалар айни ҳолатида қўпроқ онани айблашига ҳам мойил бўладилар. Тўлик оиласидаги ота-оналар эса фарзандларida фаол ҳаётний мавқени шакллантиришнинг бошка таъсиридан ва самарали йўлларини излашлари ва оиласидаги маънавий муҳитнингижобийбўлишинийўнидабарчачораларни кўргантакдирдагина кизида ва ўғлида яхши ва ижобий тасаввурларни ривожлантириш оркали фаол, реалистик, прагматик ҳаётний мўлжалларни шакллантириши мумкинлигини унугмасликлари керак.

Ўзбекистон шароитида, тўлик ва нотўлик оила муҳитида, она шахси таъсирида ўсмирилик ва илк ўспирилилк ёшидаги ўғил болалар ва қизларнинг ҳаётний қадриятларга муносабатлари, ҳаётний мўлжаллари, истиқбол тўғрисидаги тасаввурларини эмирик жиҳатдан тадқик килиш натижасида кўйидаги хуросаларга келдик.

1. Тўлик оила типида гарбияланган ўсмирилик ва илк ўспирилилк ёшидаги ўғил болалар ва қизлар оғигидаги қадриятлар тизими, ижтимоий мўлжаллар, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари

нотўлик оила вакиллариникидан муайян даражада фарқ қиласди. Нотўлик оилада тарбияланган ўсмир ва илк ўспирир болалар тасаввурларига баркарор шаклланганлик хос эмас, балки айрим масалаларда (ҳадриятларга муносабатда) узук-юлук, нотартиб, реал образлардан йирок бўлиш ҳолатлари аниқланди.

2. Жамиятда аник макомга эришишга интилиш, обрў, мартабага лойик бўлиш, дўстларга эга бўлиш, ҳаттоқи, уларнинг кўллаб-куватлови билан раҳбар, лидерлик мавкеига ҳам эга бўлиш, тадбиркор, хусусий мулк эгаси, алоҳида уй-жойга эга бўлиб, узок ва мазмунли умр кечириш, ибратли ва адолатли шахс бўлиш истаги, юкорида таъкидланганидек, тўлик оила йигитларида қизларга нисбатан, нотўлик оилада тарбияланган ўғил болаларда тўлик оила ўғиллари ва қизларига нисбатан якколроқ намоён бўлган. Бу нотўлик оиладаги она макоми ва унинг таъсир кучи оқибатида болада шаклланадиган хаёттй мўлжаллар ва истиқбол режаларининг мазмунида акс этишини исботлайди.

3. Ҳар иккала шароитда ҳам ўсмирлар ва илк ўспиринлик ёшидаги болалар ўзлари учун ижобий установкаларга эга эканлиги ҳам маълум бўлди.

4. Энг мухими – нотўлик оилада тарбияланган ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам маънавий камолотта интилиш каби мухим ҳадриятларга муносабат маъжудлиги ҳақиқат бўлиб, ушбу ҳолат тадқиқотда кўлга киритилган эмпирик натижаларда ифодаланган.

5. Асосий ҳадриятлар бўйича тўлик ва нотўлик оилада тарбияланадиган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болаларнинг тасаввурларидаги муайян фарклар ва уларнинг ишончлилиги даражаси математик статистиканинг методлари орқали исботланди.

## ХУЛОСА

Тўлиқ ва нотўлиқ оиласарда тарбиялангаётган ўсмирилик ва илк ўспириилик ёшидаги ўғил болалар ва кизларнинг ҳаётий кадриятлар ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурларининг ижтимоий-психологик мөхиятини ўрганиш максадида ўтказилган тадқиқот глобаллашув ва ҳар бир шахснинг ҳаётий мавқеларида ўзгаришилар рўй берадиган, таълим олиш, малакали касб эгаси бўлишга интилиш эркак ва аёлларда деярли бир хил аҳамият касб этган бир шарондта ўзига хосликка эга эканлигини исботлади. Қолаверса, Ўзбекистонда ҳар бир оила давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш хукукига эта эканлиги оила таркибан тўлиқ ёки нотўлиқ бўлишидан катъи назар, давлат ва жамият муҳофазасида бўлиши, бу холат турли таснифлаги оиласада камол топадиган болалар психологиясида ўзига хос тарзда акс этишини кўрсатди.

Юртимизда оиласарнинг ижтимоий ҳимояси учун яратилган шароитларга қарамай, тўлиқ оиласада тарбиялангаётган болаларнинг психологияси, феъл-атвори нотўлиқ оиласада тарбиялангаётган болаларнидан маълум маънода фарқ қиласди. Айни шу фаркларнинг мавжудлигини аниқлаган холда жойларда психологияк хизмат шахобчаларини ташкил этиш, оила аъзоларининг психологик саводхонлигини ошириш, нотўлиқ оила фарзандларини ҳам тўлаконли тарбиялашининг усусларини махсус илмий тадқиқотлар доирасида ўрганиш ўта долзарбdir. Шу боис, ўсмирилик ва илк ўспириилик ёшидаги ўғил болалар ва кизларнинг ҳаётий кадриятлар ва истиқбол тўғрисидаги тасаввурларининг ижтимоий-психологик мөхияти эмпирик тарзда ўрганилди ва тадқиқот натижалари қуйидаги хуласаларга асос бўлди:

Биринчидан, тўлиқ оиласада тарбияланган ўсмирилик ва илк ўспириилик ёшидаги ўғил болалар ва кизлар онгидаги кадриятлар тизими, ижтимоий мўлжаллар, истиқбол тўғрисидаги тасаввурлари, жумладан, келгусидаги онлавий ҳаёт тўғрисидаги билим ва тасаввурлари нотўлиқ оиласада тарбиялангаётган фарзандларнидан муайян даражада фарқ қиласди. Бу фарқлар, аввало, оиласанинг ижтимоий-психологияк мухитига, унинг таркибан тузилишига, унлаги она макомига, унинг ижтимоий фаоллиигига боғлиқдир. Нотўлиқ

оиладаги шахслараро ўзаро муносабатларда ўзига хос психологик масофанинг борлиги, онанинг ўсмирлик ёцидаги фарзанди психологиясиний билишлик даражаси унда тарбияланыётган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар, кизлар оғидаги қадриятлар тизими, ижтимоий мўлжаллар, истикбол тўғрисидаги тасаввурларда акс этади, лекин ижтимоий тасаввурларда шаклланмаганлик ёки реал образлардан йирокликийни көлтириб чиқармайди.

Иккинчидан, тўлик ва нотўлик оилада тарбияланыётган ўғил болалар ва кизларнинг истикбол тўғрисидаги тасаввурлари образи гендер ўзига хосликка эга, чунки ўғил болаларникуга нисбатан кизлардаги истикболга йўналган образлар ижобийрок бўлиб, бу ҳолат уларнинг онаси билан доимий мулокотда бўлиши, унинг қадриятларини ўзлаштириш имкониятининг мавжудлигидан келиб чиқади. Бу, айниқса, оналари ўқимишли, ижтимоий жиҳатдан фаол, коммуникатив таъсир доираси сезиларли оиласада тарбияланыётган кизларда яққолроқ намоён бўлади.

Учинчидан, тўлик оилада тарбияланган ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар, кизларнинг қадриятлари тизими ва истикбол тўғрисидаги образларининг нотўлик оиладагиларникидан фарқли жиҳати яна шундаки, уларнинг ижтимоий тасаввурларида келажакдаги оиласини демократик, уюшган ва ҳамфирлилик устувор тарзда тасаввур килишга мойиллик мавжуд ва улар шу турдаги оиласани куришга интиладилар.

Тўртингчидан, барча турдаги нотўлик оиладан чиккан ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги ўғил болалар, кизларнинг ҳаётий қадриятларга муносабатлари, ҳаётий мўлжаллари, истикбол тўғрисидаги тасаввурларини салбий деб бўлмайди, чунки агар оилада бола тақлиди ва ўриаги учун асосий ижобий референт шахс ролини аёл-она ўйнаган тақдирда бу образ ижобий бўлиб, фарзанднинг ижтимоий тасаввурлари тизимида у анча стабил ва барқарор бўлади. Тадқикот тўлик ва нотўлик оилада тарбияланган ёшлар гурухи тасаввурларида ҳам келгусидаги оиласавий муносабатларни эр-хотин ва фарзандлар ўртасида якин хиссий-эмоционал муносабатлар барқарор, ҳар кандай шароитда оила аъзолари бир-бирларига суюниши ва кўмакдош бўлиши тарзида тасаввур килишига боғлик қадриятлардан иборат эканлигини тасдиқлади.

Бешинчидан, нотүлик оила вакиллари бўлган ёшларнинг истикбол тўғрисидаги тасаввурлари таркибида оила-никоҳ муносабатлари муайян маънода ўзгача мазмунда шаклланган бўлиб, бу установкалар онанинг ижтимоий макомига бевосита боғлиқдир. Бу ўринда тадқикот өрининг вафотидан кейин ёлғиз колган она тарбиялаган бола билан ажралип натижасида фарзанди билан ёлғиз колган онанинг психологик таъсири ўзига хослигини, ёлғиз она фарзандларининг мустакил хаётга ва оиласидан хаётга тайёрлиги даражаси онанинг шахслилик хусусиятларига боғлик эканлигини кўрсатди. Она шахс сифатида фарзанднинг ижтимоий ҳулки ва тасаввурлари олами учун референт ролини ўйнаган тақдирда, оиласидан хаётга тайёрлик даражаси оиласидан турига боғлик бўлмайди.

Олтинчидан, истикбол тўғрисидаги тасаввурларнинг ижобий шаклланишига болани ўраб турган бошка референт гурух қадриятлари ва установкалари бевосита таъсир этади, шунинг учун ҳам бу тоифа оила аъзоларига профилактик, психокоррекцион ва диагностик ёрдам ташкил этишда, албагта, референт гурухини аниклаш мақсадга мувофиқлар.

## АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Мамлакатимиз таълим тизимида «Оила-маҳалла-мактаб» Концепцияси доирасида амалиётта жорий этилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тадқикотдан келиб чиқадиган хulosалардан ўринли фойдаланиш учун қўнидатича амалий тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

А. Мактаб психологларига: ўсмирилик ва илк ўспириенлик ёшидаги ўкувчиларнинг гурух раҳбарлари билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар режасини тузиш жараёнида ҳар бир ўкувчининг қайси тасиифга тааллукли оила аъзоси эканлигини аниқлаш, тарбиясида муаммолар мавжуд бўлган ўкувчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаганда ҳар бир ўкувчининг референт гурухини ўрганиш ва бунда тадқикот хulosаларидан фойдаланиш;

– ўрта махсус таълим ҳамда қасб-хунар колледжлари психологияри, мактаб психологлари, гурӯҳ раҳбарлари билан ҳамкорликда «Ёш оила қурувчилар мактаблари» машғулотлари учун машғулотлар матни тайёргатганда тадқиқотнинг тегишли маълумотларидан фойдаланиш.

Б. Маҳалла фуқаролар йигини қошидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларга: нотинч ва нокобил оила билан ишлаш жараённида уларнинг оила таркибига эътибор берган ҳолда нотўлиқ оиласда тарбияланадиган илк ўспиринлик ёшидаги боланинг онаси билан ўтказиладиган индивидуал сұхбатлар ва таъсирчан мулоқотлар пайтида унинг ягона референт сифатида фаол ҳаётий позициясини шакллантиришга каратилган ишларни оқилона ташкил этиш;

В. Маҳаллаларда жамоатчилик асосида ташкил этилаётган “Ота-оналар университетлари”нинг мутасаддиларирига: маҳаллада тузиладиган оила паспортлари асосида тўлиқ ва нотўлиқ оиласдаги маънавий-психологик мухитнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари мазмунини таҳrir қилиш;

Шунингдек, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги фарзандлари бор бўлган ота-оналар, ёш оила мактаблари тингловчилари учун «Оила кутубхонаси», «Ёш оиласага» рукнида ёзиладиган оммабоп рисола ва қўлланмалар ёзишда тадқиқотнинг айрим натижалари ва хulosаларини киритиш мумкинлиги тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгартиши ва қўшишчалар билан). Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: XII чакирик, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 216.
3. 1998 йил - Оила йили - 1998 год - год Семьи - Т.: Ўзбекистон, 1998.-128 б.
4. Республика «Оила» илмий-амалий Марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 - февралдаги 54 - сон карори.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008–176 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимиизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов.-Т.: Ўзбекистон, 2010.- 56 б.
7. Каримов И.А. Оила фарофонлиги – миллат фарофонлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш Йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзи, 1997 йил 5 декабрь.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – 48 б.
9. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар. Т.: Фан, 1987.
10. Абу Бакр ар-Рази. Духовная медицина. Душанбе.: Ирфон, 1992.
11. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Т.: Ўқитувчи, 1992 – 160 б.
12. Антонов. А.И. Изучения репродуктивных установок как одной из важнейших задач социально-психологического исследования семьи. В кн.: Динамика изменения положения женщины в семье. – Москва. 1972. С.13-24.

13. Алёшина Ю.Е., Гозман Л.Я. Комплексный подход к проблеме удовлетворенности браком. (*Социально-демографические исследования брака, семьи, рождаемости и репродуктивного поведения*. - Ереван. 1983. С. 43-44).
14. Абдусатторова О.А. Оила мухитиди ўсмириларда шаклланадиган идентификациянинг гендер хусусиятлари // Психол.ф.н. илмий даражада олиш учун ёзилган дисс. автореф.-Т., УзМУ 2007. – 22 б.
15. Буянов М.И. Ребенок из неблагополучной семьи: Записки детского психиатра: Книга для учителей и родителей. – Москва: Просвещение, 1988. -207 с.
16. Tredy S. Patterns A mothering. N.Y., 1956.
17. Вафокулова У.Б. Медико-социальная характеристика многодетных семей сельской местности Республики Узбекистан. Автореф. дисс.канд.мед.наук. – Т.: 2001 – 19 с.
18. Голод С.И. Стабильность семьи: социологические и демографические аспекты/Под ред.. Г.М.Романенковой. – Л., 1984.-136
19. Дружинин В.Н. Психология семьи: 3-е изд. – СПб: Питер, 2008.
20. Дуновски И. Воспитание приемных детей. – В кн. Воспитание детей в неполной семье. – Пер. с чешск. под общ. Ред. Ершовой Н.М. – М.: Прогресс, 1980 – С. 123-138 .
21. Ершова Н. Все дети имеют право на счастье. – В кн. Воспитание детей в неполной семье.- Пер. с чешск. Под общ. Ред. Ершовой Н.М. – М.: Прогресс, 1980. – С.195-204.
22. Ершова Н.М. Воспитание детей в неполной семье. – М.: Прогресс, 1980 – 207 с: "
- 23! Имом Ғазизий! Эй, фарзанд! – Т.: Мөвәрабинарх, 2005. – 128 б.
24. Каримова В.М. Ижтимоний психология ва тижтиштимоний амалийёт: Университетлар ва педагогика таҳтитутлари учун ўқув кўлланма. – Т.: Университет, 1999. – 96 б.
25. Каримова В.М. Психология: Ўқув кўлланма. – Т.: А. Кодирийномидаги Ҳалқ мөрбөи шартиёти, 2002. – 235 б.
26. Каримова В. Оиласи ҳаёт психологияси: Ўқув кўлланма. – Т: Family Psychology, 2009 – №41б;
27. Каримова В. Оила психологияси: Т: Реп-УКС Technology, Канрийон, 2008. – 170 б.
28. Каримова В. М. Ёшларда узбек ғиласи тұғрысындағы тасиға

вурлар/ Психол.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис..  
Фарғона.: ФДУ 1994.-291 б.

29. Каримов Х.К. Ўзбек оиласарида эр-хотин низоларининг  
ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. ф. н. илмий даража.  
олиш учун ёзилган дис.. – Т.: ТГПИ 1994. – 142 б.

30. Колухова Я. Психология воспитания приемных детей. – В  
кн. “Воспитание детей в неполной семье” – Пер. с чешс. Под общ.  
Ред. Ершовой Н.М. – М.: Прогресс, 1980 – С.139-176.

31. Кон И.С. Психология юношеского возраста: (*Проблемы  
формирования личности*). Учеб. пособие для студентов пед. ин-тов.  
– М.: Просвещение, 1979.

32. Крахотвиц С. Психотерапия семейно-сексуальных листгар-  
моний: Перевод. с чешс. - М.: Медицина, 1991.-336 с.

33. Kovar L. C. Wasted Lives A Study A Children in mental Hospital  
and their Families. N.Y., 1976

34. Марова З. Ребенка воспитывает одна мать.- В кн. Воспитание  
детей в неполной семье.- Пер. с чешс. Под общ. Ред. Ершовой Н.М.  
– М.: Прогресс, 1980 – С. 7-68/

35. Матейчик З. Некоторые психологические проблемы вос-  
питания детей в неполной семье. – В кн. Воспитание детей в не-  
полней семье. – Пер. с чешс. Под общ. Ред. Ершовой Н.М. – М.:  
Прогресс, 1980 – С.69-98

36. Moscovisi S. Sociale representations/ Ed. By R.M/ Fatt, ..-  
Combridge, – 1984-412 р.

37. Мид М. Культура и мир детства. - М ., 1988.- 321 с.

38. Навоий Алишер. “Маҳбуб-ул-кулуб”.// Навоий. Асарлар, ўн  
беш томлик, 13-том. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.

39. Нормуродов F.А. Гумон килинаётган вояга етмаган ўсмир-  
ларни сўрок қилининг психологик хусусиятлари// Психол.ф.н.  
илмий даражасини олиш учун ёзилган монография.-Т., ЎзМУ 2000.  
– 175 б.

40. Радванова С. Социальные и юридические проблемы неполной  
семьи. - В кн: Воспитание детей в неполной семье. – Пер. с чешс. \  
Под общ. ред. Ершовой Н.М. – М.: Прогресс, 1980 – С. 99-122

41. Соколова Е.Т. Самосознание: самооценка при аномалиях  
личности. – М.: МГУ, 1989.56 с. .

42. Сатир В. Как строить себя и свою семью.- М.: 1992. С 50-72.
43. Ушатиков А.И. Теоретические и прикладные проблемы психологии познания людьми друг друга – М.: 1975, – 152 с.
44. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. – Психол.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т., ТДПУ 2009, – 46 б.
45. Фахр ул Банот Сиғбатуллоҳ кизи. Оила сабоклари. – Т.: 1992.- 96
46. Фитрат А. Оила ёки оиласи бошқариш тартиблари, – Т.: Маънавият, 1998.- 1126.
47. Форобий. Фозил одамлар шахри.- Т.: Мерос, 1990 56-60 б.
48. Шоумаров Ф.Б., Моршина Е.А. Влияние психологических особенностей узбекской семьи на воспитание молодёжи. // Проблемы совершенствования нравственного воспитания студентов. Материалы конференции. – Сыктывкар, 1986. – С. 161-169.
49. Фозиев Э.Ф. Ўзбек халқининг этнопсихологияси ва болалар тарбияси. Узбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани киска маъruzалар матни. - Т., 1993.Б.- 8-9 .
50. Эйдемиллер Э.Г., Юстиский В.В. Семейная психотерапия. – Л., 1989. –
51. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Т.: Фан, 1972.58-76 б.
52. Ядгарова Г.Т. Нотўлик оиласарниң ижтимоий психологик хусусиятлари // Психол.ф.н. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф.-Т., ЎзМУ 2004 – 24 б.

# МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I Боб. ижтимоий психологияда оиласвий муносабатлар муаммосининг ўрганилиши</b>	
шарқ мутафаккирлари оиласвий муносабатларнинг бола психологияси ривожланишидаги аҳамияти ҳакида.....	5
оила психологиясида конструктив ва деструктив муносабатларни ўрганиш анъаналари.....	16
Ўзбекистонликтолимларнинг тадқикотларида оиласвий муносабатлар муаммосининг ўрганилиши.....	34
<b>II Боб. Тўлиқ ва нотўлик оиласларда шахсларро муносабатлар хусусиятларини тадқик этиш тамойиллари</b>	
Тўлиқ ва нотўлик оиласларда она ва бола муносабатларнинг ўзига хослиги илмий тадқикотлар предмети сифатида.....	44
Тўлиқ ва нотўлик оиласла оиласвий уюпгандликни ўрганиш натижалари.....	54
<b>III-Боб. Тўлиқ ва нотўлик оиласла тарбиялангаётган болалар истиқбол тўғрисидаги тасаввурларининг ижтимоий -психологик ўзига хослигини тадқик этиш натижалари</b>	
Тўлиқ ва нотўлик оиласла «она-бола» ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш натижалари.....	67
Турли таснифдаги оиласла тарбиялангаётган ўсмиirlар ҳамда илк ўспирин ёшидаги болаларнинг ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш.....	77
Тўлиқ ва нотўлик оиласла тарбиялангаётган ўсмиirlар ҳамда илк ўспирин ёшдаги болаларнинг истиқбол ва келажак ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш натижалари .....	92
Хулоса.....	107
Амалий тавсиялар.....	109
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	111

Илмий нашр

Түзал ЮНУСОВА

**ОИЛАДА ОНА ВА БОЛА  
МУНОСАБАТЛАРИ  
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Монография

*Мұхаррір:* А. Содиков

*Тех. мұхаррір:* Н. Ҳошимов

*Дизайнер:* М. Ҳошимов

Нашриёт лицензияси: А.И.№ 162. 2009 йил 14 август.  
Теришга берилди: 03.01.2013. Босишига рухсат этилди:  
31.01.2013. Ҳажми: 60x84 1/<sub>16</sub>. Офсет усули гарнитураси  
«Times New Roman». Нашриёт босма табоги 7,25.  
Шартли босма табоги 8,75. Адади: 500 дона.

Буюртма №43

«Фарғона» нашриёти  
Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси. 28-уй.

«Данғара-полиспектр» МЧЖ босмахонаси  
Данғара шаҳарчаси, Тошкент кўчаси, 124-уй.